

БҮРИ  
ЗИЁМУХАММАДОВ



# ИЛІМ ХИКМАТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ  
ИНСТИТУТИ

БҮРИ ЗИЁМУҲАММАДОВ

ИЛМ  
ҲИҚМАТИ

(Олим бўлиш сирлари)

ТОШКЕНТ  
АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ  
ТИББИЁТ НАШРИЁТИ  
1999

**Тақризчи: Тошкент автомобил йўллари институти фалсафа каф.  
мудири, фалсафа фанлари доктори *А. Мамашокиров***

Ушбу китобда илмий фаолият билан боғлиқ назариялар, илмий тадқиқот обьекти, предмети ва мақсадини аниқлаш, уни амалга ошириш усули, услугуб ва методологияси, адабиёт ва манбалар билан ишлаш, реферат, курс иши, магистрлик номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёзиш, тадқиқот мавзуни танлаш, мазкур мавзу бўйича ишлаш йўл-йўриклиари ихчам таҳдил этилган.

Китоб олий ўқув юртлари талабалари, аспирантлар ва бошқа илм ахли учун мўлжалланган.

## МУҚАДДИМА

Ҳар қандай давлатдан юқори тараққиёт даражасига эришиш учун, энг аввало, иқтисодиётни устиворлигини таъминлаш, мавжуд табиий ресурсларни ишга солиш, одамлар орасида маънавий ва маърифий қадриятларни тиклаш талаб этилади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Фақат билимли, маърифатли жамияттина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олади, аксинча, билими кам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришини ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда исботламоқда”. \*

Республикамизда юқори малакали ва маърифатли кадрларни тарбиялаб етиштириш ва илм соҳиблари сафини шакллантириш мақсадида бир қатор қонунлар ва меъёрий хужжатлар яратилди.

Жумладан, 1997 йили “Таълим тўғрисида” қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди. Бу хужжатларни ҳаётта жорий қилишда зиёлиларимиз зимасига катта масъулият юклатилади.

Ёшлиарнинг илмий фаолият билан шуғулланиши ва унга кўникма ҳосил қилиши уларнинг талабалик даврларидан бошланади. Ўша даврда олган билим ва кўникмаларини кейинги илмий изланиш жараёнларида янада такомиллаштиради ва ҳаёт билан боғлаб боришига муваффақ бўладилар.

Хўш, илм билан шуғулланувчилар нималарга кўпроқ аҳамият беришлари лозим.

**Биринчидан**, ўзини илмга бағищлаган одам бир қатор ҳаётий эҳтиёжлардан ўзини тишиши шарт. Буларга чиройли кийиниб юриш, ўзига зеб бериш, улфатчилик қилиш, кўнгилхушлик билан шуғулланиш кабиларни киритиш

\* Қаранг: Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997 йил. 150-бет.

мумкин. Илмга садоқатли одамлар доим қаноатли, хуш-фөйл ва бошқаларга ибратли бўлишган.

**Иккинчидан**, ҳар бир тадқиқотчи ўз фанини чуқур эгаллаган бўлиши ва унинг муаммолари устида доим бош қотириши шарт. Шунингдек, у тадқиқот ишига ёндош бўлган бошқа фанлардан ҳам етарли даражада хабардор бўлмоғи лозим.

**Учинчидан**, тадқиқотчи фалсафа фанининг умумий қонуниятларини ва илмга алоқадор тармоғини ўзлаштириб олиши, хорижий тиллардан лоақал биттасини эгаллаган бўлиши керак.

Демак, шундай хулоса қилиш мумкин: *Илм билан шугулланиш — изланиш ва тадқиқотлар олиб бориш, яъни қонуниятларни кашф этиш ва шу йўл билан жамият ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш демакдир.*

Маълумки, республикамиизда илмга лаёқатли ёшлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқдан ҳолда бирор қўлланма ҳали яратилган эмас. Биз шу бўшлиқни тўлдиришга жазм этиб, ушбу илмий-услубий қўлланмани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Бундан мақсад, илм соҳасига энди кириб келаётган ҳамда шу машаққатли йўлни танлаган ёшларга баҳоли қудрат йўл-йўриқлар ва маслаҳатлар беришдан иборат.

# **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТГА ОИД ТУШУНЧАЛАР ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

Илмий фаолият билан шуғулланувчиларнинг асосий вазифаси – илмий тадқиқотга тегишли барча тушунчалар тизимини тұла тушуниб етиш, тадқиқот ишларини түфри ташкил этиш, маълум бир мавзунинг мазмун ва моҳиятини бошқаларга аниқ ва равшан етказиб бериш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Илмий тушунчалар тарихий шаклланиш даврида маълум бир нарса ёки ҳодисанинг аниқ бир хусусиятини ёки бирор жараённи кечиш қонуниятини билдиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир тадқиқотчи ўз ишини бошлашдан олдин ўз соҳаси ва илмий тадқиқотта оид тушунчаларни ўрганиб, уларни чуқур таҳлил қилиши, қайси бири қай мазмунда ишлатилиши мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлаб бориши мақсадга мувофиқ.

Тушунча деб, муайян бир нарса ёки ҳодисанинг энг умумий ва муҳим хусусиятлари, белги ва қырраларини ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасига айтилади.

Тушунчалар нарса ва ҳодисаларни объектив хусусиятлари ҳамда улардаги қонуниятларини тұла акс эттириши лозим.

Илмий фаолият, ҳали маълум бўлмаган қонуниятларни, яъни янги билимларни аниқлаб бериш билан боғлиқ бўлганлиги учун, асосий тушунчалар талқинини “билим” деган тушунчага таъриф беришдан бошладик.

**Билим бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги уларнинг ички заруриятидан келиб чиқдан боғлиқликдир.** Бу боғлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан, яъни тадрижидан келиб чиқиб, бизнинг ихтиёrimиздан ташқари ўзи мавжуд. Шунинг учун ҳам уни қонуният, деб юритилади.

Билим — нарса ёки ҳодисанинг хусусияти, ички қонуниятидан келиб чиқиб, қоидалар, умумий таъриф, тушунча ва атамалар шаклида намоён бўлади.

**Нарса ва ҳодисаларнинг қандайдир хусусияти ёки уларни ташкил қилувчи қисмлар орасидаги зарурий боғлиқликни киши тафаккури орқали ҳис қилишлик эгаллашлик** — билиш дейилади.

Билиш жараёни ақлий сафарбарлик орқали тафаккур фаолияти натижасида содир бўлади.

Инсонни бошқа мавжудотлардан фарқи шундаки, у фаолият кўрсатиш қобилиятига зга. **Кишининг маълум бир мақсад сари қилган ҳаракатини фаолият дейилади.** Олдига қўйган мақсад тури ва ҳаракатига қараб инсон фаолияти бир неча турга бўлинади. Ҳар қандай фаолият соҳасининг провард мақсади ё шахсий, ёки жамоа, ёхуд бутун давлатнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган бўлади. Ҳар бир ҳаракат уч хил фаолият турларидан ташкил топган. Булар — амалиёт, илм ва фан.

**Амалиёт, бу аниқ шахс, жамоа, ёки бутун жамиятнинг муайян эҳтиёжидан келиб чиқиб, табиий унсур ёки ҳодисаларни шу мақсадга бўйсундириш йўлида қилинадиган тартибли ҳаракатидир.** Агар инсон бу ҳаракат тартибини ва табиий унсур ё ҳодисанинг хусусият ҳамда қонуниятларини билиб олган бўлса, у ўз амалиётини шунга асосланиб ижро этади. Агар бу билимлардан хабардор бўлмаса, уни билишга интилади. Одатда бу билимни уни билувчи шахсдан ёки шу соҳа фанидан олиши мумкин бўлади. Шу соҳа фанидан ҳам топа олмаса, шу соҳа илмига мурожаат қиласди. Соҳа илми тадқиқотлар олиб бориш орқали муайян мақсадга етиш йўлларини аниқлайди. Хусрав Дехлавий айтганидек:

**Илм аслида бу аниқ тадқиқот,  
Ўрганиш, изланиш ва ҳам тадбиқ.**

**Илм — тадқиқотлар олиб бориш йўли билан объектив борлиқдаги бир бутунликни, яъни нарса ёки ҳодисани ташкил қилувчи қисмлар орасидаги қонуний боғлиқликни аниқлайдиган фаолият туридир.** Илм аниқлаган билимлар фанинг мулки бўлиб қолади.

**Фан — муайян соҳа илми аниқлаган билимларни жамлаб, уларни саралаб, маълум бир тизимга солиб туриб, бошқаларга ўргатадиган фаолият туридир.**

Жамиятнинг чексиз эҳтиёжларидан бири билимга бўлган эҳтиёждир. Бунинг сабаби қўйидагилардан иборат.

**Биринчидан**, соғлом миянинг табиий ҳолати тинмай билим олиб туриш эҳтиёжида бўлади. Билим инсон онги ва руҳининг озуқа манбаидир.

**Иккинчидан**, ҳар қандай инсон ўзини ва бола-чақасини тинчлиги ва хотиржамлигини ўйлайди. Бу тинчлик ва хотиржамликни фақат билим бера олади. Нарса ва ҳодисалар сирини билувчи одам доим хотиржам бўлади. Беҳудага хавотирланиш ва руҳ нотинчлиги фақат кишининг гуноҳларидан ёки билимсизлигидан бўлиши мумкин. Чунки Тангрининг бизга берган энг олий неъматларидан бири билиш қобилиятидир. У неъматдан фойдаланмай умрини жаҳолатда ўтказиш гуноҳ ҳисобланади.

Куръони Каримда билимга, уни эгаллаш ва ўргатишга жуда катта аҳамият берилади. Куръонни турли сураларида илм ва таълимот тўғрисида миннатдорчилик ва ҳурмат билан гапирилади. Муҳаммадга хушхабар туширилади, пайғамбарлик Оллоҳнинг “ўқи” деган каломи билан бошланади. Худо биринчи бор ўз Пайғамбарига мурожаат қилиб, “Эй Муҳаммад, барча мавжудотни яратган зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг”. \* Бу сурада Аллоҳ ана шундай марҳамат қиласиди: “Ўқинг! Сизни Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни — жатни) ўргаттан ўта карамли зотдир. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатади”. \*\* Демак, Аллоҳнинг туширган каромати илмдан, ўқиш ва ўрганишдан бошланган. Худои-таоло инсонни билим олишга, уни излаб тошишга қобилиятли қилиб яратди. Инсон бошқа мавжудотлардан шу хусусияти билан фарқ қиласиди.

**Учинчидан**, фақат билимли инсонгина руҳан тетик бўлиб, иймони мустаҳкам бўлади. Иймони мустаҳкам одам баҳтили ҳисобланади. Баҳтга ҳамма интилади.

**Билим — ҳикмат, илми толибларга билим бериш билан боғлиқ фаолият турига маърифат дейилади.**

\* Қаранг: Куръони Карим 96-сурा, 1-оят

\*\* Ўша жойда; яъни 96-сурা, 3,4,5-оятлар.

Маърифат тан бўлса, давоси — ҳикмат,  
Норасо қалбларнинг шифоси — ҳикмат.  
Камолга етмоқни кўзласа ҳар ким,  
Куввати, мадати, давоси — ҳикмат.

деган экан шоир Муҳидбий. Маърифат узлуксиз жараён, у толиблар ва мураббийлар орасидаги маърифий муносабатлардан ташкил топади.

**Маърифий муносабат деб, одамлар орасидаги билим бериш ва билим олиш мақсадида содир этиладиган муносабатлар турига айтилади.**

Киши эгаллаган билимлари асосида амалда бир неча бор синовли ҳаракатлар қилиб кўнирма ҳосил қиласди. Бу ҳаракатлар кўп марта такрорланиб малакага айланади, бора-бора кишининг руҳига сингиб, ҳаёт тарзига айланниб кетади.

**Ҳикматнинг инсон ҳаёт тарзига айланиб кетганлик ҳолатини маънавият дейилади.**

Кишининг малакали ҳаракатлари алоҳида жозиба, фидоййлик ва самимият билан ижро этилса, у бошқаларда завқ уйғотади.

**Кишининг малакали ҳаракатлари атрофдагиларни завқ-лантири олиш ҳолатига маданият дейилади.**

## **БИЛИМ ЭГАЛЛАШ БОСҚИЧЛАРИ, КОНЦЕПЦИЯ ВА НАЗАРИЯ ТУШУНЧАЛАРИ**

Киши билим эгаллаш жараёнида бир қатор ташкилий масалаларни ечади, онг ва руҳида маълум бир ўзгаришлар содир бўлади. Бу жараённи гуруҳларга ажратганимизда қўйидаги босқичларни кўрамиз:

**Биринчи** — сунна ёки ибрат босқичида билим эгаллаш жараёни инсоннинг ташқи сезги аъзолари ва тафаккури орқали ҳис этиб билган нарса ва ҳодисаларнинг маълум хусусиятлари ва қонуниятларига **тақлид** қилиш орқали кечади. Бу жараён инсонияттага маълум бўлган билимларни асосан эслаб қолиш ва механик равишда бажариш, яъни тақлид қилиш орқали амалга ошади. Бу босқичда эгалланган билим “**асотир билим**” дейилади, аждодларимиз бундай билимни “**илмул яқин**” деб атаганлар. Бу босқич асосан кишининг ёшлиқ ва ўсмирилик даврига мансубдир.

**Иккинчи** — маърифат босқичида инсоннинг мантиқий тафаккури ишга тушиб, эгалланган асотир билимлар асосида янги қонуниятлар, яъни янги алоқадорликлар аникланади. Бунда инсон тафаккури билан биргалиқда тасаввури фаол қатнашиб, кишида билим бериш эҳтиёжи пайдо бўлади ва билишнинг илмий усуллари ишга тушади. Бу йўл билан топилган билимлар “илмий билим” дейилади. Қадимги алломалар бундай билимларни “айнул яқин” деб номлаганлар. Бу билиш босқичи одамларни вояга етган даврига тўғри келади.

**Учинчи босқич** — урфон ва тасаввуф босқичи бўлиб, унда, билим топиш учун, руҳ сафарбар этилади. Яъни ички ҳиссиятни ишга солиб, муроқаба ва илҳом усуллари орқали билим эгалланади. Бундай билимларни “ботиний билим” дейилади. Алломалар уни “ҳаққул яқин” дейишган. Бундай билиш босқичини киши вояга етганда яъни етуклик ёшида эгаллаши мумкин.

**Тўртинчи** — мажоз, амалиёт босқичидир. Бунда сунна, маърифат ҳамда урфон босқичларини ҳар бири орқали олинган билимларни амалда жорий қилиниши кўрсатилади.

Бу босқичларнинг ҳар бирида ўзига хос билим эгаллаш ва амалий ҳаракатларнинг усул ва услублари мавжуд.

Яқин ўтмишимизда асотир ва илмий билимларни эгаллаш ҳамда уларни амалиётда қўллаш, яъни мажоз усул ва услубларини ўрганиш, янгиларини яратишга зўр берилган-у, ботиний билимларни эгаллашнинг усул ва услублари ўрганилмаган. Аслида ботиний билим ҳақиқатта жуда яқин ҳаётий билимлардир. Бу босқичдаги билимни эгаллаш усуллари руҳ тарбияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, маҳсус руҳий машқларни қайта-қайта такрорлашлар (зикр қилиш) йўли билан руҳни мақсад сари сафарбар қилинади. Тасаввуф таълимотининг таъкидлашича, вужуд зарур жами билимларни, яъни нарса ва ҳодисалардаги қонуниятларни ўзида сақлайди. Уларни билиш учун бирорлардан сўраш ёки китоб титишининг ҳожати йўқ. Нимаики билимни билмоқчи бўлсанг, ўзингта яъни руҳингта мурожаат қил. Тасаввуфчи шоир айтганидек:

Бир сават ширмой нон турар бошингда  
Тилайсан эшикдан бурда нон нечун?

Кишилар эшигин тақијлатгунча  
Қоқсанг-чи, эй нодон, дилинг эшигин!

Билим эгаллашнинг бундай табиий ва самарали босқи-  
чига амал қилинмаслиги натижасида чала, гоҳо эса соҳта  
билимлар кўпайиб кетишига ва дунёни бир ёқлама, баъзи-  
да нотўғри тушунишга олиб келади.

Ушбу асарда асотир билимларни эгаллаш ва улар асо-  
сида илмий билимларни аниқлаш усул ва услублари ифо-  
да этилган.

Юқорида билим эгаллашнинг ташкилий нуқтаи наза-  
ридан босқичларга бўлинниб чиқилди. Энди уларни инсон  
онги ва руҳиятида содир бўладиган ўзгаришлар нуқтаи на-  
заридан ўрганишга ҳаракат қиласиз.

Инсон мақсад сари қиладиган ҳаракатини, шу жумла-  
дан илмий тадқиқотни мулоҳаза юритишдан бошлайди.  
Яъни эҳтиёжни мақсадга айлантириш тўғрисида ўйлайди.  
Тўғри, уларнинг кўпи ният, яъни эҳтиёж босқичида  
қолиб кетади. Аммо баъзи бир эҳтиёжлар одам руҳида  
ўзини кучли намоён қиласериши натижасида киши бу  
эҳтиёжни қондириш ёки қондирмаслик устида ўйлаб қола-  
ди. Кейин бу эҳтиёжни қондириш ёки уни қондириш шарт  
эмаслиги тўғрисида бир фикрга келади. Қондиришга қарор  
қилинса, демак, эҳтиёж мақсадга айланади. Қондирмас-  
ликка қарор қилинса, эҳтиёж эҳтиёжлигича қолиб кета-  
веради.

**Илмий фаолиятдаги мулоҳаза босқичи деб инсон руҳида**  
**пайдо бўладиган табиий ва ижтимоий эҳтиёжларни қонди-**  
**рилиши ёки қондирилмаслиги тўғрисида хукм чиқариб, эҳти-**  
**ёжни мақсадга айлантириб берадиган тафаккурнинг фаоли-**  
**ят турига айтилади.**

Эҳтиёж мақсаддага айланганидан кейин киши бу мақсад-  
га етишишнинг йўлини излайди ва ўз тасаввuri ёрдамида  
бу йўлнинг ижро этиш режасини тузади.

**Нарса ёки ҳодисага етишиш бўйича инсон томонидан**  
**мақсад қилиб қўйилган, аммо илмий асосланмаган бўлса-**  
**да, мантиқан боғлиқ тадбирлар мажмууга тахмин (гипоте-**  
**за) дейилади.**

**Мақсадга етишиш тахмини мавжуд қонуниятларда асос-**  
**лаб берилган босқичини концепция ёки илмий асосланган**  
**таксин дейилади.**

Тахмин ўз босқичида қолиб кетиши ҳам мумкин. Шундай ҳолатлар бўлиши мумкин: тахминнинг баъзи ўринлари тасдиқ топиб, баъзи ўринлари инкор қилиниб, сўнгра маромига етказилади.

**Илмий асосланиб маромига етказилган тахмин концепцияга айланади. Ҳар қандай илмий асосланган лойиҳани амалда синаб кўриш талаб қилинади.**

**Мақсадга етишишнинг илмий асосланган лойиҳасини амалда синаб кўришни тажриба дейилади.**

Лойиҳа қанчалик илмий асосланган бўлишига қарамай, тажрибадан ўтмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ҳамма жараён бошидан қайтарилади. Яна бошқача тахмин қилинади ва ҳоказо. Кейинги фикрлар ҳам тажрибада ўз тасдигини топмаса, жараён яна қайтарилади ёки мақсаддан воз кечилади. Чунки тажриба ҳақиқат мезонидир. Фақат тажриба синовидан ўтган ва таърифи маромига етган билим тўғри деб ҳисобланади ва шу соҳа фан назариясини бойитади.

**Назария деб, тафаккурнинг барча босқичларидан ўтган ва амалиётда синалиб кўрилиб, маромига етган билимлар мажмуига айтилади.**

### **УСУЛ, УСЛУБ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи унинг маълум бир мақсад сари ҳаракат қилишидадир. Киши мақсадга етишиш жараёнида бир қатор табиий ва сунъий тўсиқларни енгиб ўтади. Бу тўсиқларни бартараф қилиш учун бир қатор тадбирни кўради.

**Мақсадга етишишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбирлар мажмуини усул дейилади.**

Мақсадга етишишда бир неча, гоҳо ўнлаб-юзлаб тўсиқларни енгишга тўғри келади. Бу тўсиқларни енгиш учун тегишли усуллар тизими кўлланилади.

**Мақсадга етишишдаги қўлланиладиган усуллар тизими-ни усул (йўл) дейилади.**

Усулларни маълум бир тартибда қўлланиш жараёнида ҳар бир ҳаракат мақсад кўрсаткичларига бўйсундирилади. Ундан ташқари, киши мақсадга етишиш жараёнида диалектиканинг энг умумий қонунларига ҳамда муайян соҳадаги умумий ва хусусий қонуниятларига ҳам амал қиласади.

Инсон бу фаолияти ниҳоясида қандай кўрсаткичларга эришишини кўз олдига яққол келтириб амалга оширади.

**Методология деб, киши мақсад сари қилган ҳаракатида унга тамойил бўлган мақсад кўрсаткичлари билан шу ҳаракат давомида амал қиласидиган қонуниятлар мажмусига айтилади.**

Ҳар қандай жамият аъзоларининг умумий мақсади бўлади. Ўзбекистон Республикаси халқларининг асосий мақсади ҳуқуқли ва демократик давлатни қуриш, адолатли ва фуқаролар жамиятини шакллантиришдир. Бундай давлат ва жамиятнинг кўрсаткичлар мажмуи бўлади. Уни миллий мағкура дейилади. Шу билан биргаликда ҳар қандай ижтимоий гурухларнинг ўзига хос мақсадлари ҳам мавжуд. Ҳар бир шахсда ижтимоий сифатлар ва шунга яраша эҳтиёжлар тизими бўлганлиги сабабли одамларнинг шахсий мақсадлари ҳам турличадир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир шахснинг энг умумий, умумий ва шахсий мақсадларига етишиш учун энг умумий, умумий ва хусусий методологик асослари мавжуд.

**Жамиятни олдига қўйган мақсад кўрсаткичлари ва диалектиканинг умумий қонуниятлари бутун жамият аъзолари фаолияти учун энг умумий методологик асосдир.**

Ҳар бир соҳада мавжуд мақсад ва шу соҳада ҳукм сурувчи қонуниятлар шу соҳа билан шугулланувчилар учун умумий методологик асосдир.

Муайян фаолиятнинг энг умумий, умумий мақсад кўрсаткичлари ва қонуниятлари билан бирга шу фаолиятнинг ичida қисқа муддатли мақсад кўрсаткичлари ва тармоқ қонуниятлари ҳам бўлади.

**Кишилар ўз фаолиятида қисқа муддатли мақсад кўрсаткичлари ва соҳа қонуниятларига амал қилишигини хусусий методология дейилади.**

Одамлар фаолият кўрсатиш жараёнида энг умумий, умумий ва хусусий методологиялардан келиб чиқсан ҳолда ўз ишларини амалга оширадилар. Акс ҳолда қилган ҳаракатлари зое кетиши мумкин.

## **ТАДҚИҚОТ ВА МАЖМУАЛИ ЁНДАШУВ**

Фаолият соҳасидан қатъий назар, ҳар қандай илм ўз тадқиқотини муайян бир нарса ёки ҳодисага қаратган бўлади.

**Бир бутунни ташкил қилувчи ва ўзаро узвий боғлиқ қисмлардан иборат маълум бир нарса ёки ҳодиса мажму дейилади.**

Ҳар қандай мажму икки ёки ундан ортиқ қисмлардан иборат бўлиб, айни вақтда ўзи ҳам ўзидан юқори поғонада турган мажмуга қисм бўлиб киради. Унинг қисмлари бир поғона пастдаги мажмулар ҳисобланиб, улар ҳам бир неча қисмлардан иборат бўладилар. Бу ҳодиса чекли ва чексиз бўлиши мумкин.

**Мажмуни ташкил қилувчи қисмлар деб, фақат ўзаро узвий (функционал) алоқадорликда бўлган қисмларга айтилади.**

**Мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг бир хусусияти ўзгарса ва қонуний равишда бошқа қисмларнинг ҳам хусусиятлари ўзгаришларга учраса уни функционал алоқадорлик дейилади.**

Мажму замон ва маконда мавжуд бўлиб, вақт ўтиши ёки макон ўзгариши билан мажмунинг асосий хусусиятлари ҳам ўзгаради.

Мажмуларнинг ҳар бири фақат ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бири-биридан шу хусусиятлар йиғиндиси билан ажralиб туради.

Мажмунинг хусусияти фақат бошқа мажмулар билан алоқаларда намоён бўлади.

**Алоқадорлик деб, мажму хусусиятини пайдо қилишилиги-га айтилади.**

**Боғлиқлик эса, фақат уларнинг намоён бўлишидир. Янги хусусиятни яратувчи алоқадорлик функция дейилади.** Нарса ва ҳодисаларнинг функцияга бўлган нисбати функция-нинг намоён бўлишининг асоси, мажмунинг ажralmas қисмидир.

Функциялар орқали мажмулар ҳолати аниқланади.

**Мажму ҳолатларини кетма-кет намоён бўлишини жараён дейилади.**

“Жараён” ва “ҳолат” тушунчалари орқали мажмуни бир гизими иккинчи бир тизим билан алмашиниши ифодалашади.

**Мажму уни ташкил құлувчи қисмлари** ўз пофонасидаги мажмулар орасидаги алоқадорликларда намоён бўлади. Ҳар қандай мажму асосини алоқадорликлар ташкил қиласди. Алоқадорликлар киши ихтиёридан ташқари мавжуд. Аммо субъектив, яъни инсон хоҳиш-истагидан келиб чиқсан ва унинг тасаввурнида намоён бўладиган алоқадорликлар ҳам бўлади. Бундай алоқадорликни сунъий ёки антропоген — ясама алоқадорлик, дейилади. Сунъий алоқадорликлар мажмуни ташкил құлувчи қисмларининг ички заруриятидан келиб чиқсан бўлиб, амалиётда синовдан ўтганидан кейин ҳақиқийга айланади.

**Мажмулар ўз асосларига нисбатан: тартибли ва тартибсиз; тезликка эга ва суст; икки қарама-қарши ва кўп томонлама; нуқтавий; чизиқли; тикланувчан ва тикланмайдиган; оддий ва мураккаб; детерминлашган ва детерминлашмаган; марказлашган ва марказлашмаган; бир ва кўп пофонали; ички ва ташқи гуруҳларга ажраладилар.**

Яна мажмулар ҳолатига қараб қўйидаги гуруҳларга ажратса бўлади:

**Бирламчи** — мажмулар муайян хусусиятларга азалдан эга бўлганидан кейин эришганда.

**Иккинламчи** — муайян бир хусусиятга мазкур мажму бўлганидан кейин эришганда.

**Тугалланган ва тугалланмаган** мажмулар:

Тугаллангани ўзига янги қисмларнинг қўшилишига йўл қўймайди, тугалланмагани бунга йўл қўяди.

**Иммонент ва иммонентсиз** мажмулар. Биринчи тури фақат ўзини ташкил құлувчи қисмлари билан узвий алоқадорликда бўлади. Иккинчиси бошқа мажмуларнинг қисмлари билан ҳам алоқадорликда бўлишига йўл қўяди.

**Минимал мажмулар** ҳам бўлади. Улар ўзларини ташкил құлувчи қисмларининг биронтасини йўқ қилинганда ўзлари ҳам йўқ бўлиб кетадилар.

**Турғун ва турғун эмас** мажмулар тизимиға ўзгариша киритилганда ўзгармайдиган мажмулар турғун ҳисобланади, ўзгариш киритишга йўл қўядиганлари турғун эма ҳисобланади.

**Кучли мажму** деб таркибиға киравчи қисмлари ўзгарга тақдирда мажму ўзгармай тураверишига айтилади. **Кучси мажмуни** таркибиға киравчи қисмлари ўзгариши билан ўз ҳам ўзгариб кетади.

**Гомоген мажмулар**, деб бир хил хусусиятли қисмлардан иборат мажмуларга айтилади. **Гетероген** деб ҳар турли хусусиятларга эга бўлган қисмлардан иборат бўлгандарига айтилади.

**Мажмулар яна қайтарилиб турувчан ва қайтарилмайдиганлар** гурухларга бўлинадилар. Уларнинг биринчиси маълум бир қонуният асосида ўзгариб яна аввалги ҳолатига қайтиб келиб туради. Иккинчиси тинмай ўзгариб аввалги ҳолатига ҳеч қайтиб келмайди.

**Қадрли ва қадрсиз мажмулар** ҳам мавжуд. Агар мажмуни ташкил қилувчи қисмларининг ҳар бирини бошқа қисмлар билан алоқадорлиги иккитадан ошмаса у қадрли, бошқа ҳолларда қадрсиз мажму деб юритилади.

**Чала мажмуда** алоқадорликда турган обьектлар билан ҳамма хусусиятлари орасида ўзаро алоқалар ўрнатилмаган бўлади. **Тўлиқ мажмуда** унинг акси — алоқадорликда бўлган обьектнинг ҳамма хусусиятлари орасида узвий алоқалар ўрнатилган бўлади.

**Вариатив мажмулар** деб, фақат муайян мажмуни ташкил қилувчи қисмлари орасида алоқадорликлар мавжуд бўлмай бошқа мажмулар қисмлари билан ҳам узвий алоқаларни ўрнатишга йўл қўйганларга айтилади.

**Вариативсиз**, деб унинг акси бошқа мажмуларнинг қисмлари билан алоқадорликка йўл қўймайдиган мажмуларга айтилади.

Кўриб турганимиздек мажмулар назарияси анча мураккаб ва яхши тараққий этган назарий билимлар мажмуми экан. Уни эгаллаган оламни тўғри тушуниб тадқиқот ишини тез ва тўғри амалга ошира олади.

Бу ерда биз мажмулар назарияси билан чуқур шуғулланувчиларнинг кўп йиллик тадқиқотларини соддалаштириб хусусият ва қонуниятлар кўринишида китобхонни таништиридик, холос.

Тадқиқот ишида мажмулар назариясидан келиб чиқишилик — биринчидан, тадқиқот ишини бир неча ўн баробар осонлаштиради ва тезлаштиради. Иккинчидан, тадқиқот ишини тўғри амалга оширишнинг гаровидир. Учинчидан, муайян тадқиқотни бошқа кишилар томонидан тез тушуниб, ўзлаштириб олишликка хизмат қиласи.

**Тадқиқот ишида мажмулар назариясидан келиб чиқишликтин мажмули ёндошув тамойили дейилади.**

Ҳар қандай тадқиқотчининг мажмули ёндошув тамойилига амал қилишини замон талабига жавоб берувчи тадқиқот дейилади. Собиқ иттифоқ давридаги Олий Аттестация Комиссиясининг диссертацияларни баҳолашдаги асосий мезонлардан бири ҳам диссертантни мажмули ёндошув тамойилига амал қилганлик даражаси ҳисобланган.

## **ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ**

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, соҳасидан қатъий назар, ҳар қандай илм ўз тадқиқотини бир бутунликка, яъни тегишли мажмуга қаратган бўлади. Улар бир неча ўзаро функционал боғлиқ қисмлардан ташкил топган бўлади. Уни мажму деб номланишига ҳам сабаб шу.

Бутун борлиқ катта ва кичик ҳамда шаклан турли мажмулардан ташкил топган.

Шу мажмуларни ташкил қилувчи қисмлари орасидаги алоқадорликни ва бу мажмуларнинг хусусиятларини белгилаб берувчи инсон фаолиятига илм, дейилади.

Мажмуларни ташкил қилувчи негизига қараб, уларни моддий ва номоддий, турларга ажратилиди. Моддийлари табиий ва сунъий. Табиийлари геологик, биологик, географик, экологик ва ҳоказолар. Сунъийлари техника, иншоот, агрономия ва бошқалар.

Ҳар бир қисм ўз навбатида мажму ҳисобланиб, у ҳам бир неча қисмлардан ташкил топади. Масалан, геологик мажму минерологик, гидрогеологик, палеонтологик ва ҳоказо қисмлардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири ҳам бир неча қисмларга бўлинади.

Бу мажмуларнинг ҳар бирини соҳа илми ўрганади. Ундан ташқари, бутун моддий олам мажмулари айрим хусусиятларини алоҳида-алоҳида илмлар ўрганадилар. Масалан, физик хусусиятларини физика, кимёвий хусусиятларини кимё ва ҳоказо.

Номоддий мажму-гуманитар, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий деган қисмлардан таркиб топган. Уларнинг ҳар бири ўз олдига мажму ҳисобланади ва бир неча қисмлардан иборатdir.

Ижтимоий мажмунинг ўзи маънавият, маърифат, маданият ва санъат деган қисмларни ўз ичига олади.

Ҳар бир соҳа ёки унинг тармоқларидағи мажмуларнинг алоҳида-алоҳида илм соҳаси ёки унинг тармоқ илми ўрганади.

**Муайян илм соҳаси ёки тармоқ илми тадқиқотларни аниқ бир мажмуга қаратиши шу илмнинг тадқиқот обьекти дейилади. Маълум бир илмнинг тадқиқот обьекти, деганда мазкур илм ўз тадқиқотларини қайси мажмуга қаратганлигини тушунмоқ лозим.**

Аммо ҳар қандай мажму икки ёки уч қисмдан иборат бўлганда ҳам унинг бир неча жабҳалари ва хусусиятлари бўлади.

**Жабҳа деганда мажмуни ташкил қилувчи қисмлари орасидаги узвий боғлиқликка айтилади.**

Мажмунинг хусусияти ўз табақасидаги мажмулар орасидаги алоқадорликда намоён бўлади.

Ҳар бир жабҳани ва аниқ алоқадорликни алоҳида илм соҳаси ўрганади ва уни шу илмнинг **тадқиқот предмети** дейилади. Бир обьектни бир неча соҳа илмлари ўрганиш мумкин. Масалан, медицина, косметика, физкультура, психология ва бошқа бир қатор илмларнинг тадқиқот обьекти инсоч ҳисобланади. Аммо ҳар бири ўзининг тадқиқот предметига эга.

**Илмнинг тадқиқот предмети муайян илм соҳаси, мажмунинг жабҳа ёки хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади.**

Тадқиқот обьекти-муайян илм тармоғи нимани ўрганади, деган саволга жавоб берса, тадқиқот предмети шу ниманинг нимасини ўрганади, деган саволга жавоб беради.

Ҳар қандай илм ўз олдига фақат битта мақсадни қўяди. Илмнинг тадқиқот ўтказишдан мақсади — ўрганаётган мажмуда шу вақтгача аниқланмаган хусусият ва қонуниятларини аниқлаш ва уни жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришда фойдаланишини кўрсатиб бериш орқали намоён бўлади.

Ушбу фалсафий тушунчалардан келиб чиқиб, ижтимоий фанлар тизимиға кирувчи бир неча илм тармоқлари-нинг тадқиқот обьекти, предмети ва мақсадларини аниқлаш мумкин.

**Ижтимоий фанлар илмининг умумий тадқиқот объекти ижтимоий ҳаётдир.** Шу ерда “ижтимоий” деган тушунчани шарҳлаб ўтиш жоиз. Ижтимоий атамаси икки маънода — бири кенг, иккинчиси тор маънода қўлланилади.

**Кенг маънодаги ижтимоий ҳаёт воқелик бўлиб, одамларни барча онгли ҳаракати натижасида вужудга келган ҳодисалар мажмусига айтилади.**

Бу мажмуга руҳий, иқтисодий, сиёсий ва тор маънодаги ижтимоий ҳаётлар қисм бўлиб киради.

**Тор маънодаги ижтимоий ҳаёт деганда кишининг био-ижтимоий мавжудот сифатида шакллантирувчи ва умри давомида эгаллаган ижобий сифатларини ўз ихтиёри билан намоён қилувчи ҳаёт жабҳаларига айтилади.**

Буларга — оиласидаги ҳаёт, ўзининг шахсий ҳаёти ҳамда меҳнат ва сиёсат билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолиятлар киради.

Бу тушунчаларни ҳаётда қўллашда тўғридан-тўғри ижтимоий деб кенг маънодаги ижтимоий ҳаётни ифодалаймиз, тор маънодаги ижтимоий ҳаёт устида сўз юритилганда ижтимоий-руҳий, ижтимоий-иқтисодий; ижтимоий-сиёсий, деган сўз бирикмаларидан фойдаланилади.

Инсоннинг руҳий ҳаётини гуманитар фанлар, хўжалик юритиш билан боғлиқ бўлган ҳаётини иқтисод фанлар, жамиятни бошқаруви билан алоқадор ҳаётини эса сиёсий фанлар ўрганади ва улар бу фанларнинг тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади.

**Ижтимоий ҳаёт бир неча қисмлардан иборат бўлиб, улар ўзаро алоқадорликда бўлиб, йирик бир мажмууни ҳосил қиласидилар.**

Ижтимоий ҳаёт мажмусининг қисмлари маънавият, маърифат, маданият ва санъат деб номланади. Бу қисмларни ҳар бирини бир неча илм тармоғи ўрганади. Чунки улар ҳам, ўз навбатида бир неча жабҳалардан ташкил топгандирлар.

**Китобимизнинг олдинги саҳифаларида маънавият, маърифат ва маданият тушунчаларига таъриф бериб ўтган эдик.** Ижтимоий ҳаётнинг бу қисмларининг ҳар бири бир неча ижтимоий фанлар илмига тадқиқот объекти бўлиб хизмат қиласиди.

**Жумладан, маънавият онтология, аксиология, гносеология, ижтимоий руҳиятшунослик, ижтимоий экология ва ҳоказо фанлар илмига тадқиқот объектидир.**

Тадқиқот обьекти бир бўлгани билан ҳар бирининг тадқиқот предмети мавжуд. Масалан, ижтимоий ҳаётнинг маънавият қисмида онтологиянинг тадқиқот предмети мавжуд, маънавиятни шакллантирувчи жараён билан диалектика қонуниятлари орасида узвийликдир.

Бу тадқиқотлардан кўзда тутилган мақсад: онтология учун — маънавият шаклланиши жараёнини диалектика қонуниятлари асосида амалга ошириш йўлларини топиш; гносеология учун — билиш жараёнини билиш назарияси қонуниятлари асосида ташкил қилиш усулларини яратиш; ижтимоий руҳшунослик учун — билиш билан руҳшуносликнинг қонуниятлари орасидаги алоқадорликни ва шу асосида билишни амалга ошириш қоидаларини аниқлаш; ижтимоий экология учун — инсон маънавияти шаклланишини ташкил ижтимоий муҳит орасидаги алоқаларни кешиш қонуниятини аниқлаш.

Ижтимоий фанларнинг маърифат, маданият ва санъят гуруҳига кирувчи илм тармоқларини ҳам худди шундай ҳар бир гуруҳи учун тадқиқот обьектлари бир бўлиб, уларнинг предметлари, тадқиқот обьектларини ташкил қилувчи ички қисмлари орасидаги алоқадорликни кўрсатади. Масалан, ижтимоий фанлар маърифат гуруҳининг тадқиқот обьекти, ҳамда шу гуруҳга кирувчи тармоқ илмларининг тадқиқот предмети ва мақсадларини кўриб чиқайлик.

Бугунги кунда маълум бўлдики, инсонга таълим ва тарбия узлуксиз бериб борилиши керак. Ана шу жараёни маърифат илмлари ўргангандиги сабабидан, маърифат фани гуруҳига кирувчи илмларнинг тадқиқот обьекти битта — узлуксиз таълим-тарбия жараёнидир.

Маърифатнинг дидактика деган илм тармоғининг предмети бўлиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилувчи таълим-тарбия берувчилар ва талабалар орасидаги маърифий муносабатлар ҳисобланади.

Услубиёт — дидактика аниқлаган қонуниятлар асосида ҳамда маърифатнинг бошқа назарий асослари ва мақсад кўрсаткичларидан фойдаланиб, ўқув дастури ва унга мос бўлган дарслик ва кўргазмали қуролларни ҳамда ўқитувчи маҳоратини ишга солиш йўли билан талабани билимга бўлган эҳтиёжини қондириш услубларини яратишдан иборат.

Бу мисолларни чексиз давом эттираверишимиз мүмкін. Аммо шу мисоллар билан чекланиб, барча тадқиқотчилар тадқиқот обьекти, предмети ва мақсадини аниқ белгилаб олишликлари зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

## **МАҚСАД КҮРСАТКИЧЛАРИ ВА ДИАЛЕКТИКА ҚОНУНЛАРИ ЭҢГ ҮМУМИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОС СИФАТИДА**

Инсон әхтиёжларини икки турға ажратиш мүмкін. Бу биологик әхтиёж ва ижтимоий әхтиёжлардан иборат.

Биологик әхтиёжлар, кишининг биологик табиатидан келиб чиқади.

**Тирик мавжудот сифатида ҳаётини сақлаб қолиш учун талаб этиладиган зарурый әхтиёж биологик әхтиёж дейилади.** Буларга еб-ичиш, насл қолдириш, иссиқ-совуқ ва хавф-хатардан сақланиш кабилар киради.

**Ижтимоий әхтиёжга кишининг ижтимоий камол топиши ва тафаккур этиш фаолияти киради.**

Буларга: фикр юритиш, фикр алмашиш, ўқиши, ўрганиш, завқланиш, меҳнат қилиш, севишиш каби жараёнлар киради. Кишининг ижтимоий әхтиёжларининг ранг-баранглiği унинг ижтимоий моҳияти ривожланганигидан келиб чиқади.

Ижтимоий әхтиёж баъзан биологик әхтиёж билан омухта бўлиб кетиб, гоҳида уларни ажратиш ҳам қийин бўлади.

Мисол учун инсоннинг қарама-қарши жинсга интилиши баъзан соф биологик бўлса, баъзида соф руҳий ёки эстетик интилиш бўлиши мүмкін. Гоҳо улар бирдай пайдо бўлиб севиклисига интилиш сабабларини ажратиб олиш қийин бўлади.

Одамларда биологик ва ижтимоий әхтиёжларининг бир неча гуруҳлари мавжуд. Айниқса ижтимоий әхтиёж чексиз бўлиб, ҳаммасини қондиришиликнинг иложи ҳар доим бўлавермайди. Чунки ҳар қандай әхтиёжни қондириш учун маълум бир табиий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар бўлиши керак.

**Әхтиёжни қондириш шарт-шароитлари мавжуд бўлса, у талабга айланади.**

**Бутун жамиятта тааллуқли әхтиёж – ижтимоий буюргма дейилади.** Жамият әхтиёжларини қондириш шарт-шароитларини яратиб бериш давлат деб номланган жамиятнинг сиёсий устқурмасига юклатилган.

**Жамиятнинг ижтиомий буюртмасини қондириш шартшароитлари давлат томонидан яратилганидан сўнг бундай эҳтиёж давлат талаби ёки давлат буюртмасига айланади.**

Давлат буюртмасининг турига қараб шу соҳанинг мутасаддилари буюртмани бажариш учун масъулдирлар.

Ҳар қандай илм аҳли ўз фаолиятини ижтиомий буюртмадан ва давлат томонидан қўйилган талабдан келиб чиқиб бажариши лозим. Ҳар қандай жамиятнинг эҳтиёжи ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам олимлар ўз тадқиқотларини фақат долзарб масалаларни ечишга қаратмоғи лозим. Аммо ҳар бир илм-фаннынг назарий асослари устида олиб бориладиган фундаментал тадқиқотлар бундан мустасно. Бундай тадқиқотларга талаб доимо мавжуд.

Ҳар қандай эҳтиёж ва талабларни асосий кўрсаткичлари бўлади. Киши ўз фаолиятида, шу жумладан илмий фаолиятда бу кўрсаткичларга эришишни мақсад қилиб олади. Уларга интилиб иш юритиш методологияга амал қилишликни билдиради.

**Методология энг умумий, умумий ва хусусий турларга бўлинади. Жамиятимизнинг олдига қўйган энг умумий мақсади Ўзбекистон фуқароларига фаровон ҳаёт яратиш ва шунга мос ҳукуқли ва демократик давлатни қуришдир.**

Фаровон ҳаёт ҳукуқли ва демократик давлат тушунчаларининг ўз кўрсаткичлари бўлиб, улар жамият аъзоларининг барча фаолиятларига энг умумий методологик асос ҳисобланади. Масалан, фаровон ҳаёт тушунчаси иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий, маданий, руҳий ва экологик мувофақиятларни ўз ичига олади. Худди шундай демократик ҳукуқий давлат тушунчасининг ҳам ўз кўрсаткичлари мавжуд.

**Демократик давлатнинг асосий кўрсаткичлари** қўйидагилар: аҳолининг ҳамма табақаларини талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ аниқлай олиш; аҳолининг кўп йиллик эҳтиёжларидан келиб чиқиб миллий мафкурани шакллантириш; мамлакатни иқтисодий ва ижтиомий истиқбол режаларини тўғри белгилаб олиш; раҳбар ходимларининг ҳалққа астойдил хизмат қилиш ғояси ва бошқаларни ўз ичига олади.

**Ҳукуқли давлат кўрсаткичлари** қўйидагилар: барча қонунлар объектив ижтиомий қонуниятлардан келиб чиқиб тузилганлиги; улар жамият эҳтиёжларини тўлиқ қон-

диришга йўналтирилганлиги; жамият аъзоларининг хукуқий саводхонлиги ва қонунни муҳофаза қилувчиларнинг ўз ишига фидойилиги ва бошқаларни ўз ичига олади.

Бу кўрсаткичларни шакллантириш учун хукуқий илм-фанларни янада ривожлантириш лозим. Демократик ва хукуқли давлатни мана шу кўрсаткичлари тўла таркиб топса, бу фуқаролар жамияти шаклланганлигини билдиради.

Бугунги кунда бутун дунё олимлари Абу Наср Фаробий аниқлаган ва Гегель томонидан ривожлантирилган диалектиканиң уч асосий қонунини тан олиб, ўзларининг ҳаракат жараёнинг энг умумий методологик асос сифатида қабул қилганлар.

Аслида диалектика ривожланиш деган маънони билдиради, бутун борлиқ-табиат, жамият ва онг тинмай ҳаракат жараёнида бўлиб, бир турдан иккинчи бир турга ўтиб турди.

Бу ерда бундай ривожланишни ҳаракатга келтирувчи куч қаёқдан пайдо бўлади, деган табиий савол туғилади. Гегель бу куч қарама-қарши томонлар бирлиги ва курашидан пайдо бўлади, дейди ва уни диалектиканиң асосий қонуни деб номлайди.

Дарвоқе, бутун борлиқ, аввал қайд қилиб ўтганимиздек чексиз катта ва чексиз кичик, келиб чиқиши жиҳатидан турли-туман мажмулардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир мажму қарама-қарши томонга эга. Бир томонли мажму, яъни нарса ёки ҳодисани топа олмаймиз. Бу қарама-қарши томонлар тинмай бири-бирига интилиб, бир бутунни ташкил қилиб келадилар. Шу билан биргалиқда улар қарама-қарши томон, яъни қарама-қарши куч бўлиб қолаверадилар.

Бу воқелик нарса ва ҳодисаларнинг ички заруриятидан келиб чиқсан қонуният бўлиб, бутун борлиқ шу қонуниятга бўйинсинади.

Шунинг учун ҳам уни ривожланишнинг энг асосий қонуни деб юритилади. Бу холни ҳар қадамда кўришимиз, сезишимиз мумкин. Масалан, атом қарама-қарши кўрсаткичларга эга бўлган электрон ва пратонлардан иборат ёки кечакундуз, оқ-қора, паст-баланд, оғир-енгил, ўнг-чап яхши-ёмон ва ҳоказо. Булар чексиздирлар. Бу ҳол жамийки нарса ва ҳодисаларда ўз ифодасини топган. Бундай қара-

ма-қарши томонлар бир-бирига интилиши натижасида бир бутунни ташкил қиладилар ва шу билан биргаликда бири-бирига қарши күч бўлиб қолаверадилар. Бундай ички тортилиш ва итарилиш натижасида нарса ёки ҳодиса ичида кучланиш пайдо бўлади. У маълум бир вақтдан кейин меъёрга етганда, нарса ёки ҳодисада ҳаракат пайдо бўлади ва ўзининг аввалги ҳолатини ўзгартириб, янги бир ҳолатга ўтади. Бу ҳолатларни ифодаловчи диалектиканинг яна икки қонуни бор. Булар — миқдорнинг сифатга ўтиши ва инкорни инкор қонунларидир. Бу қонунлар борлиқнинг ҳар бир мажмусида ўз кучини кўрсатганлиги учун ҳар бир ишда, жумладан, тадқиқот ишида ҳам бу қонунларни ҳисобга олмаслик ва улардан энг умумий методологик асоснинг иккинчи қисми сифатида келиб чиқмаслик, ҳаракат жараёнимизни нотўри ташкил қилганимизни билдиради ва бундай ҳаракат мақсадга олиб бормайди. Чунки бу ғайри-табиийдир.

Бу қонунларни маърифий жараёнда намоён бўлишини кўриб чиқамиз.

Маърифий жараённи кўз олдимизга келтирсак, у бир бутунни таълим-тарбия мажмусидан иборат бўлгани ҳолда икки қарама-қарши “таълим-тарбия берувчи” ва “таълим-тарбия олувчи” томонлардан, бошқача айтганда, қарама-қарши кучлардан ташкил топганлигини кўрамиз. Диалектика қонунига биноан улар бир вақтни ўзида бири-бирига интиладилар ва бири-биридан қочадилар.

Маърифий жараённи ҳосил қилиш учун бу қарама-қарши томонларни бир-бирига интилиш кучини ошириб, бир-бирига қарши кучларни сўндириш йўлидан бориш керак. Таълим-тарбияда бир-бирига интилувчи асосий куч бўлиб, мазкур билимга қизиқиши хизмат қиласи. Шунинг учун педагогиканинг асосий тамойилларидан бири ҳам бераётган билимга қизиқтириш йўли билан болалар дикқатини шу билимга жалб этиш ҳисобланади. Таълим-тарбия берувчи таълим олувчига бераётган билим моҳиятини очиб, қизиқтириб туриб, тушунтириши пайтида миқдор йиғилиб сифатга ўтиши учун тарбияланувчига ўз билимини бир неча бор такрорлаши шарт.

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, берилаётган билим таълим олувчининг мия қобиғида ўз аксини топиши учун уни камида 3-5 марта мураккаб мавзуларни ўтаси

ётганда ёки диққати суст болалар билан ишлаётганда эса, 7-9 марта такрорлаши керак экан. Шундагина миқдор сифатига ўтиб, талабалардаги “билмаслик” ҳолати “билиш” ҳолати билан алмашинади. Миқдор сифатга ўтади. Миқдор сифатга ўтганда олдинги “билими йўқ” ҳолати инкор қилиниб, “билимли” ҳолати ташкил топади. Бу дегани диалектиканинг қолган икки қонуни ҳам ишлади деганидир.

Дарс беришда, бу қонунларга амал қылмаслик маърифий ҳаракатнинг энг умумий методологик асосининг иккинчи қисмiga суюнмаслик бўлиб, ҳаракатдан кўзланган мақсаддан чекинишга олиб келади.

Ҳаракат туридан қатъи назар, энг умумий методологиянинг биринчи қисми жамиятнинг умумий мақсад кўрсаткичлари ва иккинчи қисми диалектика қонунлари жамият аъзолари учун энг умумий методологик асосдир.

### **ТАДҚИҚОТ ИШИННИНГ УМУМИЙ ВА ХУСУСИЙ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Киши ўз фаолиятида энг умумий томойилларга амал қиласди. Шу билан бирга аниқ бир соҳанинг умумий мақсади ва қонуниятларидан ҳамда тармоқ қонуниятларидан ҳам келиб чиқиб ҳаракат қиласди. Бу умумий ва хусусий методологияларга амал қилиш эканлигини юқорида кўрдик. Куйида маърифат соҳаси мисолида умумий ва хусусий методологияларга амал қилишликни кўриб чиқамиз.

Маърифатнинг умумий методологияси бўлиб, соҳа олдига қўйган мақсад кўрсаткичлари ва дидактиканинг умумий қонуниятлари хисобланади.

Маърифат соҳасининг умумий мақсади жамиятнинг энг умумий мақсадидан келиб чиқади. Яъни маърифат соҳасининг умумий мақсади ҳуқуқли ва демократик давлат талабига жавоб берувчи кишиларни тарбиялаб беришдан иборатdir.

Бундай кишиларнинг ижтимоий сифатлари маърифат соҳаси умумий методологиясининг биринчи қисмiga та-мойил бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистонда ўтказилган кўп йиллик тадқиқодлар шуни кўрсатдики, эркин, маърифатли ва демократик давлатнинг фуқаролари қуйидаги ижти-моий сифатларга эга бўлиши керак:

1. Ақлли — мустақил фикр юрита оладиган.

2. Одобли — миллатимиз тўплаган барча фазилатларга эга бўлган.

3. Меҳнатсевар — меҳнат кишининг эҳтиёжига айланганлик ҳолати.

4. Билимли — диний, дунёвий ва фазовий билимларни чуқур эгаллаб, уларни ҳаётда қўллай олишлик даражаси.

5. Соғлом — жисмоний, руҳий ва ижтимоий саломатлик.

6. Миллий гурурга эга — аждодларимизнинг моддий ва маънавий меросини эгаллаб, улар билан фаҳрланувчи ва уларни бойитишга ҳисса қўшувчи.

7. Ватанпарвар — Ватани учун, ҳалқи учун фидокорона меҳнат қилувчи ва зарур бўлса, улар учун жонини ҳам фидо қилувчи.

8. Байналминал — бошқа миллатларни ўзининг миллати қаторида ҳурмат қилувчи.

9. Инсонпарвар — инсон зотига фақат яхшиликлар қилишни ўйловчи.

10. Жасур — ҳар бир ишга қўрқмасдан киришиб охиригача етказувчи. Бу ўн сифат жамиятнинг, давлатнинг ижтимоий буюргмаси бўлиб, уларнинг умумий йигиндиси иёмонни ташкил қиласди. Маориф ходимлари учун бу кўрсаткичлар унинг умумий методологиясининг биринчи қисми учун тамойил бўлиб хизмат қиласди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, инсоннинг бошқа кўпгина ижобий сифатлари шу ўн сифатнинг қисмлари ҳисобланадилар. Куйида бу сифатларнинг ҳар бирига шарҳ берриб ўтамиз.

‘Ақл, инсонни идрок юрита олиши, яъни тафаккур қила олиш қобилиятидир. Ақлли тушунчасига кўра, киши ўз тафаккурини мустақил ишлата олади ва уни фақат эзгулик мақсадида фойдаланади. Агар ақлни етарли ишлата олмаса, ёхуд ёвуз ниятларда ишлатса, ундан одам ақлсиз ҳисобланади. Чунки ҳамма ёмон ишлар пировардида унинг ўзига зиён етказади.

Одобли, фазилатига тўғрисўзлик, хушмуомалалик, озодалик, дид-фаросатли, жамоат тартибига риоя қилувчи, миллий қадрият ҳисобланган катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлишлик, ота-онани севиш ва ардоқлаш, аждодларни хотирлаш каби хислатларни ўз ичига олади.

**Меҳнатсевар** меҳнатга садоқатли, уни малакали бажа-  
рувчига нисбатан айтилади. Бундай одамлар ҳаётда меҳ-  
натсеварлик унинг ҳаёт тарзига айланиб кетади.

**Билимли,** деганда Оллоҳ туширган Таврот, Забур, Ин-жил ва Куръон китобларини ҳамда дунёвий билим асосла-  
рини яхши эгаллаган ва улардан ҳаётда фойдалана олади-  
ган одамлар кўзда тутилади.

**Софлом** деган тушунчага жаҳон тиббиёт уюшмаси қуий-  
дагича таъриф беради: “Софлик, бу инсоннинг руҳий, жис-  
моний ва ижтимоий муваффақиятидир”.

Маълумки, оламни ёритувчи ва иситувчи куч — қуёш  
нури бўлганидек, инсон қалби, тафаккури ва бутун вужу-  
дини равшан қилувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч — **бу  
руҳдир**.

Халқимиз “Руҳинг тоза — бардам бўлса ва руҳингни тे-  
тик сақласанг, қолган барча ишларинг кўнгилдагидек бўла-  
ди”, деб бекорга айтмаган.

Аммо деярли бир аср давомида халқ руҳиятига мутлақо  
эътибор берилмади. Натижада, халқимизни аксариятининг  
қалби кўр бўлиб, руҳиятида қарамлик хукм сурди.

Хайриятки, истиқтолимиз бошимиздаги бу фалокатни  
бартараф этиб, халқимизга эркин ва мустақил ҳаёт кечи-  
риш имкониятини яратиб берди. Демак, энди руҳимизни,  
ғуруrimизни тезроқ тиклаш давр талабидир.

Ҳар бир киши ўз руҳини тоза, бефубор ва феълини кенг  
тутиши учун асосан нималарга эътибор бериши лозим.

Бу ҳақда Ҳусайн Воиз Кошифий қуийдаги фикрни бил-  
диради: “Футуват илмининг ўз мавзуси бор, бу мавзуу —  
инсон руҳидир. Зеро, инсон руҳини тарбиялаш воситаси-  
да уни гўзал ва ҳамиша (ёқимли) хулқ-атвор соҳиби, фази-  
лат эгаси қилиб камолга етказиш мумкин”. \*

Инсон руҳини тарбияловчи ва чиниқтирувчи бирдан-  
бир восита бу илоҳий қонунларни ўз ичига мужассамлаш-  
тирган “Таврот, Забур, Инжил ва Куръон” даги билимлар-  
ни эгаллаш ва уларга амал қилишиликдир.

Аждодларимиз руҳларини тоза ва луқмаларини ҳалол  
бўлиши учун бирор кишининг тариқча ҳам ҳақини ема-  
ғанлар. Улар халқ ва афкор омманинг ғамини ейиш, дўсту-  
биродарларига доимо ёрдам кўрсатиш мақсадида “Футув-

\* Қаранг: “Тафаккур” журнали, 1 сентябр, 1994 йил.

**ват”** ва “**жавонмардлик**” каби жуда кўплаб инсоний қадриятларни яратганлар. Шунингдек, олиму донишмандлар, валийю-авлиёлар инсон руҳини поклаш, юксак даражага кўтариш ҳамда ботиний-руҳий билимларни ўрганиш лозимлигини уқтирганлар.

Шундай экан, ҳар бир киши аввало ўз руҳини юқори даражага кўтариши ва унга амал қилиши учун ўзини тўла эркин ҳамда мард тутиши зарур. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек:

Эркин улким, сайд этиб нафсоният,  
Фолиб ўлса умрида руҳоният.

**Жисмоний саломатлик**, деганда жисмонан бақувват, тани-жони соғ кишини тушунилади.

Бунинг учун киши танаси ва вужудини тоза тутиши ва шамоллашдан ўзини сақлаши керак. Тана поклиги, киши танасининг санитария ҳолати билан белгиланса, вужуд тозалиги қони, ошқозони, ичак-чавоқ, ўпка-жигар ва бошқа ички аъзоларининг тозалиги, деб тушунилади.

Танасини тоза тутиш учун, киши доимо тоза ювиниб, чўмилиб, санитария ва гигиена мезонларини барчасига риоя қилиши керак бўлади.

Вужудни тоза ҳолда бўлиши учун инсон емоқ-ичмоқ, ётмоқ-турмоқларни тартибга солиши шарт. Бунинг учун истеъмол қиласидан овқатларини иложи борича аралаштирмасдан танаввул қўлмоғи лозим. Овқатни кам миқдорда, яъни кераклигича истеъмол қилиниши шарт. Овқат яхши хазм бўлиб, вужудга сингиши учун киши тоза ҳавода кўп бўлиб, доимо жисмоний ҳаракатлар қилиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Ухлаш учун ҳар куни бир вақтда, эртароқ ётиб, эртароқ бир вақтни ўзида туриш инсонни жисмоний саломатлигига ижобий таъсир ўтказади. Қисқаси, жисмоний саломатликка тана ва вужудини тоза тутиб, уни маълум бир тартибда ушлаб, жисмоний тарбиялаш йўли билан етишса бўлади.

**Ижтимоий саломатлик** кишининг олдига қўйган мақсадлари, яъни ниятлари билан белгиланади.

Инсон ўз олдига оиласи, ёру биродарлари ва миллатини фаровонлигини оширишни, одамларга яхшилик қилишдек эзгу-ниятларни қўйган бўлса, сўзсиз у ижтимоий са-

ломатдир. Ижтимоий саломатлик яна фаолликни тақазо этади. Киши яхшиликни фақат ният қилиб қолмай, амалга ошириши керак.

**Миллий ғуур** ҳар қандай одамда инсоний ғууруи бўлади. Бу, ўзини онгли мавжудот сифатида ҳис қилишидан келиб чиқиб, ҳар бир мустақил бажарган ҳаракатидан, ишидан, фаолиятидан хурсанд бўлиши орқали намоён бўлади. Буни инсоний ғуур дейилса, ўзини маълум бир халқ-ка, миллатта тааллуқли эканидан хурсанд бўлишлиги миллий ғуур, дейилади.

Бу сифат, киши ижтимоий фаоллигини оширувчи асосий омил бўлиб, инсонни эзгуликка, яхшиликлар қилишга ундейди. Шунинг учун ҳам бир кишининг инсоний ғуури асосида, унда миллий ғуурни шакллантириш жамиятнинг буюк келажаги сари интилтирувчи асосий омил бўлиб хизмат қиласи.

Одамларда, миллий ғуурини шакллантириш учун муайян миллатнинг тарихий қаҳрамонлари, олиму-фозилла-ри, авлиёю-анбиёлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиб, уларни дунё маънавиятига, илм-фан ва маданиятига кўшган ҳиссалари ҳақидаги билимга эга бўлиш зарур.

**Ватанпарварлик** хислати, миллий ғуур ва бошқа ижобий хислатлар натижасида рўёбга чиқади.

Ўз миллатининг тарихини, маданият ва маънавиятини яхши билган одамда миллий ғуур пайдо бўлади.

Миллий ғуур такомиллаша бориб, кишида ватани учун жон фидо қилиш ҳис-туйғуси пайдо бўлади. Уни ватанпарварлик ҳисси дейилади. У жуда ҳам ноёб ҳис-туйғу бўлиб, бундай хислаттага эга кишилар инсоний камолотга етган ҳисобланадилар.

**Байнаминаллик** фазилати умуминсоний ижтимоий қадриятлар бўлиб, бунда киши бошқа халқ ва миллатларнинг ўзига хос маънавиятини, урф-одати, санъат ва маданиятини ҳурматлаши тушунилади.

Бу фазилат жаҳонда тинчлик ва тотувлик ўрнатилишига, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга ҳамда сиёсий барқарорликка ижобий таъсир кўрсатади. Пировардида ер юзида тинч ва фаровон ҳаёт ўрнатилишининг асосий омили ва гарови бўлиб хизмат қиласи.

**Инсонпарварлик** деганда, инсон зотига унинг ирқидан, миллатидан, жинси ва ёшидан қатъи назар, доимо ғамхўр-

лик қилувчи одам тушунилади. Бу тушунча жамиятда то-түвликни таъминлаб беради ва ижтимоий муҳитни соғломлаштиради, инсонларни биродарлаштиради.

**Жасурлик.** Ҳар қандай фаолият жараёнида бир қатор түсиқлар, қийинчилеклар, гоҳо хавф-хатарлар учрайди. Улардан кўрқмай, ўз йўлида мақсади сари мардонавор ҳаракат қилувчи одам жасур ҳисобланади. Бу фазилат бошқаларда завқ уйғотиши билан биргаликда ҳар қандай фаолиятни якунига етказишнинг асосий омйлидир.

Бу ижтимоий сифатларга эга бўланлар комил инсон мақомини оладилар.

Маърифат соҳаси умумий методологиясининг иккинчи қисми, дидактиканинг умумий тамойили ҳисобланади. Буларга, таълим-тарбия жараёнида таълим олувчи дикқатини берилаётган билимга қаратиб, уни жараён охиригача сақлаб туришлик; ҳар бир билимни илмий асослаб беришлиқ; билим беришда тингловчини имконияти ва ёш хусусиятидан келиб чиқишилик; билим беришда мумкин қадар кўпроқ кўргазмали воситалардан фойдаланишлиқ; билим беришда мунтазамлик ва давомийликни сақлашлик; уни меҳнат жараёни билан кўшиб олиб боришлиқ; таълим ва тарбия жараёнида тингловчиларнинг фаоллиги ва онглигини таъминлашлик; таълим ва тарбияни тизимли, изчил бўлишилиги ва унинг бирлиги қонуниятлари киради.

Маърифат илми бўйича тадқиқот олиб бориш жараёнида бу қонуниятларга умумсоҳавий тамойил сифатида амал қилгандагина маърифатчилар ўз олдига қўйган мақсадларига етадилар.

Энди маърифат соҳаси учун умумий тамойил бўлиб хизмат қилувчи дидактика тамойилларининг ҳаётда қўлланисини кўриб чиқамиз.

Дикқат қилдириш тамойили деб, тингловчиларга билим бериш ва уларда кўникма ҳосил қилдириш жараёнида талабалар эътиборини тушунтираётган билимнинг мазмунига қаратиб, бу эътиборни дарснинг охиригача сақлаб қолишликка айтилади.

Таълим олувчилар дикқатини берилаётган билимга қаратиши усуслари чексиз кўп бўлиб, ўқитувчи бунда маҳсус адабиётлардан фойдаланиши ёки дарсга тайёргарлик кўриш пайтида ўзи ихтиро қилиши мумкин. Талаба дикқатини ўргатилаётган билимга қаратишнинг энг қадимиш ва энг

самарали усулларидан бири, маълум бир муаммони ўртага ташлаб унинг ечимини талабаларга ҳавола қилишдир. Талабалар бу муаммони бутунлигича еча олмасалар, ўқитувчи бир қисмини ечиб бериб, кейинги қисмини талабаларга қўйиб беради. Шу йўл билан босқичма-босқич бутун муаммони ечиш мумкин бўлади. Бунга муаммоли дарс бериш усули, дейилади.

**Билим беришнинг илмийлик тамойили, деб ҳар бир билим илмий асосланган, тажрибадан ўтган ва талабаларга яхши маълум билимлардан келиб чиқиб тушунтиришга айтилади.**

Илмийлик тамойилида ахборотни илмий асослаб бериш билан бирга унинг мантиғи, тарихийлигини ҳам изоҳлаш, таҳлил этиш талаб этилади.

**Таълим олувчилар имконияти ва ёш хусусиятлари.** Физиологик ва ижтимоий руҳшунослик илмларининг таъкидлашларича, инсон ҳеч қачон бирдай иқтидорли бўлиб туғилмайди, унинг билимларни қабул қилиш, тушуниш ва хотирасида сақлаб қолиш қобилияти ҳар хил бўлади. Бундай имкониятлар ҳар кимда ҳар турли бўлиб, улар ёш қўшилиши билан ўзгариб, маҳсус машқлар орқали уларни такомиллаштиурса ҳам бўлади. Шу фикрлардан келиб чиқсан, дарс беришдан олдин ҳар бир ўқитувчи таълим олувчилар руҳида кечётган жараёнларни яхши билишлари шарт. Ундан ташқари, у ҳар бир боланинг билимларни қабул қилиш ва хотирасида сақлаб қолиш қобилиятини яхши билиб, унга маърифий таъсир кўрсатганда самарага эришади.

**Таълим ва тарбияда кўргазмалилик тамойили.** Бу тамоийилга амал қилинганда кишининг эшитиш аъзолари билан бир қаторда кўриш аъзолари ҳам иштирок этади. Жаҳон олимларининг тадқиқотларига қараганда, инсоннинг сезги аъзолари орқали олинадиган билимларнинг хотира-да сақланиб қолиш даражаси қўйидагича: эшитиш аъзолари орқали олинган билимларнинг 15-20 фоизи эсда қолса, кўриш орқали олинган билимларнинг 80-85 фоизи эсда қолар экан. Шунинг учун ҳам кўргазмалилик тамойили ўқув-тарбия жараёнининг энг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Халқимизнинг “юз марта эшитгандан, бир маротаба кўрган афзал” деган мақоли ҳам буни тасдиқ этади. Аммо кўргазмалилик яхши самара беради деб, унинг

меъёри бузилса, яъни кўргазма материаллари ҳаддан зиёда кўп бўлиб кетса, таълим-тарбия олувчилар диққати ёйи-либ кетиб, уларнинг фикри асосий мавзудан чалғиёди.

Мақсадга мувофиқ бўлмаган бундай ҳодиса кўпинча техник воситалардан фойдаланилганда содир бўлиш хав-фи бор. Чунки техник воситаларнинг ахборот сифими жуда юқори. Шунинг учун улар билан фойдаланилганда жуда ҳам эҳтиёт бўлиш зарур.

**Мунтазамлик ва давомийлик тамойили.** Бу — таълим ва тарбиядаги зарур физиологик-психологик қонуният ҳисобланиб, билишни мантиқий боғлиқликда ўрганишни таъминлаб беради. Бу тамойил ҳар бир фан бўйича тузилган ўкув режа ва дастурларида, дарслик ва услубий тавсияномаларни яратишда тадбиқ этилади. Бу қонуният тушунчалар, далиллар ва бошқа фикрлар орасидаги уларни ички заруриятидан келиб чиқдан алоқадорликлар — қонун ва қоидалар билан амалий ишларни бажариш ўртасидаги мантиқий боғлиқликларни ўрнаташ орқали амалга оширилади.

Мунтазамлик ва давомийлик тамойили амалга оширилаётганда албатта фанлараро интегратив боғланишни кўзда тутиш муҳимдир. Бу қонуният ўқиш фаолиятини ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Унга амал қилинмаслик та-лабалар тафаккурида ўзаро боғлиқ бўлмаган узуқ-юлуқ билимларни пайдо бўлишига олиб келади. Бундай билимлар эса мустаҳкам бўлмайди.

**Таълим-тарбияни ҳаёт билан боғлаш тамойили, деб тарбияни ҳаёт билан ва ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб олиб боришликка айтилади.** У дидактиканинг асосий ва етакчи қоидаларидан иборат бўлиб, билиш фаолиятининг руҳий асосларидан келиб чиқади.

Ҳар қандай билимларга талаб одамлар ишлаб чиқариш фаолиятининг эҳтиёжлари асосида пайдо бўлади. Ана шу фаолиятта хазмат қилганликлари сабабли, бу билимларни бошқаларга ўргатиш жараёнида ўкув тажриба майдонла-рида кўрсатиб берилиши лозимдир.

Бу тамойил таълимнинг бошқа тамойиллари билан, жумладан, илмийлик тамойили билан ҳам узвий боғлиқлар. Ўқитиш жараёнида назарий жиҳатдан билим олиб, уни амалий эҳтиёж туфайли пайдо бўлганини англаб етадилар.

**Таълим билан амалиёт бирлиги тамойили,** ўкув фанининг мазмуни ва ўзига ҳос хусусиятларига боғлиқ ҳолда

ўқитиш жараёнида амалга оширилади. Бу бирлик билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда құллай олиш, шунингдек, уни мустақамлаш каби рұхий ҳодисалар билан бир бутун таълим-тарбия жараёнини ташкил қилади.

**Таълимда онглилик ва фаоллик тамойили.** Таълим-тарбия оловчилар эгаллаган билимларни ҳәётда құллай олишлари учун таълим бериш жараёнини фаол фикраш жараёнига айлантириш керак. Бунда ўқитишни шундай ташкил этиш керакки, таълим оловчилар билимларини онгли ва фаол эгаллаб олишсин. Шунда талабаларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ маданияти ва илмий дүнёқараш, эътиқод таркиб топади.

Таълим-тарбиянинг онглилик тамойили талабаларда янги билимларни эгаллашда таъриф, тушунча ва қоидаларни ёдлаш ва эсда қолдириш билан эмас, балки уларнинг ҳәёттій ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмунини ҳам тушунишларини талаб этади.

Билимларни онгли равишда ўзлаштириш талабаларда бу билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишини, ҳиссий кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади.

Ўқитиш жараёнида онглилик ва фаоллик гамойили талабаларда тафаккур ва нутқни ривожлантиришни назарда тутади. Тафаккурни шакллантириш усууларидан бири, мұаммони мустақил ҳал қилиш учун талабаларга мұаммоли вазифалар қўйишдир.

**Таълим ва тарбиянинг тизимли ва изчиллиги.** Таълим-тарбияда изчилликка риоя қилиш керак, яни токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларини мустақамласин, эртага ўрганиладиганларига эса замин ҳозирласин. Берилаётган янги билим талабаларнинг олдинги ўзлаштирган билим ва кўникмалари заминида янги билим ва кўникма ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро боғланишларини такомиллаштириш ва аксинча янги билимларни баён қилиш жараёнида олдиндан ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни яна ҳам чукурлаштириш, кенгайтириш ва мустақамлашни таъминлашга қаратилган бўлиши шарт.

Тизимлик ва изчиллик тамойили ўқитиш жараёнида дидактиканинг “умумийдан хусусийга ва хусусийдан яна умумийга” қоидасини ҳамда ўқув фанларининг бир-бири билан узвий боғлиқ бўлишини ҳам талаб қилади.

**Таълим ва тарбиянинг бирлиги тамоиили.** Кишиларга билим бериш ва бу билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатиш ҳамда уларни умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга оширишни тақозо этади.

Бир бутун таълим-тарбия жараёнида икки ўзаро боғлиқлик — ҳаётни билиш ва унга амалий муносабатни таркиб топтириш жараёни намоён бўлади. Таълим билан тарбия ўртасида маърифий жараённинг бутунлигини таъмин этувчи узвий боғлиқлик мавжуд. Бу жараёнда таълим етакчи ролни ўйнайди. Чунки билимни бермай туриб инсонни бу билимни ҳаётга тадбиқ қилишни ўргатиб бўлмайди. Аммо билим беришдан мақсад бу билимни ҳаётга қўллашликдир. Шунинг учун таълим бериш кетидан албатта бу билимни амалда ишлатишга ўргатиш яъни тарбия жараёни бўлиши шарт.

Таълим-тарбия жараёнини амалга оширишда умумий тамоиил сифатида амал қилиниши шарт бўлган дидактика нинг асосий қонуниятларини таснифини берар эканмиз, дарс беришда буларнинг ҳаммасига бирдай амал қилиниши шарт эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш даркор. Чунки бу тамоиилларнинг биронтасига амал қилинмаса, таълим-тарбия жараёнининг умумий методологиясига амал қилинмаган бўлиб, таълим-тарбия берувчи кўзлаган мақсадига ета олмайди.

Дидактиканинг бу тамоиилларидан ташқари, ҳар бир фандан дарс ўтиш жараёнида муайян дарсдан кўзланган мақсад кўрсаткичлари ва қонуниятларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Бу ерда инсон фаолиятларининг мураккаби ҳисобланган маориф соҳасидаги энг умумий, умумий ва хусусий методологияларга амал қилиш йўллари кўриб чиқилди. Инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида, шу жумладан бошқа илм соҳаларининг тадқиқот иши жараёнида ҳам худди шундай уч хилдаги методологик асосларнинг иккала қисмини белгилаб олиб, ўз фаолиятида уларга амал қилинса киши кўзлаган мақсадига тез ва янглишсиз етиб боради.

## **ТАДҚИҚОТ ИШИННИГ МАВЗУНИ АНИҚЛАШ ВА ИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ**

Маълум бир соҳада ечимини кутаётган муаммо ва масалалар илмий тадқиқотлар мавзуини белгилайдиган ягона омил бўлиб хизмат қиласди.

Шунинг учун табиатан тадқиқот ишига мойил ва унга қўйилган шартларни бажаришга бел боғлаган ҳар бир инсон, энг аввало, ўзи танлаган соҳа муаммоси ва масалалар тизимини яхши ўрганиши керак.

Тадқиқотчи айни вақтда мустақил фикр юритадиган, мавжуд аҳборотни ўз тафаккуридан ўтказа оладиган, ҳар бир масалани танқидий таҳдил қиласди, кузатувчалик қобилияти бор, хотираси мустаҳкам, қийинчилклардан қўрқмайдиган, шижоатли ва бошқа хусусиятларга эга бўлиши керак. Илмий иш қилишга интилган одам жуда кўп ўқиши, фикр юритиши зарур. Шунингдек, у ҳар қандай майшатлардан, дабдабали ҳаёт ва турмуш тарзидан вақтинчалик воз кечишга мажбур. Акс ҳолда унинг олтиндандан қиммат вақти беҳуда кетади ва онги бефойда фикрлар билан банд бўлиб қолади. Билим олишга ва илмий фаолият билан шуғулланишга имкони бўлмайди.

Илм аҳли уйқуларни ҳам камайтириши ҳар бир қадами, ҳар бир соати режали бўлиши керак. Машҳур олим ва аллома Алберт Эйнштейн талабалик давридаёқ нисбийлик назариясини ўйлаб топиб, уни исботлаб бериши учун умри етмаслигини билгандан кейин фаол умрини узайтириш мақсадида уйқусини камайтира бошлаган ва бир неча йилдан кейин бир кунда икки соат ухлаб тўла дам олиб улгурган.

Илм аҳли амалдорларга лаганбардорлик, тилёғламалик ҳам қила олмайди, уларга тобе ҳам бўла олмайди. Ҳақиқий илм аҳли кимлардандир келиши мумкин бўлган бирор моддий манфаат учун ҳам меҳнат қиласмайди, манфаат ҳам кутмайди. Бу бальзилар ўйлаганидек, унинг бирёқлама ривожланганилигидан эмас.

Ҳақиқий билимга эга кишининг онги ва вужуди барча гуноҳ ва разолатлардан пок бўлмоғи лозим. Чунки бир миёда, бир вужудда икки қарама-қарши нарсаларнинг ривожланнишига имкон йўқ. Шунинг учун илмий фаолият билан шуғулланувчи тўғри сўз бўлиб, адолат ва ҳақиқат мезонлари билан яшайди, ҳар қандай ёлғон гапдан, ҳаром-

дан, адолатсизликдан, ўғирликдан, фирибгарликдан нафратланади. Шу боисдан ҳам бундай илм аҳли ҳаромхўр, амалпараст, фирибгар ва беномусларга ёқмайди ва ёмон шахслар зулмига, қаҳрига, таъқиб ва тазийига учрайди.

Умуман олганда ҳақиқий ва чин илм аҳли риёзатда ва моддий жиҳатдан етишмовчиликда яшайди. Шунинг учун ҳам, илм аҳли доимо бошқаларнинг паноҳида бўлишилигини Муҳаммад Пайғамбаримиз ўз ҳадислари орқали айтиб кетгандар. Ҳадиси Шарифда “**Илм аҳлига дengиздаги ба-лиқлар ҳам ёрдам қиласди**” — дейилган. Бунинг маъноси — бутун мавжудот илм билан шуғулланувчиларга қўлидан келганича шароит яратиб бериши шарт. Оила аъзолари унга тегишли шароит яратиб берса, тадқиқотчининг иши унумли ва самарали бўлади.

Илмий иш билан шуғулланувчиларга таркибида шакар моддаси кўп ва витаминаларга бой озуқалар тавсия қилинади. Чунки улар кучли ва нафис энергия манбаълари бўлиб, мия озуқаси ҳисобланади. Буларга — яхши пишган узум, қовун, тут, анжир, ширин олма, нок, сабзи ва шунга ўшшаган мева ва сабзавотлар киради. Балиқ гўшти илмий фаолият билан шуғулланувчиларга жуда ҳам ёрдам беради. Чунки унда оқсил моддалардан ташқари фосфор кўп.

Умуман илм аҳлининг бутун ҳаёт тарзи, фикри-зикри ва вужуди илмга бағишинган бўлади.

Тадқиқотчи муаммоси ҳали ҳал бўлмаган бир мавзуни ўз тадқиқот иши қилиб танлайди. Мавзуни танлашда катта тажрибага эга бўлган ва шу соҳадаги муаммоларни яхши биладиган олимлар, энг аввало, илмий раҳбари ёрдам бериши керак.

Мавзу танланганидан сўнг, уни долзарблиги ва шу вақтгача уни устида тадқиқот олиб борилмаганлигига тадқиқотчининг имони комил бўлгач, уни илмий ишларни кординация қилувчи республика марказидан муҳокамадан ўтказади. Ва ўзига тадқиқот мавзуи қилиб олади.

Мавзуни тасдиқлатганидан сўнг тадқиқот ишига режа тузади. Режанинг кириш қисмида, мавзу долзарблиги асослаб берилади, тадқиқот обьекти, предмети ҳамда мақсадини ва бу мақсадга етишда қўлланиладиган усуllар тизимини белгилаб олади.

Бунда, муайян тадқиқот иши қайси мажмуга, яъни қайси бир нарса ёки ҳодисага қаратилганлиги, унинг предмети

аниқлаб олинади. Шундан сўнг тадқиқот жараёнида бажариладиган ишлар белгиланади.

Тадқиқот ишининг режасини тузиш учун тадқиқотнинг концепцияси, яъни ҳар томонлама илмий асосланган тадқиқот жараёнининг модели ва унда кўлтаниладиган усуллар, тажрибалар тизими, кутилаётган натижалар аниқланади.

Адабиётлар билан танишиб чиқилғандан кейин концепция тузилади. Умуман адабиётлар билан танишиш тадқиқот ишининг бошидан бошланиб, охиригача давом этади. Шунинг учун илмий концепция ҳам тинмай аниқланиб, бойиб бораверади.

Тадқиқот режасини тузиш жараёнида ишнинг навбатдагиси ва асосийларидан бири мақсадга етишиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуи ва уларни қўллаш тартибини белгилаб олинади. Бу анча мураккаб иш бўлиб, изланувчиidan тадқиқот жараёнини кўз олдига яққол келтиришни талаб этади. Шунинг учун реферат, курс иши ёзишда магистрлик ва номзодлик диссертациялари устида олиб бориладиган тадқиқотларда албатта илмий раҳбар бўлиши керак. Тадқиқот режасини тузишда албатта бирламчи материалларни йиғиш, уларни ташкил қилиш йўллари ҳамда керакли анжом ва мосламалар, зарур маблағ ва унинг манбай аниқланади.

Тадқиқот режасини тузишда, бажариладиган ишларнинг реал ва аниқ бажарилиш муддатларини белгилаш билан тугалланади. Тадқиқот режаси тузилиб илмий раҳбардан қониқарли жавоб олингандан сўнг, у бириктирилган мусассасанинг илмий кенгаши муҳокамасидан ўтказиб, тасдиқлаб олинади. Фақат шундан кейин илмий тадқиқот иши бошланган ҳисобланади.

## **АДАБИЁТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА МИНИМУМ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ**

Илмий тадқиқот иши, соҳадаги фундаментал билимларни ўрганишдан ва тадқиқот учун зарур адабиётлар билан танишишдан бошланади. Бу жараён тадқиқот ишининг охиригача давом этаверади. Чунки билим эгаллаш шу соҳанинг назарий асосларига бағишлиланган адабиётлар билан ишлашдан бошланади. Гарчи тадқиқотчи ўз соҳасининг назарий асосларини яхши билган тақдирда ҳам унга

багишланган адабиётларни яна қайтатдан синчиклаб ўқиб чиқиб, зарур күчирмалар олади. Шундан сүнг тадқиқот мавзуига оид адабиётлар билан ишлай бошлайди.

Соҳа илмининг назарий асосларига багишланган адабиётлар билан ишлаганда, шунингдек бошқа муаллифлар тадқиқотлари, илмий монографиялар, рисолалар, мақолалар, тезислар, диссертация ва авторефератлар билан танишганда уларга танқидий ёндашиб, чуқур мулоҳазалар юритиши шарт.

Адабиётлар устида ишлаш илмий раҳбарнинг тавсия қилган адабиётларидан бошланади. Чунки илмий раҳбар адабиётларни илмий асосланган маълум бир тартибда беради.

Адабиёт билан ишлаганда, аввало унинг муаллифи, номи, чиққан шаҳри, чоп этган нашриёти, йили ҳамда анотацияси билан танишиш керак.

Бу маълумотларни олинганидан кейин, уни 6x8 ёки 8x10 ўлчамли қаттиқ қофозга маълум бир қоида асосида ёзib қўйилади. Бу қоидани кутубхоначилардан билиб олиш мумкин. Бу қайднома билан тадқиқотчи ўзига маҳсус адабиётлар картотекасини тузга бошлайди.

Соҳанинг назариясига багишланган адабиётларни кўриш учун алоҳида дафтар тутиб, унга ўқиган китобидаги шу соҳа фанига тегишли турғун тушунча, қонуният ҳамда қонун ва қоидаларни ёзиб борилади. Кейинчалик улар гуруҳларга ажратилиб тартибга солинганидан кейин тадқиқот ишида баъзиларидан умумий, баъзиларидан эса хусусий методологик асос сифатида фойдаланилади. Китобни ўқиб конспект қилиб бўлингандан сўнг, якунида китоб тўғрисида умумий фикр-мулоҳазани қайд қилиб қўйилади. Бу маълумотлар илмий ишни ёзилиши жараёнида кўл келади.

Чоп этилган монография, илмий рисола, илмий мақола ёки анжуманларда қилинадиган маъruzаларнинг қисқача мазмуни (тезиси)ни, шунингдек диссертация ёки унинг афторефератини ўқиш тартиби назарияга аталган китобларни ўқищдан фарқ қиласди.

Илмий тадқиқот ишининг умумий ёки бир қисмининг якунига аталган адабиётлар билан ишлаганда, унинг ҳамма кўрсаткичларини — муаллифи, номи, қаҷон ва қаерда, қайси муассаса ёки нашриёт томонидан чоп қилинганини кар-

тотекага мўлжалланган қофозга туширилади. Шундан сўнг столга бир йўла уч вараг қофоз тайёрлаб қўйилади. Бу варакларни бош-бошига картотека қофозига туширилган маълумотлар ёзид қўйилади ва қофозлар 1, 2, 3 рақамлар билан белгиланиб қўйилади.

Биринчи рақамли қофозга, илмий нуқтаи назардан тўғри фикрлар кўчирилиб ёзид борилади. Ҳар бир фикрни кўчириб ёзгандан кейин, қовус ичидаги адабиётни қайси бетидан олингандишини қайд қилиб борилади. Бу кейинчалик диссертация ёзиш жараёнида фойдаланилган адабиётта саҳифа остида изоҳ беришда керак бўлади.

Икки рақамли қофозга ўқиётган илмий адабиётдаги сизга фализ ёки нотўғри кўринган фикрларга муаллиф билан мунозара юритиб, унга алтернатив ҳолатдаги фикрингизни қайд қилиб борилади. Бироқ мунозара фақат илмий асосланган бўлиб, ҳолисона, ахлоқ даражасида олиб борилиши шарт. Шундай қилиб, ўқиётган адабиётингизни таҳлил этган бўласиз.

Уч рақамли қофозга, шу адабиёт билан ишлаш жараёнида ечимини кутаётган масала ва муаммоларингиз тўғрисида янги фикрларни тушириб борилади.

Шу йўсинда уч турдаги қофозларни уч хил папкага йиғилади. Папкалар ҳам, қофозлардаги рақамларга мувофиқ 1, 2, 3 деб белгилаб қўйилади.

Ўттиз-қирқ адабиёт кўрилгандан кейин манбалар билан ишлаш нашъясини ҳис қила бошлайсиз. Адабиётларни бир-бирига солиштириб кўриб сарасини пучасидан ажратса оладиган ҳам бўласиз.

Тадқиқот иши мавзуига оид илмий ва назарий адабиётларни кўриш билан бирга бошқа илм-фан тармоқларидан ҳам минимум билимларга эга бўлиши зарур. Буларнинг энг асосийси фалсафадан эгалланиши керак бўлган минимум билимлардир.

Фалсафадан олинадиган минимум билимлар унинг уч жабҳаси орқали эгалланади. Унинг биринчи жабҳаси фалсафанинг онтология деган бўлимига мансуб бўлиб, улар биринчидан, тадқиқотчини умумий дунёқарашини илмий нуқтаи назардан шаклланишига ёрдам берсә, иккинчидан тадқиқот ишини энг умумий методологик асосини ташкил қиласидилар. Энг умумий методологик асоссиз эса тадқиқот олиб бориб бўлмайди.

Фалсафанинг иккинчи жабҳаси аксеология бўлими бўлиб, ундан олинган билимлар, биринчидан, инсонни шахс сифатида шаклланишига йўл-йўриқ кўрсатиб беради, иккинчидан, ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот ишида умумсоҳавий методологик асос вазифасини ўтайди.

Учинчи жабҳа фалсафанинг гнесология бўлимига тааллуқли бўлиб, ҳар қандай тадқиқот олиб бориш жараёнини методологик асосини ташкил қиласди. Чунки тадқиқот олиб бориш деган сўз ҳали маълум бўлмаган ҳодисаларни ўрганиш, тадқиқот йўли билан билиб боришидир. Гнесология эса билиш назариясидир. Ундан ташқари, илмий фаолият билан шуғулланишни ўргатувчи фан ҳам гнесологиянинг амалий тармоғидир.

Фалсафанинг бу уч билимлар жабҳаларининг ҳар бири бир неча тармоқлардан ташкил топиб, алоҳида-алоҳида илм-фан мажмуини ташкил қиласди. Уларнинг ҳаммасини билиш мураккаб иш бўлиб, тадқиқотчи улардан фақат тадқиқот ишига зарур бўлганини, яъни минимум билимларни эгаллаши шарт. Бу билимларсиз олиб борилган тадқиқот ишини янгиш йўлга солиб юбориши мумкин.

Тадқиқот ишини амалга оширишда қанчадан-қанча ақлий ва жисмоний меҳнат сарфланиши ҳаммага аён. Ҳалқимизнинг — “декон қудуқни кетмон билан, чевар игна билан, олим эса киприги билан қазлайди” — деган ҳикматли сўзи бунинг гувоҳидир. Тадқиқотчи халқаро тил деб қабул қилинган чет тиллардан бирини мукаммал эгаллаши ва чет тилдаги илмий адабиётларни мустақил равища ўқиб, уни таҳдил қила олиш кувватига эга бўлиши керак. Ўзи олиб борган тадқиқотлар якунини чет тилида ёза олиши ва оғзаки нутқ билан хорижликларга тушунириб бера олиши шарт.

Тадқиқот ишини амалга ошириш учун анчагина ақлий ва жисмоний куч талаб қилишигини айтиб ўтдик. Гоҳо бу куч иккинчи даражали, ёрдамчи ишларга кўпроқ сарф бўлиб кетади. Тадқиқотчилар майда-чуйда ишларга банд қилинади, жадваллар тузиш, маълум бир жараённи моделлаштириш, ёки тажрибаларни қайта-қайта ўtkазишга мажбур бўлади. Бу эса тадқиқот ишини чўзилишига, гоҳо уни охирига етказа олмасликка олиб келади. Шунинг учун ҳам

тадқиқотчи ўзининг маشاққатли меҳнатини бир неча юз баробар осонлаштириб берувчи компьютердан саводли бўлиши шарт.

## **ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОЛИБ БОРИШ**

Илмий ишлар билан шуғулланаётган ҳар бир инсон тадқиқот олиб бориш жараёнида юқорида кўрсатилган билимлардан автоматик равищда фойдалана олиши керак. Фақат шундан кейин тадқиқот ишини бошлашга ҳақлидир. Шунда тадқиқот иши, азобга эмас, роҳатта айланади. Шундан кейин кишида фидоийлик пайдо бўлиб, илмий фаолиятини кўтаринки руҳ билан ижро этади. Кўтаринки руҳ билан бажарилган иш, одамни чарчатиш ўрнига, кучига-куч қўшиб бораверади, унинг ижрочиси эса илмий фаолиятида чиникиб, илмий даражаси тобора ошиб боради.

Фанда осон йўлни қидирганинг манзиллари узоқлашиб, баъзилари муродига ҳам етолмай қоладилар.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, илмий тадқиқот ишига кўл урганларнинг 15-20 фоизи ўз вақтида ишини тутатиб, ҳимоя қиласр ёки ҳимояяга топшириб қўяр экан. Яна шунча фоизининг иши бир неча йилларга чўзилса ҳам, кейинчалик уни тутатиб ҳимоя қиласр экан. Қолган 60-65 фоизи эса, тадқиқотни яқунлай олмай охир-оқибат ташлаб кетар экан. Шуларнинг кўпчилиги тадқиқот ишини олиб бориш сирларини билмаганингидан эканлиги маълум бўлди.

Асаримизни иккинчи — мажоз қисмини бошлар эканмиз, қонуниятлардан тамойил сифатида, тушунча ҳамда атамалардан фикрни ифодаловчи тадбир сифатида фойдаланиб, тадқиқот ишларини амалга ошириш йўлларини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласмиз.

## **РЕФЕРАТ ВА КУРС ИШЛАРИНИ ЁЗИШ**

Илмий фаолият билан шуғулланиш учун инсон бир неча йиллар давомида ўзини бу ишга тайёрлаб бориши керак.

Юқорида илмий иш адабиётлар билан ишлашдан бошланади, дедик. Адабиётлар билан ишлаш кўникмаси илк

бор изланувчи кишида талабалик даврида рефератлар ёзиш пайтидан бошлаб шаклланиб боради. Курс ишини бажарганды бу кўникмалар малақанинг биринчи босқичларига чиқади. Адабиётлар билан ишлашнинг ҳақиқий малақаси, магистрлик ва фан номзодлиги диссертацияси устида ишлаш жараёнида шаклланиб, такомиллашиб боради ҳамда фан доктори илмий даражасини олиш учун олиб борилган изланишлар жараёнида маромига етиб, татқиқодчининг ҳаёт тарзига айланба бошлади.

**Реферат деб, талабани қизиқтирган ва даврнинг долзарб муаммосига айланган мавзудаги йирик асар ёки адабиётлар мажмуини таҳлилига бағишлиган кичик бир илмий ишга айтилади.**

Бунда талаба илмий раҳбари билан биргаликда, ўзини қизиқтирган долзарб мавзуларнинг бирини реферат иши учун танлаб олади. Сўнгра шу мавзу устида бошқа тадқиқотчилар олиб борган изланишлар монография, илмий рисола ва мақолалар рўйхатини тузади. Одатда бу рўйхат камида иккита-учта китоб ва икки-учта мақоладан кам бўлмайди. Баъзи реферат йирик бир асарни таҳлил қилишга ҳам йўналтирилган бўлади.

Махсус адабиётлар устида ишлаш, юқорида кўрсатилган йўл билан олиб борилади. Яъни талаба олдида номерланган уч варакни қўйиб олиб, адабиёт муаллифи ва ўзининг фикрларини уларга тушириб боради. Рўйхатдаги адабиётларнинг ҳаммасига таҳлил бериб чиқилгандан кейин реферат ёзиш бошланади. Мисол учун талаба “Маънавият асослари” фанидан реферат ёзмоқчи. Унинг мавзуи қилиб, давримизнинг долзарб муаммоларидан бири бўлган “Ёшларда миллий маънавиятни шакллантириш” деган масалани танлаб олган, дейлик. Рефератни ёзиш таҳминан куйидаги сатрлар билан бошланса, янглиш бўлмайди:

“Мустақил Ўзбекистоннинг миллий фууруга эга ва эркин фикр юрита олувчи фуқароларини шакллантириш учун, ёшларда миллий маънавиятини шакллантириш даркор. Ёш авлод миллий маънавиятни шакллантириш муаммоси билан Ўзбекистоннинг бир қатор олимлари ва тадқиқотчилари шугулланмоқдалар. Шулар қаторига” — деб, фалончи, фалончи муаллифларнинг исми ва шарифини ҳамда улар ёзиб чоп этирган китоб ёки мақолаларнинг номи аввалдан тузилган рўйҳат бўйича қайд қилиб, сўнгра бу

адабиётларнинг таҳлили бошланади. Адабиётларнинг қисқача таҳлилини ёзib бўлингандан кейин, муаллифларнинг фикрлари гуруҳларга ажратилади. Масалан, муаллифларнинг ҳаммасининг фикрлари фалондаقا масалада яқдил, мана бу масалаларда улар орасида фарқ бор, дейилади. Бу фарқлар нималардан иборатлиги кўрсатилади. Охирида кўриб чиқилган адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб, реферат муаллифининг шахсий фикри келтирилиб, шу муаммонинг ечимидаги асосий йўналишни кўрсатиб берилади. Шу билан реферат ниҳоясига етказилади.

Талабаларга реферат ёздиришдан мақсад уларни мустақил равишда билим эгаллашга ўргатиш. Шу билан биргаликда адабиётлар билан ишлаш ва уларни тадқиқ қилишга тайёрлаштир. Ривожланган хорижий мамлакатларда билим эгаллашнинг бу турига жуда катта эътибор берилиб, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларини талабалари биринчи курсданоқ рефератлар ёза бошлайдилар.

**Курс иши** реферат ёзишдан анча фарқ қиласди. Талабаларга курс иши ёздиришдан мақсад ўқув юртида йил давомида тўплаган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, эгаллаган билимлари асосида янги билимларни аниқлай олишга ўргатиштир. Яъни асотир билимлар асосида илмий билимлар шаклтанишига кўникма ҳосил қилдиришдир. Ёки бошқача қилиб айтганда талабаларни сунна ёки ибрат босқичидан маърифат босқичига, яъни тафаккур юритищдан тасавур қилишга кўтаришлиқдир.

Курс ишини ёздиришдан яна бир мақсад танлаган касби бўйича билим олишнинг маълум бир босқичда барча фанлардан олган билимларини мустаҳкамлаб, ўзаро боғлаб, уларни умумий маҳражга келтириб қўйишиликдир.

Курс ишини ёзиш ҳам, реферат ёзиш каби мавзуни танлашдан бошланади. Курс иши учун бир йил давомида ҳар турли фанлардан эгаллаган назарий билимларни ва амалий машғулотларда ортирган кўникмаларини бир йўналишга бирлаштириш йўли билан мавзу танланади.

Курс иши ёзганда киши тадқиқот ишида зарур бўлган бир йўла бир неча вазифани бажаради. Яъни аввало курс давомида касби бўйича ўтилган маҳсус фанлардан олингандан билимларни амалиётда комплекс қўллашга ўрганади. Иккincinnidan, курс иши ёзиш жараёнида ўқиш давомида турли фанлардан эгаллаган билимларга бир неча бор қай-

та ва қайта мурожаат қиласы. Бу билимлар хотирасида қайтарилавериб, унинг малакасига айланы бошлайды. Учинчидан, курс ишини ёзганда талаба ҳар түрли адабиётлар күради ва уларни таҳлил қиласы. Шу туфайли унинг адабиётлар билан ишлаш кўникмаси малакага айланы боради. Ва ниҳоят курс ишини ёзганда талаба ўз фикрини бошқаларга ёзма тил орқали ифода эта олиши кўникмасини эгаллади.

Курс иши ёзишда ўтилган фанларнинг назарий асосларини қайтадан кўриб чиқиб, хотирасида тиклаб олишдан бошланади. Бунинг учун талаба курс давомида ўтилган фанлардан ўзи тузган конспектларни ва дарслеклари ни йигиб олиб уларни солишиди. Конспектида тафовут бўлса, сабабини аниқлайди ва тузатиб кўяди. Илмий раҳбари билан бир неча бор мулоқотда бўлганидан кейин, курс давомида олган билимларини амалиётда қўллашликни ўрганади. Шундан сўнг турли фанлардан олган билимларини маълум бир вазиятда қўллаш йўлини ишлаб чиқади ва уни курс иши қилиб ёзади.

Курс ишини бажаришда эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш услубини фақат ёзма равищда ифода этиш йўли билан кифояланмай, бу билимларни ҳаётда ишлатиш йўлларини ҳам ўрганади. Жумладан, курс иши бўлиб, комплекс географик харитани ёки бир бинони сметасиз лоиҳасини чизиш, ёки фақат тайёр бино лоиҳасини сметасини ишлаб чиқиш, бир маҳсулотни ёки унинг моделини ишлаб бериш, кинолавҳага сценарий ёзиш ва ҳоказоларни ҳам киритса бўлади. Аммо ҳар қандай амалий иш бажарганда уни қандай бажарғанлигини ва қайси билимлардан фойдаланганлигини баёни ҳам бўлиши шарт.

Курс иши бажарилиб, илмий раҳбарни кўригидан ўтиб, уни қониқарли жавоби олингандан сўнг, курс иши олий ўқув юртларида қабул қилинган тартибда шаклга келтирилиб, кафедрага топширилади.

## **МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ**

Реферат билан курс ишларини ёзиш талабани тадқиқот ишига тайёрлаш бўлса, магистрлик диссертациясини ёзишдан мақсад, тадқиқот ишларини тўла ҳажмда амалга оширишга ўргатишидир.

Магистрлик диссертациясини ёзганда, талаба мавзу танлашдан бошлаб ҳимоягача бўлган босқичларни ўрганади. Шунинг учун ҳам баъзи магистрлик диссертация муаллифларини фан номзодлиги илмий даражасини беришга тавсия этилган ҳоллари мавжуд.

Магистрлик диссертацияси талабани олий ўқув юртими миаффақиятли битириб, белгиланган билимларни тўлиқ эгаллаб, диссертация ёзиш орқали юқори малакали кадр бўлиб шаклланганлигини кўрсатувчи хужжатдир.

Магистрлик диссертацияси мустақил равища олиб бориладиган тадқиқот, у долзарб муаммолардан бирига бағишиланган бўлади. Уни ёздиришдан мақсад:

— талабани ўқув муассасасида кечган умри давомида олган билимларини жамлаш, тартибга солиш ва ўз дунёқарашига ва муайян касбга эга бўлганлигини кўрсатиш;

— амалий ҳаётда учрайдиган вазиятлардан мутахассис сифатида мустақил чиқиб кета олишга ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ечимини кутиб турган масалалар ичидан энг долзарбларини ажратиб олиб ечишга, маҳсус адабиётлар билан ишлашга, тадқиқот ишига бирламчи материаллар тўплашга ва уларни таҳлил қилиб умумлаштиришга ҳамда фикрини бошқалар олдида исботлаб ҳимоя қила олишга ўргатишdir.

— мавжуд билимлардан фойдаланиб янги билимларни топиш ва амалий ҳаётда улардан жамият манфаатида фойдаланиш учун кўнімка ҳосил қилдириш.

Магистрлик диссертациясини бажарилиш даражаси унинг муаллифи малакасини кўрсатади.

Магистрлик диссертациясини ёзиш ва ҳимояга тайёрланиш қуйидаги боғлиқ босқичлардан иборат:

**1 босқич** — давлат томонидан олимларга ижтимоий буюртма қилиб кўйилган ва ечимини кутиб турган масалалар орасидан тадқиқот мавзуини танлаш ва адабиётлар билан дастлабки танишиш;

**2 босқич** — адабиётлар билан ишлаш ва мавжуд бирламчи материаллар билан танишиш, диссертацияни ёзиш муддатини белгилаш;

**3 босқич** — тузилган режа бўйича бирламчи материалларни тўплаш ва маҳсус адабиётларни таҳлил қилиш;

**4 босқич** — йигилган материалларни қайта ишлаш, уларни таҳлилини ўтказиш ва диссертацияни ёзib илмий раҳбарга тақдим этиш;

**5 босқич** — диссертацияга тузатишлар киритиш ва унга тааллукли чизма, модел ёки буюмни тайёрлаш;

**6 босқич** — тузатишлардан кейин ишни илмий раҳбарга кўрсатиб, унинг розилигиини олиш ва ишни ҳимояга тайёрлаш;

**7 босқич** — ҳимоя ва унинг тантанасини ўтказиш. Магистрлик диссертациясини босқичма-босқич амалга ошириш муддатлари жадвал шаклида тузилиб уч нусхада тайёрланади ва кафедра мудири томонидан тасдиқланади. Жадвалнинг бир нусхаси кафедрада, иккинчиси илмий раҳбарда ва учинчиси диплом иши муаллифида бўлади.

Жадвалдаги муддатлар юзасидан талаба раҳбарига ва зарур ҳолларда кафедрада ҳисобот бериб туради.

**Мавзуни танлаш ва адабиётлар билан дастлабки танишиш.** Магистрлик диссертациясининг мавзуи олимлар олдига буюртма қилиб қўйилган масалаларнинг бирига қаратилган бўлиши лозим. Одатда магистрлик диссертация иши сифатида кафедра ўзига бир неча йилга тадқиқот режасига киритилган мавзуларнинг бирортасини талабаларга берилади. Бизнинг фикримизча бу тўғри. Талабалар магистрлик диссертацияси устида олиб борилган тадқиқотлар мөҳир бир илмий раҳбар қўл остида бажарилганида унинг илмийлик даражаси ошади ва амалиётда қўлланишилик мумкин бўлади.

Бироқ мавзуу кафедрани умумий тадқиқот мавзуига мувофиқ келишлигига қарамай, уни танлаб олиш эрки талабага берилади. Бу ишда мажбуrlаш маън қилинади. Чунки зўрлаб берилган мавзuinи тадқиқотчи чин юракдан бажармайди.

Талаба томонидан танлаб олинган магистрлик тадқиқотининг мавзуи кафедра мажлисида муҳокама қилиниб, ўқув муассасасининг илмий кенгашида тасдиқланади ва бу борада ўқув юртининг ректорининг буйруғи чиқарилади.

**Магистрлик диссертациясига раҳбарлик қилиш.** Магистрлик диссертациясини ёзишга раҳбарлик кафедрада мавзуини муҳокама қилинаётганда, кафедрадаги ўқитувчиларга ажратилган ўқув юкламалари асосида белгиланади. Сўнгра ўқув муассасасининг маъмурияти магистрлик диссертация мавзулари тўғрисида чиқарилган буйруғида унинг илмий раҳбари ҳам қайд қилинади.

Кафедра магистрлик диссертацияси ёзадиганларни методик қўлланмалар билан таъминлайди. Бу қўлланмаларда магистрлик диссертацияларга кўйиладиган талаблар, унинг ҳажми ва бошқа бир қатор кўрсатмалар ва қоидалар кўрсатилган бўлади. Кафедра диссертацияни муддатда ёзилишини назорат қиласди.

Магистрлик диссертациясининг раҳбари:

- мавзуни танлашга ва адабиётлар рўйхатини тузишга ёрдам беради;
- диссертация режасини тузишга кўмаклашади;
- асосий ва маҳсус адабиётлар рўйхатини тузишга ва бирламчи материалларни тўплашга ёрдам беради;
- диссертациянинг вақтида бажарилишини назорат қилиб боради;
- талаба билан биргаликда тузилган ва кафедра томонидан тасдиқланган жадвал асосида консультациялар берриб боради.

Илмий раҳбар диссертация қандай ёзилаётганлигини текшириб, кузатиб боради. Агар диссертант мавзудан чиқиб кетган бўлса ёхуд уни тўла илмий асосламаган тақдирда, тўғри йўлга солиб, унга тегишли ёрдамни беради.

Ўз навбатида талаба илмий раҳбарнинг вақтини тежаш учун тайёр саволлар билан келади, қўлёзма саводли ва тушинарли ёзилган бўлиши керак.

Диссертация тайёр бўлганидан кейин илмий раҳбар унга кенгайтирилган тақриз ёзиб, кафедра мудирига топширади.

Тақризда қуйидагилар қайд қилинишлари шарт:

- 1) муаллиф ўз олдига кўйган масалани қанчалик ҳал қилишга эришганлиги;
- 2) бажарилган ишнинг қисмлари бўйича қисқача таснифи;
- 3) маҳсус адабиётлар ва бирламчи материаллардан фойдаланганлик даражаси;
- 4) мавзудаги қайси масалалар яхши ёритилгани, қайслиари суст таҳлил этилган ёки қолиб кетганлиги;
- 5) диссертацияни мустақил бажариш даражаси;
- 6) диссертация ишидаги якуний фикрларни асосланганлиги ва тавсияномаларнинг амалий аҳамияти, замон ва макон талабига мослиги;
- 7) ҳимояяга кўйиш мумкин ёки мумкин эмаслиги.

Кафедра ва деканат магистрлик диссертацияларни жадвалдан чиқмай бажарилаёттанини, уларнинг сифатини назорат қилиб туради.

**Магистрлик диссертациясининг таркибий қисмлари.** Магистрлик диссертацияси одатда кириш, асосий қисм, хуроса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топади. Унинг қисмлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, мантиқан бири биридан келиб чиқиши ва асосий мақсадга хизмат қилиши керак.

Диссертациянинг таркибий тузилишини шакллантираётгандা, унинг концепцияси ҳам тузилади. Яъни тадқиқотнинг амалга ошириш жараёнини илмий асослаб берилади. Бунда тадқиқот якунида нимага эришиш кераклиги, бунинг учун қандай илмий тадқиқот усусларидан ва қайси бирламчи материаллардан фойдаланиш зарурлиги ва кўриладиган адабиётлар тавсилоти баён этиб берилади.

Мазкур диссертацияга таалуқли адабиётларни кўришда ёки бирламчи материаллар тўплаш ва қайта ишлаш жараёнида, ёхуд диссертацияни ёзиш пайтида аввалдан тузилган режа ўзгариши мумкин.

Диссертация икки интервалда машинкада босилган ёки компьютерда терилган бўлиб, умумий ҳажми 60-80 бетдан ошмаслиги керак. Диссертация матнини ёзиш, унга таалуқли жадвал, расм ва бошқа ёрдамчи материаллар, кўлёзмаларни нашрга тайёрлаш қоидалари асосида бажарилган бўлиши керак.

**Киришнинг** ҳажми 3-5 бетдан ошмаслиги мақсадга мувофиқdir. Унда мавзуни долзарблиги, амалий аҳамияти, унга ижтимоий буюртма борлиги айтиб ўтилади. Сўнгра бу мавзуни ишланганлик даражаси ёритилиб, ишланмаган жабҳалари аниқланади ва улардан мазкур мавзуни танлаб олганлигини исботлаб берилади.

Мазкур тадқиқотдан кутилган натижа, яъни мақсадга этиш учун ечилиши зарур бўлган масалалар мажмуи ва уларни ҳал қилиш учун бажариладиган ишлар ҳамда бунда ишлатиладиган илмий, амалий усуслар тизими келтирилади.

**Асосий қисм** диссертациянинг умумий ҳажмининг 80 фойзини ташкил қилиши керак.

Диссертацияни назарий қисмини (кўпинча унга алоҳида бўлим ажратилади) баён қилишдан олдин, ушбу мавзуда

чоп этилган адабиётларни чукур ўрганиб чиқиб, улардаги тушунча, қонун ва қоидалар таҳлили берилади. Сүнгра улар асосида назарий асослари кўрсатилиб, илмий асосланади.

Диссертациянинг энг асосий қисми муаллифнинг мустақил равишда олиб борган тадқиқотининг якуний баёни хисобланади. Диссертациянинг бу қисмини ёзишда тадқиқот ишининг бориши, унда қандай усууллар қўлланганлиги ва ҳоказолар кўрсатилади. Сўнг бу тадқиқотдан олинган натижалар таҳлили берилади.

Холосада диссертация матнининг бошидаги назарий асослари тадқиқотлар якуни билан солиширилади ва янги натижалар аниқланади. Холосанинг охирида тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, амалиётчиларга уни ҳаётта тадбиқ этиш бўйича тавсиялар берилади. Шу билан диссертациянинг хомаки нусхаси тайёр бўлади. Диссертация ишининг бу нусхаси илмий раҳбарга кўрсатилиб, унинг камчилиги ва фализ жойлари тузатилади, адабий таҳрирдан ўтказилади ва охирги нусхасини босиш учун машинага ёки компьютерга берилади.

**Магистрлик диссертациясини ёзиш бўйича тавсиялар.** Магистрлик диссертация адабий ва жонли тилда равон қилиб ёзилади. Фикрлар мантиқан боғлиқ бўлиши шарт. Диссертацияда бошқа муаллифларнинг фикри ва адабиётларидан иқтибослар олинган бўлса, манбаларнинг тўлиқ кўрсаткичлари берилади.

Диссертацияда келтирилган рақамлар тадқиқот мазмунини очиб бериши керак.

Диссертация матни, ундаги жадвал, диограмма, расм ва бошқа кўргазма материаллар, нашрга тайёрлаш қоидаларига мувофиқ бўлиши шарт.

Диссертация стандарт талабга жавоб берадиган муқова, титул вараги, мундарижа ва матндан иборат бўлади. Диссертациянинг бетлари араб рақамлари билан варагнинг тепа ўнг томонида қайд қилинади. Унинг биринчи бети титул вараги хисобланади, аммо у бетланмайди.

Диссертациянинг охирги нусхаси машинкадан чиққанидан кейин яна бир марта оригиналга солишириб ўқиб чиқилади, сўнгра илмий раҳбарга берилади. Илмий раҳбар уни синчиклаб ўқиб чиқиб, хато ва камчиликларини кўрсатиб, кенгайтирилган тақриз ёзиб, диссертация ёзган шогирдига қайтаради.

Диссертация барча тузатишлардан кейин муқоваланиб, илова ва құшимча материаллар билан кафедрага топширилади. Шу билан диссертацияон иши ҳимояга тайёр ҳисобланади.

Диссертация ёзган талаба құлида қолған нусхасини ўқиб, маъruzанинг қисқача матнини ёзади ва ҳимояга руҳан тайёрланади.

Ҳимоя вақтида тадқиқотчи үзини бардам тутиб, хотиржамлик билан маъруза қилиб беради. Тушган саволларни ёзиб олиб, жавоб беришга тайёрланади. Саволларга жавоблар қисқа, лўнда, мақсадга йўналтирилган ва малакали бўлиши керак.

Ҳимоя муффакиятли ўтганидан кейин талаба бу санани оила аъзолари, ёру биродарлари билан тантанали нишонлайди.

Китобимизнинг олдинги қисмида, тадқиқот ишига үзини бағищаган бир қатор лаззатлардан, яъни ўйин-кулгу, тўй-томуша, ошна-офайни ва ўтиришлардан үзини тийиш керак, деган эдик. Бу тўғри. Аммо илмий фаолият билан шуғулланган киши ҳам инсон, унда ўша лаззатларга эҳтиёж мавжуд. Шунинг учун бундай эҳтиёжни тадқиқотчи фақатгина ҳар бир илмий давонни ошиб ўтганда қондириб, уни шодиёна ўtkазишига ҳақлидир. Ана шундай илмий давонлардан бири магистрлик диссертациясининг ҳимоясидир.

### **ФАН НОМЗОДИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИ УЧУН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ТАДҚИҚОТЛАР**

Номзодлик диссертацияси устида олиб бориладиган тадқиқот ишлар муҳим изланишлардан ҳисобланиб, ҳажми, мазмуни, ёзилиши, тадқиқот қўлами билан магистрлик диссертациясидан анча фарқ қиласиди.

Магистрлик диссертацияси учун олиб бориладиган тадқиқотлардан асосий мақсад талабаларни бу фаолиятта ўргатишидир. Тадқиқот усул ва услубларидан фойдаланиб, ечими аллақачон топилган қандайдир масалани бошқатдан ҳал қилиб беришлиkdir.

Номзодлик диссертацияси учун олиб бориладиган тадқиқотда жамият учун зарур маълум бир объект қонуниятини аниқлаш ва ундан амалиётда фойдаланиш йўлини кўрсатиб бериш талаб этилади.

Номзодлик диссертациясининг олдига қўйиладиган ушбу мақсад устида батафсилроқ тўхталиб ўтишимиз жоиз. Чунки, кўғчилик номзодлик диссертацияси деганда ҳамма жабҳа ва хусусиятлари маълум нарса ёки ҳодисани ўзининг нуқтаи назаридан қайтадан ўрганиб, таҳлил қилиб, ҳеч қандай янги бир қонуниятни аниқламай, унинг янги тафсилини яратиш деб тушунади. Бу ўта заарли фикр. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун олиб борила-диган тадқиқот олдига қўйиладиган асосий мақсади ҳаммага маълум, аммо баъзи жабҳа ва хусусиятларининг сири ҳали очилмаган объектни, уни мавжудлик қонуниятини аниқлаб беришдир. Номзодлик диссертацияси учун ҳали ҳеч ким ечишга уриниб кўрмаган объектни ҳамма жабҳа ва хусусиятларини аниқлаб беришни мақсад қилиб олинмайди. Бундай масала ва муаммолар илмий-татқиқод институтининг бир неча йилларга мўлжалланган тадқиқотлар рўйхатига киритилади.

Фан номзоди илмий даражасини олиш учун даъвогар қуйидаги мезонларга жавоб бериши шарт:

- адабиётлар билан чуқур ишлай олиш ва уларни юқори даражада илмий таҳлил қилиш;
- илмий тадқиқот олиб бориш қобилиятини намоён қила олиш;
- диалектика қонунларидан ўз ишида энг умумий методологик асос сифатида, мажмуалар назариясидан эса та-мойил сифатида фойдалана билишилигини кўрсатиш;
- ўз соҳасини яхши билиши ва шу соҳадаги мавжуд фикрларни тўғри-нотўғрилигини ажратиб бера олиши;
- ўз фикрини ёзма ва оғзаки шаклда саводли ифодалай олиши;
- ўз тафаккурида шаклланган фикр ва фояларни ҳимоя қила олишилиги.

Фан номзоди илмий даражаси учун тадқиқот ўтказишнинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

1. Жамият эҳтиёжи учун муҳим бўлган, аммо ечими ҳанузгача топилмай келаётган объектнинг қонуниятини билишни ўзига мақсад қилиб олиб, тадқиқот мавзуини аниқлаш ва уни ниҳоясига етказиш юзасидан барча масалалар тизимини тахминий тузиб чиқиши.
2. Тадқиқот мавзуудан келиб чиқиб шу соҳадаги етук бир олимни тадқиқот ишига раҳбарлик қилиш розилигини олиш.

3. Соҳага оид маҳсус адабиётлар билан танишиб, шу ёки унга ёндош мавзу устида олиб борилдган изланишлар ва уларнинг натижалари билан танишиб чиқилади ва мавзу қанчалик ишланганлигини аниқлаш ва илмий раҳбари билан биргаликда тадқиқот мавзуи ва бошқа масалаларни келишиб олиш, тадқиқот тизимига аниқлик киритиш ва унинг тахминий режасини тузиш.

4. Аспирант ёки изланувчи сифатида шу соҳа институтининг рўйхатидан ўтиш.

Шу муддатдан эътиборан тадқиқот иши бошланган деб ҳисобланади. Диссертация ёзиш ишига жамият ва давлат томонидан вақт белгиланган. Уни ўз вақтида поёнига етказиш учун тадқиқотчи бутун вужуди билан ишга киришиши лозим, акс ҳолда диссертация ёзиш чўзилиб кетади. Тадқиқот ишини бажаришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳам уни тез бажаришдир. Аммо шошма шошарликка мутлоқ йўл қўймаслик керак.

5. Диссертация мавзуини ва иш режасини аввал шу соҳага ихтисослашган кафедрада, сўнг Республика Координация марказида ва ундан кейин рўйхатдан ўтган институтнинг илмий кенгашидан муҳокамадан ўтказиб, мавзуни ўз номига илмий тадқиқот иши сифатида тасдиқлатиб олиш.

6. Шу соҳага оид назарий ва маҳсус адабиётлар билан ишлаш ҳамда улардан кўчирма олиш ва картотекаларини тузиш.

7. Назарий ва маҳсус адабиётлар билан батафсил танишиб, тадқиқот ечиш йўлларини тўлиқ кўз олдига келтириш, тадқиқот ишининг концепциясини тузиш, яъни масалани ечиш йўллари, босқичлари, диссертация материаларини йиғиш, уларни ташкил қилиш усул ва услублари, тажриба ўтказадиган жойларни ҳамда тадқиқот иши билан боғлиқ барча ишларни илмий асосланган лойиҳасини (концепциясини) тузиш.

8. Тадқиқот учун зарур бўлган муълумотларни йиғиш ва тажрибалар (агар улар кўзда тутилган бўлса) ўтказиш. Диссертациянинг кириш ва назарий қисмини ёзиш.

9. Ўз мавзуси бўйича матбуотда илмий мақола ёзиб, чоп этириш.

10. Номзодлик диссертацияси учун керак бўлган фанлардан минимум билимларни эгаллаш ва уларнинг бирор-

шириш.

Шундай қилиб тадқиқот ишига ажратилган вақтнинг учдан бир қисми тугайди. Иккинчи қисмida:

11. Адабиётлар билан ишлашни давом эттирган ҳолда йиғилган материалларни қайта ишлаш, тартибга солиш ва таҳлил қилиш.

12. Таҳлилларни умумлаштириш, илмий мақола ёзиб чоп эттириш.

13. Диссертациянинг асосий қисмини ёзиш.

14. Фанлар бўйича эгаллаган минимум билимлардан иккинчи имтиҳонни топшириш ва электрон ҳисоблаш машиналарида ишлаш синовидан ўтиш.

Тадқиқот иши учун ажратилган муддатнинг учинчи қисмida.

15. Диссертация ёзишни якунлаш ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини талаб даражасига келтириш.

16. Диссертация натижасини ифода этувчи илмий мақола ёзиб, чоп эттириш.

17. Диссертациянинг ҳомаки нусхасини илмий раҳбарга кўрсатиш, уни белгилаб берган камчилик ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда диссертацияни таҳрирдан ўтказиш, охирги нусхасини тайёрлаш ва ихтисослашган кафедра ва илмий бўлимларда муҳокамадан ўтказиш.

18. Кафедра ҳамда илмий бўлимларда кўрсатилган камчилик ва тавсиялар устида ишлаш.

Маъқулларини диссертация матнига киритиш ва диссертациянинг авторефератини ёзиш.

19. Махсус фан бўйича минимум топшириш.

20. Диссертацияни охирги таҳририни қилиб, оқقا кўчиртириш ва диссертацияга тегишли ҳужжатларни қўшиб ихтисослашган илмий кенгашга экспертиза учун топшириш.

21. Ихтисослашган илмий кенгашда учта мутахассисдан иборат эксперт ҳайъати тайинланиш.

22. Экспертиза хulosаси тайёр бўлганидан кейин, ихтисослашган илмий кенгаш диссертацияни ҳимоя қилиш учун қабул қиласи ва диссертацияни тўлиқ ўрганиб, шу мутахассислик бўйича бир муассасани етакчи ташкилот қилиб тайинлайди ҳамда оппонентларни белгилайди.

23. Оппонентлар диссертация ва автореферат билан танишиб чиқиб, авторефератни чоп этишга рухсат беради.

24. Автореферат чоп этилгач, ихтисослашган илмий кенгаш уни күриб, ҳимоя кунини тайинлайди.

25. Авторефератни тарқатиш ва ҳимояга тайёргарлик күриш.

26. Ҳимоя.

27. Ҳимоядан кейин бажариладиган ишлар.

**Диссертация мавзуини танлаш.** Киши олимлик фаолияти давомида фан номзоди илмий даражасига эришиш учун олиб борадиган тадқиқот мавзуини талабалик давридан бошлаб хаёлига ола бошлайди ва аспирантурага кириш олдидан унга шакл беради.

Талаба институтда ўқиб юрган чоғида юқори малакали, домланинг маъruzаларини эшитиб, унда шу фаннинг маълум бир тармоғига нисбатан қизиқиш уйғонади.

Фанга қизиқсан талаба, дарс давомида эгаллаган билимларини бойитиш мақсадида қўшимча адабиётларни ўқий бошлайди ва уларнинг таҳлил ва тафсилини реферат ва курс ишлар ёзиш орқали амалга оширади.

Кейинчалик бу фанни чуқурроқ ўрганиш мақсадида уни қизиқтирган тармоқдан бир мавзуни танлаб магистрлик диссертацияси ёзади. Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида кўпгина маҳсус адабиётлар кўриб, фаннинг муайян тармоғида ҳали ечилмаган бир қатор масалалар мавжудлигини кўради. Табиатан тадқиқот ишига мойиллиги бор бўлса, бу масалаларни бирортасини ечиш учун институтни битириб аспирантурага киришни аҳд қилиб қўяди. Тадқиқотчи бутун ирода ва тиришқоқлигини ишга солиб, тинимсиз меҳнати ва шиҷоати орқали, илм аҳлига қўйилган шарт ва талабларга амал қилган ҳолда, бу мақсад йўлида меҳнат қиласди. Иродаси суст бўлиб, меҳнатдан қочиб, шиҷоатсизлик қиласа, нияти хаёл босқичида қолиб кетаверади. Шунинг учун баъзи бир иқтидорли ёшлар, ирода сизлик қилиб, ёки илм эгаллашнинг меҳнатидан қочиб, ёхуд бошқа сабаблар билан ниятларига ета олмайдилар. Бу катта гуноҳдир. Чунки, ният Аллоҳ томонидан юбориладиган вазифадир. (Буни ҳозирги илм жуда аниқ исботлаб бермоқда). Аллоҳ томонидан илм билан шуғулланишини вазифа қилиб юборилишининг ўзи катта неъматдир. Неъматга нисбатан кўрнамаклик қилиб бўлмайди.

Бошқалар ўртacha қобилиятга эга бўла туриб, меҳнати ва шиҷоати ҳисобига илмда яхши натижаларни қўлга ки-

ритдилар. Чунки, ҳадисларда айтилганидек, бир соат илм билан шуғулланиш ўттиз кун нафл намозини ўқиб, тутилган рўзанинг савобидан афзалдир. Пайғамбаримизнинг ҳадисларида таъкидланганидек, олим қаламининг изи азобуқубатда қолганлар қонидан қимматлироқдир. Пайғамбаримиз ўз издорлари саводли ва билимли бўлишига алоҳида аҳамият берар эдилар. Масалан, жантлардан бирида асир тушганлар ўнта мусулмон боласига савод ўргатган бўлса, уни озод қилажагини эълон қиласди. Ислом фан, таълимтарбия масаласига катта аҳамият берар экан, бу жараёнда асосий эътибор олимларга қаратилади. Шу муносабат билан пайғамбаримиз қўйидагича марҳамат қиласдилар: “Одамларга наф келтирадиган ҳар қандай олим ва фан минг бор қилинган ибодатдан афзалдир”.

Демак, илм инсонга берилган энг улуф неъмат ва илоҳий хусусиятдир. Илмий билимларга интилиш ҳар бир мусурмоннинг бурчидир. Бу дин нуқтаи назардан ҳам, ахлоқ нуқтаи назаридан ҳам бурч ҳисобланади.

Баъзида талаба қуи курсларда фанга қизиқмай юрган бўлса ҳам охирги курсларда илм билан шуғулланишга қарор қиласди. Бунда домланинг ўз фанини яхши билиб, унинг фидойиси бўлганлиги, шу билан тадқиқот ишини улуф неъмат деб билиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Баъзида талаба институтни битириб, амалиётда мутахассис сифатида бир неча йил ишлаганидан кейин меҳнат жараёнида бир қатор ечилмаган масалаларга дуч келади, уларни еча олишлигига кўзи етиб қолганидан кейин институтга келиб аспирантурага киради ёки изланувчи сифатида рўйхатдан ўтади.

Ҳамма ҳолларда ҳам тадқиқот иши билан шуғулланмоқчи бўлган шахс шу соҳа фанининг йирик олими билан маслаҳатлашади. Улар бамаслаҳат тадқиқот мавзуини танлайдилар. Бу мавзу албатта замоннинг долзарб масалала-ридан бўлиши шарт.

Мавзу танлангандан сўнг устозининг кўмагида бу муаммони ечиш йўллари изланади ва бўлғуси тадқиқот ишининг хомаки режаси тузилади.

**Илмий раҳбарни аниқлаш.** Мавзу танланиб уни амалга оширишнинг тахминий режаси тузилганидан сўнг, илм билан шуғулланишни ният қиласди киши ўзига илмий раҳбар излайди ва маслаҳатлашган олимдан уни розилигини

сўрайди. Домланинг бунга имконияти ва ҳуқуқи бўлса, раҳбарлик қилишга розилик беради ёки бошқа олимни тавсия қиласи. Шу тариқа тадқиқот ишига илмий раҳбар аниқланади.

Илмий раҳбарликни ўз зиммасига олган олим бўлгуси шогирдига тадқиқотчига қўйиладиган шартлар, олим этикаси, тадқиқот йўлида учрайдиган қийинчиликларини айтиб бериши лозим.

**Адабиётлар билан ишлаш.** Тадқиқот мавзуи ва илмий раҳбар аниқ бўлганидан кейин институтга аспирант ёки изланувчи бўлиб киришга ҳаракат бошланади. Мавзу билан чуқурроқ танишилади, манбаларни ўрганади ва адабиётлар билан ишлай бошлайди.

Адабиётлар билан ишлаш тўғрисида юқорида тўхталган эдик. Биринчи навбатта 35-40 адабиёт кўрилиб, конспекти тузилади. Шунинг ўзида мавзуни ишланганлик даражаси маълум бўлиб қолади.

Адабиётлар рўйхатини биринчи тизимини илмий раҳбардан олинса, кейинчалик, улар билан ишлаш жараёнида адабиётлар рўйхатини бойитиб боради. Энг янги адабиётлар рўйхати шу соҳа бўйича маҳсус журналнинг охирги саҳифаларида келтирилади.

Адабиётлар билан ишлаш жараёнида изланувчи тадқиқот ишини амалга ошириш йўллари, босқичлари ва услубларини доимо хотирасида тутишлиги шарт. Дастлабки диссертация режасини кўпайтириб, овқатланадиган ва ётадиган хоналарни кўринадиган жойларига илиб қўйилади. Бу режа аввал кўникма ва малакага, сўнг унинг ҳаёт тарзига айланиб кетади. Фақат шундан кейин маҳсус адабиётлар билан ишлаш самара беради, меҳнат ва вақт зое кетмайди.

Диссертация режаси бир неча қисмлардан иборат бўлганлиги туфайли, ҳар бир қисмга атаб алоҳида папка тутилади. Адабиётлар билан ишлагандан қайси бири қайси қисмга тегишли эканига қараб ўз папкаларига солинади.

Адабиётлар билан ишлаганда фақат уларнинг foявий мазмунига эътибор берибгина қолмай, унда ишлатилган усул ва услубларга ҳам аҳамият бериш жоиз. Мазкур тадқиқот ишига мос келадиган усул, услугуб ва қўлланилган тадбирлар қўчириб олинниб, уч варақнинг биринчи рақамига ёзиб борилади ва ҳоказо.

Адабиётларни маълум бир миқдори билан танишиб, уларни конспектини тузиб бўлинганидан кейин, аввалдан тузилган тадқиқот режаси қайта кўриб чиқилади. Баъзи ортиқча жойлари олиб ташланади, камчиликлари тўлдирилади. Тадқиқот олиб бориш усул ва услублари тизими ҳам тўлдирилиб, эскириб қолганларини қисқартирилади. Қисқаси, тадқиқот ишининг қайта ишланган ва кенгайтирилган режаси тузилади.

**Аспирант ёки изланувчи бўлиб рўйхатдан ўтиш.** Қоидага кўра, маълум бир соҳанинг етакчи мутахассислари кўпчилкни ташкил этган институтда аспирантура очишга рухсат берилади.

Одатда аспирантурага бериладиган ўринлар октябрь ойида маълум бўлади ва шундан сўнг аспирантурага ҳужжатлар қабул қилина бошланади.

Аспирантурада ўқиш шакли икки хил — кундузги ва сиртқи бўлиб, уларга кириш имтиҳонлари топширилади. Кириш имтиҳонлари — чет тили, фалсафа ва маҳсус фандан топширилади. Аспирантурага ҳужжатини топширгунга қадар илмий методик журнал ёки китобларда битта бўлса ҳам танлаган мавзуи бўйича мақолоси чоп эттирғанлар маҳсус фандан имтиҳон топширишдан озод қилинадилар.

Кундузги аспирантурага кирган катта ўқитувчи маоши ҳажмида ойлик маош олиб уч йил ўқийди.

Сиртқи аспирантурага кирганлар ишлаб туриб тадқиқот ишларини олиб боради. Сиртқи аспирантурада ўқийдиганлар меҳнат таътилига яна бир ой қўшиб берилади.

Булардан ташқари илмий иш қилишни хоҳдаган киши мутахассислиги бўйича аспирантураси бор институтда изланувчи сифатида рўйхатдан ўтиб кўйиши мумкин. Бунинг учун институтнинг аспирантура бўлимига аспирантлар қандай ҳужжатлар топширадиган бўлса, улар ҳам шундай ҳужжатларни топширади.

Институтнинг ректори (директори) томонидан изланувчи бўлиб қабул қилинди, деб буйруқ чиқарилади.

Изланувчи бўлиб рўйхатдан ўтиш учун кириш имтиҳонлари топширилмайди. Уларга сиртдан ўқийдиган аспирантларга ўхшаб бир ой қўшимча таътил ҳам берилмайди. Аммо улар ҳам номзодлик минимумларини топширишлари шарт.

Аспирантурага ёки изланувчи бўлиб қабул қилинди, деган буйруқ чиққанидан кейин, шахсий режа тўлдирилади ва шу режа бўйича иш юритилади. Аспирантлар ҳам, изланувчилар ҳам шахсий режаси асосида ҳар йили икки марта биритирилган кафедрасига ёзма ҳисобот топширади. Шахсий режани сурункасига бажармаган аспирант ва изланувчилар рўйхатдан чиқариладилар.

**Диссертация иши мавзунни муҳокамадан ўтказиш.** Илмий фаолият билан астойдил шуғулланиш учун диссертация мавзунини аниқлаб олиш ва уни қонуний равища ўзига расмийлаштириш керак бўлади.

Бунинг учун мавзуни долзарблиги ва уни ишланганлик даражаси кўрсатилиб, 5-6 бетдан иборат ёзма маъруза тайёрланади ҳамда диссертациянинг кенгайтирилган режаси тузилиб биритирилган кафедрада муҳокама қилинади ва мавзуни диссертация иши қилиш тавсияномасини олади. Бу тавсиянома фанлар бўйича Республика илмий тадқиқот ишларини координациялаш марказига бошқа ҳужжатлар билан биргаликда топширилади ва тадқиқот мавзуи қилиб тасдиқлатиб олинади. Сўнг уни институтнинг илмий кенгаши ҳам тасдиқлаб беради.

**Махсус адабиётлар билан ишлаш.** Бу босқич қўлланман мизнинг назарий қисмида яхши ёритилиб берилган.

**Тадқиқот ишининг концепциясини тузиш.** Тадқиқот ишининг илмий асосланган режасини, яъни концепциясини тузиш учун аввалдан тузилган диссертация режасини мөҳияти жиҳатидан бир неча қисмларга ажратилади. Уларнинг ҳар бири ичida бир нечта жабҳалар аниқлаб олинади. Адабиётлар билан ишлаш жараёнида ҳар бир жабҳани ишланганлик даражаси аниқланади ва таҳлил қилинади. Бу объектнинг бир неча жабҳа ва хусусиятлари устида ҳали тадқиқотлар олиб борилмаганлиги маълум бўлади ва шу жабҳаларнинг ҳар бири устида тадқиқот олиб бориш режалари тузилади. Тадқиқотлар якунида уларнинг бир неча варианти илмий асосда кўриб чиқилади. Бу ерда манфий кўрсаткич ҳам илмий асосланиб берилиши керак. Охирда ҳеч қандай наф келтирмайдиган тадқиқот ҳам тадқиқот ҳисобланади ва у ҳимояга молик нарсадир.

Диссертация таркибини қисмларга ажратишда куйидаги мантиқий қоидага бўйинсуниш керак.

**Кириш қисмида** тадқиқот мавзуси долзарблиги, унинг ишланганлик даражасини қайд қилиб бошқа тадқиқотчи-

лар бу мавзунинг қайси жабҳаларига эътибор берганликларига қараб гурӯҳлаштирилади. Шундан келиб чиқиб, мавзу кам ишланганлиги ёки мутлақо ишланмаганлиги кўрсатилади. Тадқиқот обьекти ва предмети аниқ белгилангандан кейин, асосий мақсад аниқланади.

Бу мақсадга эришиш учун ишлатилган назарий ва методологик асослар, усул ва услублар, шунингдек диссертация учун зарур ахборот манбалари белгиланади. Охирида муайян тадқиқотнинг назарияга қўшган ҳиссаси ва уни амалиётда қўлланиш жойлари ва тартиблари кўрсатиб берилади.

**Иккинчи қисмда** мавзунинг ишланганлик даражаси шу соҳанинг назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Мажмуанинг умумий таҳлили берилади, ҳар бир хусусияти устида тўхталиб баъзи жабҳаларининг қонуниятлари ҳали маълум эмаслиги ва баъзи тадқиқот, бу муаммоларни аниқлашга йўналтирилганлиги таъкидланади.

**Учинчи қисмда** мазкур тадқиқотларни амалга ошириш жараёни келтирилади. Таҳлил учун олинган ахборот манбалари, бу ахборотларни ҳақиқийлиги, илмийлиги ҳамда замон ва маконга мослиги, бу ахборотларни қайта ишлаш ёрдамида янги алоқадорликлар (қонуниятлар)ни аниқлаш мумкинлиги таъкидланади.

**Диссертациянинг (тўртинчи) хulosса қисмida** учинчи қисмда қилинган тадқиқотларга якун ясалади, ушбу тадқиқот орқали аниқланган билимлар тизими аниқланади ва бу билимларни амалиётда қўллаш учун бир қатор тавсиялар берилади.

**Тадқиқот учун маълумотлар йиғиш.** Диссертация концепциясини тузиш жараёни унинг “кириш” ва “назарий” қисмларини ёзиш учун кулай имконият яратади. Демак, диссертация ишининг бу босқичида унинг биринчи ва иккинчи қисмлари матни учун асос вужудга кела бошлайди. Концепция тушиб бўлинганидан кейин, мазкур қисмларни ёзиш ва таҳхир қилиш давом этади.

Тадқиқотчи аспирант ёки изланувчи бўлиб рўйхатдан ўтган институтдан ахборот олинадиган муассасага ёзма равишда рухсат беришини сўрайди. Бу рухсатнома асосида тадқиқотчи манба сақланаётган муассасадан тегишли маълумотларни олади.

Маълумотлар олиш учун вараклари кетма-кет рақамланган дафтарнинг биринчи бетида маълумот олинаётган

муассаса раҳбарининг ёзма равищдаги муҳрланган рухсатномаси бўлади. Шу муассасадан олинаётган барча маълумот мазкур дафтарга туширилиб борилади ва охирида уни муассаса раҳбариға кўрсатиб, дафтар беркитилди, деган қайднома ёзилади.

Шунинг учун маълумотларни олишда фақат тадқиқот ишига зарурларини ажратиб олиб, дафтарга туширилади.

Диссертация ишида тажрибалар режалаштирилган бўлса, шу тадқиқот учун мос усул ва услублар ажратиб олинниб, уларни тажриба дафтарининг бош қисмига ёзиб қўйилади. Сўнг, шу услугга асосан тажриба олиб борилади. Тажриба якунлари ва оралиқ натижалар тажриба дафтариға қайд қилиб борилади. Кейинчалик бу дафтарлардаги маълумотлар қайта ишланиб, диссертациянинг тадқиқотлар қисмида ишлатилади.

Маълумотлар йифиш ва тажрибалар ўтказиш, улардан олинган маълумотларни қайта ишлаш жараёнлари маҳсус дафтарларга қайд қилинса-да, улар диссертация матнида ўз ифодасини топмаслиги мумкин. Чунки улар диссертация ишининг таҳлил қисми ҳисобланади. Шу сабабли уларни сақлаб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Номзодлик минимуми тошшириш.** Муайян бир соҳа муаммоси устида тадқиқот олиб борилганда, шу соҳадаги барча билимларни эгаллаш, улардан ҳётда яхши фойдалана олиш билан бирга фалсафа, чет тили ва компьютер саводидан минимум билимларни ҳам эгаллаш шарт. Шунинг учун киши аспирантурага киргач мазкур фанлардан минимум билимларни эгаллай бошлайди.

Инсон фаолиятида фалсафа методологик асос вазифасини ўтаганлиги сабабли минимум билимларни эгаллашни фалсафадан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Шу туфайли тадқиқотни биринчи йилидаёқ фалсафадан минимум топшириб қўйиш керак.

**Йигилган маълумотларни таҳлил қилиш.** Тадқиқотга ажратилган вақтнинг учдан иккинчи қисмини йигилган маълумотларни таҳлил қилишга сарфлаш зарур. Ҳар бир соҳа илмнинг бирламчи маълумотлар билан ишлаш усуллари мавжуд, бу ерда бундай усулларнинг таъриф ва тафсилларига тўхталганимиз йўқ. Бироқ тарихийлик, мантиқий таққослаш, моделлаштириш ва бошқа анъанавий умумий усуллар барча тадқиқотларда қўлланишини эътиборга қўйиш керак.

Бирламчи маълумотларни қайта ишлаш деганда, муасаса ва корхоналардан ва бошқа жойлардан йигилган маълумотларни саралаш, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, моделлаштириш, жадвалга айлантириш, харита, расм ва бошқа шаклларга келтириш тушунилади. Бу ҳам диссертациянинг таҳлилий қисми ҳисобланади ва диссертация матнига кирмаслиги мумкин.

Қайта ишланган ва ихчам ҳолга келтирилган маълумотлар илмий таҳлил қилинади. Бу маълумотлар орасида боғлиқлик борлиги аниқланади ва бу ҳодисаларни тафсили ёзилади. Тафсиллар ва аниқланган янги қонуниятлар асосида илмий мақола ёзиб уни матбуотда чоп эттирилади.

Шундан кейин қилган таҳлил ва тафсилларимиз дунё юзини кўради. Даҳлдор олимлар мақолаларни ўқиб фикр билдирадилар. Шу тариқа тадқиқот илмий жамоатчилик кўригидан, яъни синовдан ўтади.

**Диссертациянинг асосий қисмини ёзиш.** Диссертациянинг асосий қисми деганда, олиб борилган барча излашишларни, таҳлилларни, тажрибаларни диссертация матни сифатида ёзиб қўйилган қисми тушунилади.

Бунда ўрганилаётган обьектнинг янги қонуниятлари аниқланганлиги қайд қилиниб, уларни илмий асосда исботлаб берилади ва тафсили ёзилади.

Номзодлик диссертациясида уч-тўрт ва ундан кўпроқ янги алоқадорликлар аниқланади. Шундан келиб чиқиб, матннинг асосий қисми икки-уч, гоҳо ундан кўпроқ бўлаклардан иборат бўлади.

Диссертациянинг асосий қисмига даҳлдор иккита мақола ёзиб маҳсус журналларда чоп эттириш талаб қилинади. Тадқиқот ишига белгиланган вақтни иккинчи қисмида чет тилидан минимум имтиҳон ва электрон ҳисоблаш техникасида ишлаш бўйича синовлардан ўтилади.

Учинчи қисмида диссертация ёзиш якунланади. Яъни уни холосаси ёзилиб, диссертация қайта ва қайта таҳрирдан ўтказилади. Таҳрир қилиш бирламчи билимларини эгаллаган ҳолда олиб борилади. Энг аввал илмий таҳрир қилинади. Яъни уни илмий асосланганлигига аҳамият берилади. Илмий талаблар деганда мажмуалар назарияси та-мойилларига тўғри келиш-келмаслиги, мантиққа мувофиқлиги ва ҳоказолар кўриб чиқилади. Диссертациянинг охирида иловалар ва фойдаланилган адабиётлар келтирилади.

Ундан кейин адабий таҳрир қилинади, сўнг тил қоидасига мос келиши, гап тузилиши ва имло хатолари кўриб

чиқилади. Ҳар гал ўқиганды мұайян бир мақсадни қўйилади. Шу тариқа диссертация матни муаллифнинг таҳриридан ўтган, деб ҳисобланади.

Фақат шундан кейин диссертациянинг хомаки нусхаси ёзилди, деб ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётларнинг рўйхатини тузиш, унда қўйидаги талаблар бажарилиши шарт:**

— рўйхатни тузишда биринчи навбатда давлат буюртмаси бўлиб хизмат қилувчи Ўзбекистон қонунлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва Республика Президентининг асар ва нутқлари келтирилади. Иккинчи ўринда китоблар. Учинчى ўринда журналлардаги ва газеталардаги мақолалар, тўртинчى ўринда диссертациялар, авторефератлар, бешинчى ўринда турли ёзма ахборотлар келтирилади;

— рўйхатни ҳар бир қисмининг ичидағи адабиётларни келтириш тартиби, муаллифлар фамилияларининг бош ҳарфларидан келиб чиқиб, алифбо тартибида ёзилади;

— адабиётларни ёзишда, аввал муаллифнинг фамилияси, сўнгра, исми-шарифининг бош ҳарфлари келтирилади. Кетидан адабиётнинг номи ёзилиб нуқта (.) қўйилади. Нуқтадан кейин дефис (-) орқали нашрдан чиққан жойи келтирилиб икки нуқта (:) қўйилади. Шундан кейин нашриётнинг номи ёзилади ва вергул (,) қўйилиб, нашрдан чиққан йили келтирилади. Нашрдан чиққан йилидан кейин нуқта қўйилиб, дефис орқали мазкур адабиётнинг неча бетдан иборатлиги, мақола бўлса, олинган манбай яъни китоб ва журнал номлари вертикал икки чизик (II) билан ажратиб, қайси бетдан қайси бетгача эканлиги кўрсатиб берилади. Масалан, китоб, 8. Зиёмуҳаммадов Б. Экология ва маънавият. Тошкент: Мехнат, 1997. -103 б; китоб мақоласи: 7. Мерзон Л. В. Проблемы истинности научного факта // Методология научного познания. — М, 1974. -С. 14-28; газета мақоласи, 39. Коваль С. Само собой не изменится // Правда Востока. -1988. -22 апрель.

Адабиёт муаллифи, номи, чиққан жойи, нашриёт номи аслида қандай бўлса шундай ёзилади. Бошқа тилга таржи-ма қилиб ёзиш ман қилинади.

**Диссертацияни илмий раҳбарга кўрсатиш ва синовлардан ўтказиш.**

Диссертацияни хомаки нусхасини ёзиб уни бир неча марта ўқиб, таҳрир қилиб чиқилгандан кейин илмий раҳбарга топширилади.

**Илмий раҳбар диссертацияни замоннинг тадқиқот ишларига қўйган талаби нуқтаи назардан кўриб чиқади ва зарур маслаҳатларни ёзма равишда беради.**

Илмий раҳбар диссертация матнини ўқиёттган вақтда диссертант диссертацияни асосий гояларини ифодаловчи бир неча маъruzalар ёзиб, ўзи бириктирилган кафедрада сўнгра диссертация мавзуи бўйича мутахассислари бор бўлган бошқа кафедра ва илмий бўлимлар йиғилишларида синовдан ўtkазади. Синовдан ўtkазиш жараёнида илмий жамоатчилик қандай таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдиурса, уларни ҳаммасини ёзиб олиб маъқулларидан фойдаланади.

**Диссертациянинг асосий гоялари кенг илм аҳли ва раҳбар кўригидан ўтгандан кейинги қилинадиган ишлар.** Кафедра ва илмий бўлимлар аъзолари ҳамда йирик олимларнинг шахсий таклиф ва танқидий мулоҳазаларини, шунингдек илмий раҳбарнинг кўрсатмаларини олиб, ўта чидам ва матонат билан бу таклиф ва танқидий мулоҳазалар бўйича ишлай бошлади.

Тавсия, кўрсатма ва танқидий мулоҳазаларни диссертант фақат илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқиши лозим. Бунинг учун у мазкур қўлланманинг назарий қисмидаги ва ўз соҳасидаги назария, қонуният ва қоидаларни яхши билиб олган бўлиши шарт.

Бу ишда тавсия бераётган олимнинг эгаллаган лавозими, диссертантни ва уни диссертантга бўлган муносабатлари мутлоқ эътиборга олинмайди.

Кўп йиллик тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, кўпинча диссертантга муносабати яхши бўлган кишиларнинг берган таклиф ва мулоҳазалари диссертация мазмунини яхшилашга кам хизмат қилас экан. Аксинча, диссертантни танимайдиган ёки унга муносабати унча яхши бўлмаган кишиларнинг таклифлари ва танқидий мулоҳазалари диссертация мазмунини яхшилашга хизмат қилас экан. Мантиқа зид, аммо аниқланган қонуният шундай. Шундан кейин диссертант йиғилган таклиф ва танқидий мулоҳазалар муаллифларига миннатдорчилик айтади ва илм мезонидан ўтганларини фойдаланишга ҳаракат қиласади.

Баъзида таклиф ва мулоҳазалар диссертацияни 40-50 фоизга ўзгартириб юборади. Шунда диссертацияни қайта ишлаб чиқишга тўғри келади. Баъзан вақтни қизғаниб бу

иш қилинмайды. Натижада вақтида ёки бир оз кечроқ ҳимоя қилинадиган диссертация бир неча йилларга чўзи-либ кетади.

Диссертация ҳимояси чўзилиши яхшилик белгиси эмас. Чунки диссертациядаги кўп фикрлар, бирламчи материаллар эскириб, диссертантнинг шижаоти ҳам сусайиб қолади. Ёки раҳбар узоқ сафарга кетиб қолади. Ё мавзунинг долзарблик хусусияти йўқолади. Диссертацияни ҳимояси фақат диссертант ва унинг илмий раҳбарининг тезкорлиги боғлиқдир.

Диссертация ёзилиб тор мутахассислар илмий жамоатчилиги кўригидан ўтгандан кейин уни журналбоб қилиб, асосий ғояларини ифодаловчи мақолалар ёзилади ва илмий журналларда чоп эттирилади. Шу орқали диссертациянинг асосий ғоялари кенг илмий жамоатчилик кўригидан ўтади. Кўриқдан ва муаллифни таҳриридан ўтгандан кейин диссертация яна илмий раҳбарга берилади. Бу гал илмий раҳбар уни тез ўқиб чиқиб, маромига етган бўлса, оқقا кўчириб ва авторефератни ёзиш учун рухсат беради. Диссертация маромига етгандан кейин унинг бир нусхаси малакали машинисткага бериб, бир нусхаси бўйича авторефератни ёза бошлади.

**Авторефератни ёзишда уни ўзаро узвий боғлиқ бўлган уч қисмга ажратиб ёзилади.**

Биринчи бўлимда диссертация мавзуси долзарблиги, уни обьекти, предмети, мақсади ва мақсадга етишиш йўлида амал қилинган методологик усуллар ва уларни қонуний тизими кўрсатиб берилади. Мазкур тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳам шу бўлимда аниқлаб берилади. Диссертация ишида аниқланган қонуниятлар ва шулар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар келтирилади. Шундан сўнг диссертация тадқиқотига жалб қилинган ахборот манбалари (тажрибалар ҳам шунинг ичига киради) ва ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ғоялар изчил шарҳлаб берилади.

Авторефератни иккинчи қисмида мазкур тадқиқотни амалга оширилиш жараёнини тадқиқотларнинг якуни сифатида келтирилади. Баъзилар бу бўлимни диссертация мундарижаси каби қисмларга бўлиб, шарҳласалар, баъзилар тадқиқотга умумий таҳлил бериш ва асосий хulosаларни баён этиш билан кифояланадилар. Бунинг фарқи йўқ. Иккинчи қисм тадқиқот жараёнини ва ҳар бир қисмдаги тадқиқот якунларини ифодаласа бас.

Авторефератнинг учинчи — хулоса қисмида диссертант тадқиқот иши натижасида эришган мақсадни қонун ва қоидалар шаклида баён этиб, уларни амалиётда кўллаш бўйича тавсиялар бериб чиқади. Охирида ўз фикрларини синовдан ўтказган жойлар, чоп этилган мақола ва рисолалар рўйхати берилади. Шу билан авторефератни ёзиш туғайди.

Диссертация ва унинг автореферати ёзилиб бўлинганидан кейин, ўз соҳаси бўйича минимум билимлардан имтиҳон топширилади ва ихтисослашган илмий кенгаш талаб қилган рўйхат бўйича ҳужжатлар йиғилиб, кенгашга диссертацияни экспертизадан ўтказиш учун топширилади.

Ихтисослашган илмий кенгаш навбатдаги йиғилишда диссертацияни экспертизага қабул қилиб, шу йиғилишни ўзида, соҳа бўйича мутахассис бўлган уч кишидан эксперт комиссиясини тайин қиласди.

Экспертлар диссертацияни ўқиб, уни таҳлил қилиб чиқадилар ва диссертация мавзуи мазкур ихтисослашган кенгашга тўғри келиш-келмаслигини аниқлайдилар. Тўғри келса, мазкур тадқиқот унинг муаллифига фан номзоди деган илмий унвонни беришга лойиқ ёки нолойиқ эканлигини аниқлаб берадилар ва ихтисослашган илмий кенгашнинг навбатдаги йиғилишида ўз фикрларини кенгаш аъзоларига маълум қиласдилар. Натижা ижобий бўлса, илмий кенгаш иккита оппонент ва диссертацияни ҳар томонидан таҳлил қилиб берувчи етакчи муассасани тайнинлади.

Оппонентлар диссертация ва автореферат билан чукур танишиб чиқиб, олий аттестация комиссияси номзодлик диссертацияларига кўйган барча талабларга жавоб берини ва авторефератни диссертация мазмунини ифода этиш-этмаслигини аниқлайдилар. Натижалар ижобий бўлган тақдирда авторефератни чоп этишга рухсат берадилар. Диссертант авторефератни титул варафига иккала оппонентларнинг, чоп этишга рухсат этаман, деган сўзи билан имзосини олиб, оппонент ишлаб турган муассасанинг муҳрини кўйдиради. Шундан сўнг авторефератни ихтисослашган илмий кенгашнинг илмий котибига олиб бориб, ундан авторефератни чоп этиш учун расмий ҳужжатларни олади. Авторефератни хоҳлаган босмахонада чоп эттириш мумкин.

Автореферат дунё юзини кўриши билан уни ихтисослашган илмий кенгашга олиб боргач, навбатдаги йиғилишда

химоя куни тайин бўлади. Шундан сўнг диссертант ихтисослашган илмий кенгашнинг илмий котиби билан авторефератни Олий Аттестация Комиссияси тасдиқлаган муассасалар рўйхати бўйича алоқа бўлими орқали тарқатадилар.

Авторефератни тарқатиб бўлингандан сўнг диссертант ҳимояга тайёрланади. Диссертация ва авторефератни қайта ва қайта ўқиб, ҳимоя вақтида қиласидаги докладни матнини ёзади.

**Ҳимоя.** Ҳимоядан олдин 2-3 кун диссертант диссертация ва авторефератни умуман қўлга олмайди. Диссертация ва ҳимоя тўғрисида умуман ўйламасликка ҳаракат қиласади. Шу орқали уни ақл ва асаби дам олади. Шу даврда руҳий, ақлий ва жисмоний дам олиб, ўзини ҳимояга тайёрлайди. Бу даврда оила аъзолари, ёру биродарлари ва бошқалар унга хайриҳолик билдириб, кайфиятини кўтариб турадилар. Шундагина диссертант 20-25 кишилик соҳаси бўйича йирик мутахассислар билан мунозара юритиб, диссертациясидаги фикрларни ҳимоя қила олади.

Ҳимоя вақтида диссертант шошмай, манманлик қиласади, ўта одоб, ақлли ва гўзал сўзларни топиб туриб, диссертацияни асосий мазмунини илмий кенгаш аъзоларига баён қилиб беради. Бунда диссертантни ташки қиёфаси, ҳаракатларини жозибадорлиги, сўзларини самимий бўлишлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Савол берувчиларни ҳар бирига ўта илтифот билан миннатдорчилик билдириб, саволларини ёзиб олади. Ва уларга ўйлаб туриб, қисқа ва маъноли жавоб беради. Савол фализ ёки нотўри берилган бўлса, узр сўраб уни қайтатдан сўраб олади. Қандайдир саволга жавоб топа олмаса ҳечқиси йўқ, савол берувчига миннатдорчилик билдириб, бу саволга ҳозир жавоб бера олмаслигини айтади.

Ҳимоя охирида диссертантга сўз берилганда бирма-бир илмий раҳбаридан тортиб, оппонентлари, илмий кенгаш раиси, котиби, аъзолари, савол берувчилар ҳамма-ҳаммасига миннатдорчилик билдириб, таъзим ва илтифот билан сўзини тугатади.

**Ҳимоядан кейинги бажариладиган ишлар.** Ҳимоя ўтиб, унинг шодиёна тантанасини оила аъзолари ва ёру биродарлар билан ўтказилгандан кейин, бутун ҳимоя жараёнининг ёзма баёни (стенограмма)си, ихтисослашган илмий кенгаш ёзган справка ва бошқа хужжатлар тартиб билан тикиб, маҳ-

сус папқага жойлаб кенгаш илмий котиби билан Олий Атестация Комиссиясига тасдиқ учун жүнатилади.

## **ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИННИ ОЛИШ УЧУН ТАДҚИҚОТ ОЛИБ БОРИШ**

Фан доктори илмий даражаси учун олиб бориладиган тадқиқот жараёни айнан фан номзодлiği учун олиб бориладиган тадқиқотта үшшаган. Аммо фақат жараёнгина үшшаш бўлиб, мазмун жиҳатдан фан доктори илмий даражаси учун тадқиқот фан номзоди учун олиб борилган тадқиқотдан кескин фарқ қиласди.

Баъзилар докторлик диссертацияси — иккита зўр келса учта кандидатлик диссертацияларини бирлаштирилганидир деб ўйлайдилар. Бу ўта нотўғри фикр. Ўнта ва ундан ортиқ кандидатлик диссертацияларини бирлаштирганда ҳам битта докторлик диссертацияси бўла олмайди. Улар докторликка хом ашё, яъни ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин, холос.

Фан доктори илмий даражасига даъвогар киши фан номзодига нисбатан бир неча бор кенг, чукур ва юқори фикр юритиши лозим.

Мажмуали ёндошув тамойилидан келиб чиқадиган бўлсак, фан доктори илмий даражасини эгаллаш учун ўз тадқиқотларини объектив бор бўлган, аммо унинг мавжудлик қонуниятлари ва хусусиятлари ҳали мутлоқ номаълум бўлган нарса ёки ҳодисага қаратилган бўлади. Фан номзодлiği учун олиб борилган тадқиқотлар якунларини кенг илмий жамоатчиликка журналлардаги мақолалар ёки рисолалар воситасида маълум қилишлик етарли бўлса, фан доктори илмий даражасини эгаллашда тадқиқотлар якунини ифода этувчи ва уни кенг илмий жамоатчиликка маълум қилувчи йирик бир монографик асар ёзиш керак.

Докторлик илмий даражасига эришиш учун киши маълум бир соҳа илм-фанининг назариясини тўлиқ эгаллаб-гина қолмай, унга анчагина ўзгаришлар киритиш қувваттига эга бўлиши керак. Жумладан, замон илм-фанининг тараққиёт даражасидан келиб чиқиб, фандаги баъзи тушунчаларни чукур таҳлил қила олади. Ёки ҳаммага маълум бўлган қонуниятлар қамровини кенгроқ кўриб чиқиб, унга янги мазмун киритади. Шунингдек, янги бир йирик

қонуниятни кашф қилиб ўз соҳасида янги бир илмий йўналишга асос солиши мумкин бўлади.

Баъзида фан доктори илмий даражасини олиш учун тадқиқотчи ўз соҳасидаги асрлар давомида аниқланган ва ҳаммага яхши маълум бўлган қонуниятлар орасида бўлган ҳали номаълум алоқадорликларни аниқлаб, янги бир супер (аввалгиларидан бир пофона юқори) мажмуани аниқлайди ва уни тўлиқ тафсилини беради.

Кўриб турганимиздек, фан доктори илмий даражаси учун олиб борилган тадқиқотлар ёнма-ён турган бир пофонадаги бир неча фан номзодлигига тўғри келадиган тадқиқотларнинг механик йифиндиси бўлмай, уларни орасидаги ҳеч ким билмаган алоқадорликларни аниқлаб, бир пофона юқори бўлган янги бир мажмуа бор эканлигини исботлаб, ундан амалиётда фойдаланишини кўрсатиб бериши шарт экан.

Докторлик даражаси учун интилган олимнинг фаолият кўрсатаётган соҳаси нисбатан янги бўлса, тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қилган барча қисмлар хусусиятларини ўзи тадқиқ қилиб чиқишига мажбур бўлади. Ваҳоланки, уни докторлик тадқиқот обьектини ташкил қилувчи қисмларнинг ҳар бири биттадан фан номзодлигини олиш учун қилинадиган тадқиқотлар бўлиши мумкин.

Шу сатрларнинг муаллифи фан доктори илмий даражасини олиш учун айнан мана шундай тадқиқотлар олиб боришга мушарраф бўлган.

Йигирманчи асрнинг тўртинчи чорагига келиб, бутун жонли мавжудот яшаб келаётган ташқи муҳит ҳолати кескин ўзгариб, вужудлар тадрижий ривожларига акс таъсир эта бошлади. Бу ҳолни ҳис қилган олимлар дунёга бонг уриб, бу ҳолатни яхшилаш чораларини излай бошладилар.

Натижада, ташқи муҳитни вужуд тадрижий ривожига кўрсатадиган таъсирини ўрганувчи 1866 йили немис биолог олими Эрнст Геккел томонидан илм-фан сифатида таклиф қилинган экология деган илм-фан соҳаси шаклланиб тараққий эта бошлади. Баъзилар тайёр foя ва фикрларни, шу жумладан, экология назариясини тўлиқ эгаллаб олмай, ундаги узук-юлуқ фикрларга ёпишиб олиб, кенг оммага жар кола бошладилар. Кейинги 15-20 йиллар мобайнида экология билан шуғулланмаган илм соҳаси деярли қолмади. Ўнлаб докторлик, юзлаб номзодлик диссер-

**тациялари ҳимоя қилинди.** Кенг ахборот воситалари одамларнинг ташқи сезги аъзоларига, экология бўйича, ҳали меъёрига етмаган маълумотларни ёғдира бошладилар. Жамиятда соҳта экологик ахборотлар кўпайиб одамларни чалфита бошладилар.

Камина бу воқеаларни кўриб туриб, қўл қовуштириб ўлтира олмади. Экология деб номланган фикрлар талқинидан ҳақиқий экологик муаммога тегишиларини ажратиб, уларни йифа бошлади. Яъни экология илм-фани назариясини бир бутунга келтиришликка бел боғладим. Экология назарияси устида ишлаши жараённида, унда экологияга оид янги бир фикр пайдо бўлди. Бу фикрни қисқа куйидагича ифодаласа бўлади.

Экология ташқи муҳитни вужуд тадрижига кўрсатадиган таъсирини ўрганадиган илм тармоғи экан, ер юзидағи барча мавжудотларга, шу жумладан, инсонга ҳам, ташқи муҳит бўлиб уларни ўраб турган табиий муҳит хизмат қиласди. Аммо инсон биоижтимоий мавжудот бўлгандиги туфайли, унинг биологик моҳияти билан бир қаторда ижтимоий моҳияти ҳам мавжуд. Бинобарин, биологик тадрижи билан бир қаторда ижтимоий тараққиётни ҳам кузатса бўлади. Вужудни биологик тадрижига уни ўраб турган табиий муҳит фаол таъсир кўрсатса, кишининг ижтимоий тараққиётига уни ўраб турган ижтимоий муҳит тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

XX асрнинг бошларидан бошлаб ташқи табиий муҳит бузилиши баробарида ижтимоий муҳит ҳолати ҳам айний бошлади ва 80-йилларга келиб, ўзининг кулмиацион нуктасига етди. Табиий муҳит ҳолатини яхшилаш ва уни бузилишидан ҳимоя қилиш муаммоси қаторида, ижтимоий муҳит ҳолатини яхшилаш ва одамлар маънавиятини ижтимоий занглардан тозалаш муаммоси пайдо бўлди. Бунинг учун ижтимоий фан олимлари киши ижтимоий моҳиятини шаклланиш босқичлари, уни шакллантирувчи ташқи ижтимоий муҳитни бузилиш сабаблари ва уларни олдини олиш тадбирларини аниқлаб беришлари керак бўлиб қолди. Мазкур ижтимоий буюртмани долзарблигини сезган ҳолда қўлингиздаги асар муаллифи бу ишни бажаришга киришди. Натижада иккита монография ва иккита рисола, ҳамда докторлик диссертацияси дунё юзини кўрди.

Докторлик диссертацияси қандай бўлиши керак экан-лигига мисоллар жуда кўп, аммо биз муаллифга яқин бўлган шу мисолни олиб, андоза тариқасида китобхонга баён этиб бердик. Бошидан ўтган табиб дейишади-ку.

## **МАҚОЛА, РИСОЛА ВА МОНОГРАФИЯ, УЛАРНИ ЁЗИШ УЧУН ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР**

Асаримиз илм билан шуғулланиш, яъни илм ҳикматига аталган экан, илмий фаолиятни ажралмас қисми бўлган ва илмий йўл билан аниқланган билимларни жамоатчиликка етказиш воситаси ҳисоблаған илмий мақола, рисола, монографик асар ёзиш ҳамда дарсликлар ва ўқув-услубий адабиётларни яратиш ва уларни баҳолаш мезонлари устидаги қисқача тўхталиб ўтишиликни жоиз деб билдиқ. Аслида китоб — бу мужассам фикрлар ҳамда ўқитиш ва ўрганишнинг энг улуф воситасидир. У кишилар онги ва тушунчасида улуғвор ўзгаришлар ясади.

Илмий мақола, рисола ва монографик асарларнинг бирдан-бир мақсади муайян тадқиқот натижасида аниқланган янги билимларни бошқаларга маълум қилишиликдир. Илмий асарларда фақат янги фикрлар, яъни янги қонуният, янгича таъриф ва тушунчалар ифода этилади. Бундай асарларни ёзишда мазкур илм соҳасида қабул қилинган маҳсус тушунча ва атамалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Маҳсус илм-фан тармоғига аталган асар бўлишига қарамай, уни ёзишда адабий тилни барча қоидаларига риоя қилиб тушунарли тарзда ёзилиши шарт.

Мақсади бир бўлгани билан ёзилиш услуби, ҳажми ва мақоми жиҳатидан илмий мақола, рисола ва монографик асарлар бир-биридан фарқ қиласидар.

**Илмий мақола** тадқиқот жараёнида олиб борилаётган изланишларнинг маълум бир қисмининг якунни сифатида янги бир жараённи, қонуниятларни ифодалаб берувчи ёзма манба ҳисобланади. Илмий мақолалар газета, журнал ёки илмий тўпламларда чоп этилади.

Одатда мақолаларнинг кўлёзма матнининг ҳажми ёзув машинкада икки интервалда босилган 2-8 бет орасида бўлади. Агар, буюртма берилган бўлса, ундан кўп ҳам бўлиши мумкин.

Мақола иложи борича публицистик услубда ёзилгани маъқул. Чунки, илмий-методик мақола маҳсус нашрларда чоп этилгани билан уни бошқа мутахассислик вакиллари ҳам ўқиши мумкин.

Таҳририятга қўлёзма билан бирга мақолага тегишли расм, жадвал ва чизмалар берилиб, матннинг ҳошиясиға улар қайси бетда жойлаштирилиши кўрсатиб қўйилади. Расм, чизма ва жадвалларни ўлчамлари  $16 \times 25$  см. дан ош-маслиги керак. Уларнинг ҳар бири алоҳида варақда бўлиши, барча номланишлар қисқартма сўзларсиз ёзилиши лозим.

Мақолаларда энг зарурий математик ифодаларгина берилиши керак. Библиографик кўрсаткич мақола охирида, матндаги далиллар кетма кетлиги тартибда берилади.

Мақолани ёзишда тадқиқот мавзуини долзарблиги, унга ижтимоий буюртма борлиги қисқача қайд қилиниб, тадқиқот якунларини қонуният, қонун-қоида, таъриф ёки тушунчалар шаклида баён этилади. Охирида кичик бир абзацда мазкур тадқиқот якунини қўлланиши мумкин бўлган халқ хўжалик соҳалари кўрсатиб ўтилади.

**Илмий рисола ва монографик асар** тугалланган тадқиқотни таъриф ва таснифига йўналтирилган бўладилар. Улар ёзилиш услуби ва мақоми жиҳатидан бири-биридан фарқ қиласадилар.

Тугалланган кичикроқ татқиқодни ёки йирик татқиқоднинг мантиқий ниҳоясиға етган бир қисмини ифода этувчи, ҳажми жиҳатидан **5 босма табоқдан ошмайдиган**, ёзилиш услуби публицистикага яқин бўлган китобчаларни рисола, дейилади.

**Катта бир тадқиқотни бутунлигича таърифлаб берувчи, ҳажми 5 босма табоқдан ошадиган йирик илмий асар монография дейилади.**

Иккала ҳолларда ҳам илмий асар уч қисмдан иборат бўлади. Биринчиси — кириш. Бунда тадқиқот олиб бориляётган мавзуга ижтимоий буюртма борлиги, уни амалга ошириш учун давлат томонидан шароит яратиб берилганлиги, бу муаммони ечиш учун соҳа бўйича салоҳиятли кадрлар борлиги қайд қилиниб, уни ишланганлик ҳолати, тадқиқотдан кўзда тутилган мақсад қайд қилинади.

Асарнинг асосий қисми ўз навбатида бир неча бўлимлардан иборат бўлиши мумкин. Унинг биринчи бўлимида

мазкур тадқиқотга теңишти түшүнчө ва атамаларининг таснифи берилиб, шу мавзу устида олиб борилған тадқиқотларнинг таҳлили келтирилади. Мавзуни ўрганилғанлик даражасидан келиб чиқиб, мазкур изланишни тадқиқот предмети күрсатылади.

Иккинчи бўлимида шу предмет устида олиб борилган тадқиқот жараёнининг тасвири ва унинг орасидаги натижалари баён қилинади.

Учинчи бўлимида, олиб борилган тадқиқотга таҳлил берилади, бунда қисмлар орасидаги зарурий алоқадорликларни ифодаловчи қонуният ва хусусиятлар тадқиқот якуни сифатида келтирилади.

Асарни холоса қисмида тадқиқот жараённан аниқланган қонуният ва хусусиятлардан жамиятни илмий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳәётида кўллаш йўлларини кўрсатилиб, илм ахли ва амалиётчиларга бир қатор тавсиялар берилади.

Илмий рисолани ёзишда соҳанинг маҳсус тушунча ва атамаларини иложи борича камроқ ишлатишга ҳаракат қилиш керак, монографик асарда буларга йўл қўйилади.

Илмий рисола асосан оммабоп бўлиб, публицистик усулда ёзилади, монография соҳа мутахассисларига мўлжалланган бўлиб, илмий тил билан ёзилади.

Ҳар қандай илмий асар саводли ёзилиши, унда фикрлар мантиқий боғланган баёни равон бўлиши зарур.

Бу ерда илмий адабиётлар яратишга қўйилган энг умумий талабларни қайд қилишга ҳаракат қилинди, холос. Соҳа фанларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, илмий асарларга яна бир қатор бошқа талаблар ҳам қўйилади.

## **ДАРСЛИК ВА БОШҚА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ АДАБИЁТЛАР**

Дарслик — талабалар томонидан уй вазифаларини бажаришда ва ўқув юртларида олган билимларини мустаҳкамлашда асосий ўқув воситасидир. У жамиятнинг маълумотли ҳамда маънавий баркамол фуқароларини тайёрлаш учун хизмат қилиши, ёшларда соғлом дунёқарашни ва юксак маънавий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Дарслик талабаларда фан асосларини эгаллашда замонанинг бош муаммоларини тушунишда кўмаклашиши,

уларнинг билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириши, шунингдек ўз билимларини узлуксиз такомиллаштиришга ва мустақил билим олишга даъват қилиши керак.

Дарслик ҳар бир фанни ўқитишнинг энг илфор услуги асосида яратилиши, билим беришни ижодий характерда бўлишини таъминлаши лозим.

Ҳар қандай дарслик муайян йўналишдаги билимлардан ташқари талабаларда иқтисодий, ҳуқуқий ва экологик тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилиши зарур.

Дарслик ёшлар дунёқарашини шакллантириши, табиат ва жамиятда юз берётган ўзгаришларнинг сабабини аниқлаши, асосий зиддиятларни таҳлил қилиши, билимлардаги мутлоқлик ва нисбийликни ифодалashi шарт. У ёшларда ватанпарварлик ва миллий фуур ҳиссини шакллантириши зарур. Унда келтириладиган далиллар илмийлик тамойили асосида ишончли ва аниқ бўлиши, воқеа ва ҳодисалар ўзаро боғланиш ва ривожланишда ёритилиши керак.

Дарсликлар гоя ва тушунчалар тадрижини, фан ва амалий ҳаётни узвийлигини, илмий ҳақиқат қарор топиши учун олиб борилган курашини жонли мисолларда кўрсатиб бериши керак.

Дарслик билиш назарияси билан дидактиканинг ҳамма тамойилларига, ёшларни ривожланганлик даражасига, олган билимларига ва ҳаёт тажрибасига мос бўлиши лозим.

Дарсликдаги барча илмий далиллар, фаразлар, таъриф ва назариялар мантиқий изчиллиқда баён қилиниши керак.

Уларда жамият ривожланишида меҳнатнинг аҳамиятини кўрсатишга катта эътибор берилади. У талабаларни асосий касблар, ҳозирги замон ишлаб чиқариши ютуқлари билан, фан ва маданият равнақи даражаси билан танишириши лозим.

Дарсликлар эгалланаётган билим ҳаётда нечоғлик зарурлигини англашга ва тушунишга олиб келиши зарур. Шу боис дарсликда матн устида мустақил ишлаш, олинган билимлардан амалда фойдалана олиш кўнилмаларини ҳосил қилиш бўйича маҳсус топшириқлар бўлиши керак.

Дарсликлар кўрсатмалиликка ва ҳодисалар тараққиётининг ички мантиқийлигига асосланган бўлиши, уларда талабаларда тўғри тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришга ёрдам берувчи зарур суратлар, чизмалар бўлиши лозим.

Дарсликдаги маълумотларнинг баёни ўқув дастурида белгиланган семинар ва амалий машғулотлар, тажрибалар ва техник воситалардан фойдаланиш кўзда тутилиши лозим.

Унда энг муҳим масалаларни аниқ ажратиб бериш, уларни мантиқий кетма кетлиқда баён этиш, ҳажмини имкон қадар камайтириш дарсликдаги билимларни эгаллашни осонлаштиради.

Дарслик зарур ҳолларда фаннинг асосий масалаларига бир неча марта қайтиш, талабаларга бу билимларни янгилашни нуқтаи назардан тақдим этиш, уларни таққослаш ва янги билимлар билан боғлаши шарт.

Дарсликда билимлар тизими талабаларни ривожланишини ҳисобга олган ҳолда илгарилаб бориши, уларнинг ижодий фаолиятига ундаши керак. Бунинг учун дарсликка муаммоли дарс беришга хос амалий топшириқлар киритилиши шарт. Бу топшириқлар билимларни янги шароитга кўчириш, таниш вазиятдан янги муаммоларни кўра олиш, фаолиятнинг маълум усууларини янгиси билан мустақил алмаштириш, муқобил идрок қилиш сари қаратилиши лозим.

Дарсликларда илмий тадқиқот ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш учун тадқиқот фаолиятининг қуйидаги босқичлари ажратиб кўрсатилиши керак: тадқиқотни обьекти, предмети ва мақсадини аниқлаш; обьект ҳақидаги маълумотларни тизимга солиш; муаммони илмий асосланган фаразини (концепциясини) тузиш; уни текшириш учун тадқиқот режасини тузиш; тадқиқотни мўлжалдаги режа асосида амалга ошириш тадбир чораларини тузиш ва бунда режага ўзgartиришлар киритиб бориш; тадқиқот натижаларига кўра хulosалар чиқариш ва топилган янги билимларни ҳаётта татбиқ қилиш қоидаларини белгилаш.

Дарслик ёзишда талабаларнинг ақлий ва жисмоний кучлари, қизиқиши ва лаёқатлари турлича эканлигини назарда тутиш талаб қилинади.

Дарслик талабалар ўзлаштиришлари шарт бўлган мутахассисларга қўйилган фанлар бўйича давлат стандартларидан келиб чиқсан дастурда белгилаб берилган билимлар тизими ва ҳажмини ифода этади. Уларни ўрганиш мантиқи ва кетма кетлигига риоя қилиниб тузилади. Дарслик мазмуни дастурда мавзуларни ўрганишга ажратилган вақт-

га мос келиши, тегишли мавзудаги билимларни онгли ўзлаштириш ва мустаҳкамлашлари учун сарфланадиган вақт ўлчанган бўлиши шарт.

Дарсликларда илмий тушунча ва қонуниятлар мазмунининг ёритилиш даражаси психология, дидактика ва хусусий услугубият фанларининг сўнгти ютуқларига кўра аниқланади.

Дарслик мазмунини белгилашнинг етакчи тамойилларидан бири ўқув муассасасини битирувчиларни замонавий ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий билимлар билан куроллантиришдир.

Дарсликнинг методик тузилиши таълим мақсади ва вазифаларига, унинг дидактик тамойилларига айнан мос бўлиши керак. Дарслик билимлар мажмуи сифатида фан мазмуни ва моҳиятини акс эттирибгина қолмай, билимларни ўзлаштириш даражасини ва тушунтириш услугубарини ҳам акс эттиради.

Янги тушунчаларни шакллантириш учун дарсликда уларни зарурлигини ва амалий аҳамиятини кўрсатиб берилиши лозим.

Ҳар бир дарслик таркиби асосий, қўшимча ва илова матнлардан иборат бўлади. Ундаги қўшимча маълумотлар асосий матнни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, унинг илмий исботланиши ва яққолроқ ифодаланишини кучайтиришга хизмат қилиши керак.

Илова матнлари дарсликдаги асосий матнни тушунишга ёрдам беради. У кириш, эслатма, атама, лугат ва кўрсаткичларда ўз ифодасини топиши мумкин.

Дарсликни ҳажми ҳаддан ташқари катта бўлиши мақбул бўлмаганидек, ўта кичик ҳажмда ҳам бўлмаслиги керак. Унинг ҳажми олинниши керак бўлган билим ҳажмининг маълум меъёрда тўла ва исбот қилиш учун етарли даражада мукаммал баён қилинишига кўра белгиланиши лозим.

Дарсликларнинг ҳажмини белгилашда кўргазма қуроллар масаласига алоҳида эътибор бериш зарур. Кўргазма қуроллар дарслик ҳажмини бирмунча кенгайтирса-да, ундаги маълумотларни ёрқин, тушунарли бўлишини таъминлаши зарур.

Дарсликнинг муқобил ҳажмини белгилашда энг аниқ йўл, тахминий ўқув матнининг бет ҳисобидаги ўртача миқдорини мўлжаллаб олишдан иборатdir.

**Синов дарсликлар** ҳам дарсликларга қўйиладиган умумий талабларга жавоб бера олиши керак. У амалдаги дарсликдан жиддий фарқ қилиши, ўқиш жараёнига янгича дидактик ёндашув ёки мазкур фанни ўрганишнинг янги услугубий йўлларидан фойдаланиш ифодаси бўлиши керак.

Синов дарслиги муаллифи дарслик қўлёзмаси билан бирга унга асос бўлган концепцияни муҳокамага тақдим этиши лозим. Муаллиф тузган концепциясида синов дарслигини яратища илгари сурган мақсад кўрсаткичлари ва уни амалдаги дарсликдан фарқларини кўрсатиб берниши лозим.

Муаллифнинг концепциясида синов дарслигидан амалда ўқитиши воситалари тизимида фойдаланиш назарда тутилиши ёки синов дарслигини мұваффақиятли қўллаш учун мазкур ўқув курси бўйича ўқитиши воситалари тизими унсурларини тўла ёки қисман алмаштириш зарур бўлиши аниқ кўрсатилиши керак.

Агар синов дарслиги мазкур ўқув курси бўйича амалдаги ўқитиши воситалари тизими билан тўлиқ мувофиқлаштирилмаган бўлса, у ҳолда дарслик фақат ўзи билан бирга барча зарур дидактик материаллар ва бошқа ўқитиши воситалари бутун ўқув-услубий мажмуя тақдим қилинган ҳолдагина амалиётда синовдан ўтказиш учун қабул қилинади.

Ўқув қўлланмаларга қўйиладиган талаблар синов дарслигига қўйиладиган талабларга мос тушади. Бироқ ўқув қўлланмасини дарсликлардан фарқи, у дастурдаги билим ҳажмини бир қисмiga ёки қандайдир бир жабҳасини тўлароқ ёритиб беришга қаратилган бўлади. Ўқув қўлланмалар дарсликларга қўшимча ўқув китоби бўлиб, фақат айrim ҳолларда, дарсликлар йўқ бўлганда вақтингчалик дарслик ўрнини босиши мумкин.

**Ўқув услугубий қўлланмалар.** Дарслик ва ўқув қўлланмалар асосан талабаларга мўлжалланиб ёзилса, ўқув услугубий қўлланма ўқитувчиларга ёрдам тариқасида ёзилади. Улар муайян ўқув курсини ҳаммасидаги ёки бир қисмидаги билимларни талабаларга етказишнинг самаралироқ усул ва услубларини баён этувчи, ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги зарур бўлган услугубий эҳтиёжларини қондирувчи адабиётдир.

Ўқитувчиларнинг услугубий қўлланмаси таълим-тарбия жараёнидаги маърифий муносабатлари билим беришда янги

дастур, талабаларнинг ёши, жинси, миллати, тарбияланганлик даражаси, давр талаби ва дидактика тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда ёзилади.

Куйида илова сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими Вазирлиги, Халқ таълими Вазирлиги ва Давлат матбуот қўмитасининг 12. 28. 9 рақамли 1998 йил 9. 10 февралда чиқсан “Ўқув-услубий адабиётлар мажмуи ва ўқув воситаларини баҳолаш мезонлари ҳамда уларни яратиб, муҳокамадан ўтказиш ва нашр этиш тартиби” тўғрисидаги қўшма буйругини келтирамиз.

## **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ АДАБИЁТЛАР МАЖМУИ ВА ЎҚУВ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” талаблари асосида яратилаётган дарслерлик ҳамда дидактик ашёларнинг талаблари даражасида тайёрланаётганлигини аниқлаш муҳим ташкилий-педагогик аҳамиятга эга. Шу боис дарслерликлар савиясини аниқлашнинг илмий мезонлари тизимини белгилаш лозим.

1. Дарслерликларни баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат.

- ўқув материали ҳажми ва мазмунининг дастурга мувофиқлиги;
- ўқув материали баёнининг илмийлиги;
- ўқув материали баёнининг тушунарлилиги;
- ўқув материалини очиб бериш мантиқи;
- ўқув материалини баён этиш усулининг талаб дараҷасидалиги;
- ўрганилаётган воқеалар ва қонуниятларни очиб бериш теранлиги;
- ўқув материалини асосий ва қўшимча қисмларга бўлингандилиги;
- савол, масала ва топшириқларнинг мазмундорлиги;
- тасвирий материалларнинг сифатлилиги;
- график ва бадиий жиҳатдан безатилиши (штрихли ва рангли расмлар, чизмалар, графиклар, жадвал, диаграмма, рангли тасвирлар, олимларнинг суратлари ва бошқалар)-нинг сифатлилиги;
- дарслерлик тилининг ифодалилиги, лўндалиги, аниқлиги, қисқалиги ва таъсирчанлиги;

— дарсликнинг фан асослари билан алоқадорлиги.

2. Дарсликларни фан асосларига мувофиқлиги бўйича баҳолашда қуидаги усуслардан фойдаланилади:

— илмий ходимларнинг мактабларда дарс ўтиши, ўқитувчиларнинг меҳнат шартномаси бўйича ишлаши;

— республиканинг турли туманларидағи ўқитувчилар фаолиятини ўрганиш;

— ўқувчилар фикрини анкета ёрдамида ўрганиш, дарсликнинг маълум қисмлари бўйича назорат ишлари ўтказиш;

— малака ошириш институтлари ва педагогика институтларининг методистлари томонидан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятларини ўрганиш;

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўқувчилар билимини текшириш бўйича тўплаган материаллари ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ва педагогика институтларидағи тажриба-синов ишларига оид ҳисботларни таҳлил қилиш.

3. Дарсликларни синовдан ўтказиш учун қуидаги материаллар тайёрланади:

— тажриба ишларининг режаси;

— ўқув методик мажмуя, режа, дастур, ўқув қўлланма, дарсликларни текшириш учун материаллар (методик қўлланмалар, тавсиялар, кўчирмалар);

— текширилиши лозим бўлган асосий тушунчалар рўйхати;

— ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш учун синов топшириқларига оид тестлар;

— амалий ишларни олиб боришга доир кўрсатмалар;

— тест натижаларини ёзib боришга доир шакллар (савол ва жавоб варақалари);

— ўқитувчилар ва ўқувчилар учун анкеталар.

4. Дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ўзлаштирилиш дарражаларини баҳолаш учун ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари бўйича қуидаги кўрсаткичлар ўрганилади:

— асосий ўқув материаллари, асосий тушунчалар, қонуниятлар ва назариялар;

— ўқув предметларига доир атамалар, ҳарфий ва график рамзларни билиш;

— ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш маҳорати;

— илмий тафаккур йўлларини эгаллаш;

— эгаллаган күнікма ва малакалар ҳажми.

5. Ўқувчилар билимининг тераңлиги З бос-  
қичда тадқиқ қилинади:

— амалдаги материални билиш;

— билимларни меъёрда қўллаш кўнікмаси;

— билимларни янги ҳолатларда қўллай олиш малакаси.

6. Дарслик ва ўқув қўлланмаларни баҳолаш республи-  
канинг турли вилоятларидағи шаҳар ва қишлоқ мактабла-  
ри ўқувчиларининг анкета билан сўроқлаш орқали амалга  
оширилади.

Анкета ўқув дарсликлари ва қўлланмаларининг ўқув-  
чилар учун қийинлик даражасини белгилашга имкон бе-  
ради.

Анкетага қўйидаги саволлар киритилиш мумкин: — Сиз  
шаҳар (қишлоқ) мактабида ўқийсизми?

— Дарслик қизиқарли ёзилганми?

— Сиз учун мазкур фан бўйича муҳим билимлар ман-  
бай нима: дарсликми ёки ўқитувчининг сўзлаб бери-  
шими?

— Энг қизиқарли: а) параграфлар; б) саволлар; в) топ-  
шириқлар; г) лаборатория ишлари; д) тажрибалар; е) расм-  
ларни санаб беринг.

— Энг қийин: а) параграфлар; б) масалалар; в) савол-  
лар; с) лаборатория ишлари; д) тажрибалар; е) расмларни  
сананг.

— Дарслиқдаги саволларнинг қанча қисмини мустақил  
еча оласиз?

— Дарслик билан қаерда ишлайсиз?

— Синфда дарслик билан қачон ишлайсиз?

— Дарслик билан қандай ишлайсиз?

Анкетадаги ҳар бир саволга жавоблар варианти бери-  
либ, ўқувчилар уларни ўzlари топишлари лозим.

Ўқув дарсликларини синовдан ўтказиш ва унинг сави-  
яси юзасидан хулоса беришда ҳар бир ўқув предметига хос  
хусусиятга алоҳида эътибор бериш, фан соҳаси бўйича яра-  
тилган концепция ҳамда таълим давлат стандартти талабла-  
рига яратилган дарсликнинг қанчалик мувофиқ келишига  
эътибор қаратиш лозим.

Ҳар қандай дарслик нашр қилинганига беш йил бўлган-  
дан сўнг қайта ишланиши ва экспертизадан ўтказилиши  
шарт.

## **ЎҚУВ ДАСТУРИ, ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ ҚАТЪЙ БЮРГАМЛАР, ШАРТНОМАЛАР ВА ТАНЛОВ АСОСИДА ЯРАТИШ – МУҲОКАМАДАН ЎТКАЗИШ ВА НАШР ЭТИШ ТАРТИБИ**

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ, узлуксиз таълим тизимини замонавий талабларга жавоб бера оладиган ўқув-методик адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситалари билан таъминлаш долзарб масалалардан биридир.

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Республикаизнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар олий таълим, олий ўқув юргидан кеийнги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим учун ўқув-методик адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситаларини яратиш, муҳокамадан ўтказиш ва нашр этиш истиқбол ҳамда ийллик режалар асосида олиб борилади.

1.2. Барча ўқув турдаги ўқув муассасаларига мўлжалланган нашр режалари амалдаги ўқув режалари асосида таълим тизимини зарур ўқув-методик адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситалари, техникавий, табиий, гуманитар, педагогик йўналишдаги адабиётлар билан таъминланганлигини ўрганилган таҳлилга мувофиқ тузилади.

1.3. Узлуксиз таълим тизими турларида қўлланиладиган ўқув услубий адабиётлар, қўлланималарни тайёрлашга юқори малакали мутахассислар, тажрибали педагог, олимлар, тақризчилар ва муҳаррирлар шартнома асосида жалб этилади.

1.4. Вазирликларнинг мутасадди ташкилотлари нашриёт бўлимлари ҳажми 6. 0 босма табоқҷача бўлган брошура, ўқув ва услубий қўлланималар, услубий тўплам ҳамда расмий ҳужжатлар, ахборот варақлари, бюллетенларни ўз маблағлари ҳисобидан нашр этишлари мумкин.

### **2. Қўлланинг яратилиши ва нашрга тайёрланиши**

2.1. Ўқув-методик адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситалари кўрик-танлов асосида яратилади, тасдиқланади.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон

Давлат матбуот қўмитаси биргаликда янги ўқув-методик адабиётлар мажмунини ва бошқа ўқув воситаларини кўриктанлов асосида яратиш мақсадида ва танлов шартлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон берадилар ва танловга келган қўлёзмаларни кўриб чиқиш учун ҳакамлар ҳайъати тузилади ва тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланади.

2.3. Кўрик-танловлар очиқ ва ёпиқ шаклда Низом асосида амалга оширилади.

2.4. Кўрик-танловларда айрим муаллифлар билан бир қаторда муаллифлар жамоаси иштирок этиши мумкин.

2.5. Кўрик-танловга қўйиладиган ўқув-методик адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситаларига талаблар Низомда белгиланади.

2.6. Топширилган ўқув-методик адабиётлар ва бошқа ўқув воситаларига қўйиладиган талаблар Низомда белгиланади.

2.7. Кўрик-танловда иккинчи ёки учинчи ўринни олган ва нашрға тавсия этилган ўқув адабиётлари қўлланма сифатида нашр этилиши мумкин.

2.8. Вазирликлар ёки уларнинг мутасадди ташкилотлари замонавий ўқув адабиётларини яратадиган муаллиф ёки муаллифлар гуруҳи билан шартнома асосида иш олиб борадилар.

2.9. Қайта нашри режалаштирилган ўқув-адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситалари вазирликлар тасарру-фидаги мутасадди ташкилотлар томонидан нашрға тавсия этилади.

Тарих, география, ҳукуқшунослик ва бошқа фанлар бўйича ёзилган ўқув адабиётлар қўлёзмалари тегишли мусассасалар қошида тузилган эксперт гуруҳларининг хulosасига кўра нашр этилади.

### **3. Қўлёзмаларга қўйиладиган расмий талаблар**

Ўқув-адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситаларига қўйиладиган талаблар асосида ёзилган қўлёзмалар мутасадди ташкилотларга топширилади:

3.1. Қўлёзмалар икки нусхада топширилади. Қўлёзманинг бир нусхаси асл (оригинал) бўлиши шарт.

3.2. Қўлёзмаларнинг муаллифлик босма табофи белгиланган (келишилган) ҳажмдан катта бўлмаслиги талаб қилинади, кичиги эса буюртмачи билан алоҳида келишилади.

Күлөзманинг муаллифлик бир босма табоғи 40 минг босма белгиларга (икки ярим оралиқда чоп этилган 22-23 машина бетларига) түғри келади. Тұлық бўлмаган сатрлар тұлық сатрга, сўзлар оралиғи босма белги ҳисобига кири-тилади.

Күлөзмада расм ва график чизмаларнинг бир босма табоғи уч минг см<sup>2</sup> га түғри келади. Түртбурчак шаклида бўлмаган расм ва чизмалар, мазкур расмларнинг жойлашиши мумкин бўлган түртбурчак майдончаси бўйича ҳисобланади.

Күлөзманинг босма ҳажмига расмлар тагига ёзувлар, сарлавҳалар, схемалар, мундарижалар, географик, тарихий ва бошқа карталар, қўшимча белгилар киритилади.

3.3. Күлөзмаларнинг асосий матни икки ярим оралиқ масофада А4 (210Х297 мм) ҳажмли қофозда, ёзув машинка ёки компьютерда аниқ ва тиник чоп этилган бўлиши керак. Күлөзманинг ҳар бир варафи чап томондан 25мм, пастдан 20мм ҳошия ажратилган бўлиши лозим. Бир варақ 30 қатордан кўп бўлмаслиги, қаторнинг эни 57-59 белгини (оралиқни қўшиб ҳисоблаганда) ташкил этиши керак.

3.4. Қайта нашрга тавсия этилган күлөзмалар олдинги нашр этилган нусхадан (агар юқори сифатда чоп этилган бўлса) А4 ҳажмли ҳар бир вараққа ёпиштирилган бўлиши мумкин.

Тузатиш ва қўшимча матнлар икки ярим оралиқда машинкада чоп этилган бўлиши керак.

3.5. гўләзма сарлавҳадан бошлаб бир бет ҳам қолдирмай тартиб рақами билан белгиланган бўлиши керак.

3.6. Барча химия ва товуш белгилари, лотинча номлар, математик формулалар ва маҳсус белгилар, физика, техник фанларга оид формулалар ва бошқа қора туш ёки сиёҳ билан кўлда тоза ёзилган бўлиши керак.

#### **4. Ўқув-адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситаларини тасдиқлаш тартиби**

4.1. Кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра ғолиб деб топилган дарсликлар ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар вазирликларнинг ҳайъат кенгаши тасдиқланганидан сўнг нашрга тавсия этилади.

4.2. Нашрга ва қайта нашрга тавсия этилган ва вазирликларнинг ҳайъат қарори билан тасдиқланган адабиётлар

рўйхати режалаштирилган нашр йилидан олдинги йилнинг биринчи чораги давомида нашриётларга юборилиши керак.

4.3. Дарсликлар тегишли вазирликларнинг грифи билан нашр этилади.

4.4. Ўқув-методик адабиётлар ва бошқа ўқув воситалари тегишли вазирликлар мутасадди ташкилотларнинг илмий-методик кенгаси муҳокамасидан ўтказилгандан сўнг истиқбол ва нашр йили режасига кўра чоп этилади.

## 5. Нашр этиш тартиби

5.1. Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни нашр этиш ишлари нашриётлар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

5.2. Нашр ишлари бўйича бериладиган буюртмалар нашриётларда чоп этилган дарсликлар ва ўқув методик адабиётларнинг сифатига қараб буюртмачи томонидан “Тендер” асосида амалга оширилади.

5.3. Ўқув-методик адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситаларини нашр этиш ва қайта нашр этиш, муаллифлар ва вазирликларнинг мутасадди ташкилотлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

5.4. Чоп этилган ўқув услубий адабиётлар мажмуи ва бошқа ўқув воситаларини тайёрлаш жараёнида маркетинг хизмати кўрсатилганилиги учун нашр этишдан олинадиган соф фойдаларнинг маълум фоизи ўзаро шартнома асосида вазирликларнинг мутасадди ташкилотлари ҳисобига ўтказилади.

5.5. Ўқув юртлари дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлари билан ўз вақтида таъминлаш ишлари вазирликнинг мутасадди ташкилотлари томонидан “Ўздавкитобсавдо” ва бошқа савдо ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади.

5.6. Реклама ва тарғибот мақсадида семинарларда, конференцияларда вазирликнинг бўлимлари мутахассисларга тарқатилган дарслик ва ўқув-методик адабиётларнинг харжатлари вазирликларнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳисобидан қопланади.

5.7. Нашрдан чиқсан дарслик, ўқув-методик ва бошқа адабиётларни, ўқув юртларига тарқатишни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида нашр этилган ўқув адабиётларнинг бир нусхаси вазирликларнинг мутасадди ташкилотларига нашриёт ҳисобидан юборилиши таъминланади.

## Х У Л О С А

Юқорида баён этилган фикрларга якун ясар эканмиз, айтиш мүмкінки, инсон бошқа барча тирик мавжудотлардан фарқыли ўлароқ — билиш, ўрганиш ва яратиш қоби-лиятiga эга.

Демак, инсон борки, у доим билимга әхтиёж сезади. Бу инсоннинг ижтимоий әхтиёжларидан энг асосийсидир. Билим инсон миясининг озуқаси ҳамдир. Сув, ҳаво ва ов-қат истеммол қилиб турилмаса, инсон ўзининг биологик ҳаётини давом эттира олмай ҳаётдан кўз юмади. Шу каби киши билим олиб турмаса, биологик тур сифатида яшаса ҳам унинг ижтимоий ҳаёти тұхтайди. Инсонни ижтимоий моҳиятисиз, яъни ижтимоий ҳаётисиз тасаввур этиш на-қадар даҳшат. Шунинг учун инсон тинмай билим олиб туриши шарт.

Билим топиши билан боғлиқ инсон фаолиятига илмий фаолият дейилади. Деҳқон косибчилик қила олмагани ва косиб деҳқончиллик қила олмагани каби, илм билан ҳам ҳамма шуғулланавермайди. Куръони Каримда таъкидлан-ганидек, олимлар анча ёқимли ва ўқымаганларга нисбатан худога яқын турадилар. Жумладан, Муждала сурасида шундай дейилади: “Оллоҳ. . . илм ато этилган зотларни (ба-ланд) даража-марtabаларга күтарур” (58-сурә, 11-оят). Демак, киши табиатан илмга мойил бўлиши ва бу олий неъматни тинмай тарбиялаб боришлиги керак. Чунки та-биатан берилган иқтидор ўз-ўзидан камол топиб кетавер-майди. Уни ақлий меҳнатлар билан тинмасдан озиқланти-риб турилиши шарт. Мен бир неча иқтидорли бола ва қиз-ларни дангасалиги ёки бошқа сабаблар туфайли тубанликка юз тутган ҳолатларни кузаттанман. Ҳамма нарсадан кечса ҳам илмдан кечмаслик керак. Бу шундай фаолиятки, ки-шидан фақат фидойиликни талаб қиласи.

Илмий фаолият билан шуғуланиш учун, авваламбор, киши унга ўзини рұхан, ақлан ва жисмонан тайёрлаши керак. Ҳар қандай ишлаб чиқарылған нарса ёки ҳодиса иккиламчи бўлиб, унинг бош сабабчиси ва шу ҳолатга келтирган нарса билимидир. Инсон шу билимдан фойдаланиб, табиат унсурлари ва ҳодисаларини ўз эҳтиёжига хизмат қилдиради. Ижтимоий ҳолатни шакллантирувчи билим аниқлаш инсон фаолиятининг энг олийсидир. Уни инсон ҳаёт тарзига, яъни маънавиятига айлантириб юбориши керак.

Инсонни ижтимоий моҳияти, яъни инсоний сифатлари, эгаллаган билимлари билан ўлчанар экан, мен ҳақиқий инсон бўлишими учун билимларни тинмай маълум бир тартибда эгаллашим зарур бўлади, деб ўзидағи билим ҳажми ни тинмай ошириб бориши зарур. Билимларни эгаллаш усул ва тартиблари турли-туман бўлиб, билимларни қайси бирини қайси усул ва услугуб билан эгаллашни билиш учун устоз-мураббий бўлмоғи лозим.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, устозга фақат ёшлар эмас, балки катта ёшдагилар ҳам устоз-маслаҳатгўйга муҳтож эканлар. Шунинг учун илм билан шуғулланмоқчи бўлганлар иложи бўлса, мактаб давриданоқ ҳаёт тажрибасига эга, билимдон ва оққўнгил бир олимни ўзига устоз-мураббий қилиб олиб, у билан бамаслаҳат ҳамма ҳаракатини амалга оширса тез мақсадига етади.

Илмий фаолиятни тариқат (йўл) деб билсак, ундаги тамойил қонун ва қоидалар мажмуюи унинг шариати ҳисобланади. Ўз даврида шайх Ҳожа Аҳмад Яссавий шундай деган эканлар:

Тариқатга шариатсиз киргандарни,  
Шайтон келиб иймонини олар эмиш.  
Ушбу йўлни пирсиз амал қилганлар-эй,  
Йўл-йўлакай сарсон бўлиб қолар эмиш.

Тўртликдан мазмун, киши илмий тариқатнинг тамойил, қонун ва қоидаларини, яъни унинг шариатини эгаллаб унга амал қилмай туриб илм билан шуғулланмоқчи бўлса ўз-ўзини алдаган бўлади.

Фақат шуғулланаётган соҳа фани билимларини ва илм-шуносликнинг асосий тамойил, қонун ва қоидаларини

яхши эгаллаб, шу билан юқори малакали ва тажрибага эга бўлган раҳбар қўл остида илмий иш бажарган одамгина илм соҳасидаги муродига етади.

Тиббий нуқтаи назардан ўзини илмга тайёрлаш деганда, ўзининг биологик моҳиятини ошириб боришликка айтилади. Бунинг учун барча жисмоний ҳаракатлар — юриштуриш, меҳнат қилиш, ейиш-ичиш ва ҳоказоларни маълум бир тартибга солинади.

Ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ақл ва руҳни соғломлиқда ушлаб туриш, деганда бутун фикри-зикрини фақат яхши ўйлар, савоб ишлар билан банд бўлишиликни тушуниш керак. Бу ҳолатга етишиш учун инсон эрталаб уйғониши билан бугун кимга ва қандай яхшиликлар қилиш кераклигини режасини тузади.

Руҳ ва ақлни поклаш Куръон сураларини тушуниб турив қайтаравериш, шу жумладан, номоз ўқиш йўли билан етишилади. Бу энг муқобил йўл.

Учинчидан, илм билан шуғулланувчи киши, бутун ҳарарат жараёнини методологик асосларини яхши билиб олиб, уларга амал қилиши керак. Улар эса уч турлидир.

**Биринчи тури** — ҳар қандай илмий фаолиятларни энг умумий методологик асоси фалсафанинг қонуниятлари билан киши яшаб турган жамиятнинг миллий мафкураси ҳисобланади.

**Иккинчи тури** — илмий фаолиятни умумий методологијаси бўлиб, тадқиқот олиб бораётган фан соҳасининг умумий мақсади ва ундаги қонуниятлар ҳамда илмий фаолиятнинг назарий асослари ҳисобланади.

**Учинчи тури** — тадқиқот жараёнида кичик бир оралиқ мақсад кўрсаткичлари билан соҳа тармоғининг хусусий қонуниятлари — илмий фаолиятнинг хусусий методологик асоси ҳисобланади.

Илм билан шуғулланганда уч турдаги методологиядан келиб чиқкан ҳолда ўз фаолиятини амалга оширади.

Тўртингидан, илм билан шуғулланаётган киши ўзининг тадқиқот обьектини, предметини ва тадқиқот якуннида эришиши лозим бўлган мақсадни аниқ кўз олдига келтириб олиши шарт.

Бешинчидан, тадқиқотчи ўзидан олдинги тадқиқотчиларни олиб борган изланишларини тўла ўрганиб чиқиб, улардан ўз тадқиқотларида фойдаланиши шарт.

Олтинчидан, илмий даражаларни эгаллаш учун киши ўз фикрини ёзма ва оғзаки түгри ва саводли қилиб ифода эта олиши лозим.

Еттингчидан, олимликка интилган ҳар бир инсон ўзида умуминсоний ва миллий фазилатларни мужассамлаштириб, уларни маънавияти даражасига етказиб бориши лозим.

Илмий фаолият билан шугулланувчиларга қўйилган талаб ва олимлик даражасига етиш босқич ва йўллари ҳамда қонун ва қоидаларини тўлиқ эгаллаб, уларга амал қилган ҳар бир инсон, иншооллоҳ, муродига етади.

## **МУНДАРИЖА**

|  |    |
|--|----|
| <b>Муқаддима</b> .....   | 3  |
| <b>Илмий тадқиқотга оид тушунчалар ва унинг назарий асослари</b>   |    |
| Асосий тушунчалар .....  | 5  |
| Билим эгаллаш босқичлари концепция<br>ва назария тушунчалари .....   | 8  |
| Усул, услугуб ва методология .....   | 11 |
| Тадқиқот ва мажмули ёндошув .....  | 13 |
| Тадқиқот обьекти, предмети ва мақсади .....  | 16 |
| Мақсад кўрсаткичлари ва диалектика қонунлари<br>энг умумий методологик асос сифатида .....   | 20 |
| Тадқиқот ишининг умумий ва хусусий методологияси .....   | 24 |
| Тадқиқот ишини мавзуини аниқлаш<br>ва иш режасини тузиш .....  | 34 |
| Адабиётлар билан ишлаш ва минимум<br>билимларни эгаллаш .....  | 36 |
| <b>Тадқиқот ишларини ташкил этиш ва олиб бориш</b>   |    |
| Реферат ва курс ишини ёзиш .....   | 40 |
| Магистрлик диссертациясини ёзиш .....  | 43 |
| Фан номзоди илмий даражаси учун олиб<br>бориладиган тадқиқотлар .....  | 49 |
| Фан доктори илмий даражасини олиш учун<br>тадқиқот олиб бориш .....  | 66 |
| Мақола, рисола ва монография, уларни ёзиш<br>учун кўйилган талаблар .....  | 69 |
| Дарслик ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар .....   | 71 |
| Ўқув-услубий адабиётлар мажмуи ва ўқув воситаларни<br>баҳолаш мезонлари .....  | 76 |
| Ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмаларни<br>қатъий буюртмалар, шартномалар ва танлов<br>асосида яратиш, муҳокамадан ўтказиш ва нашр<br>етиш тартиби ..... | 79 |
| <b>ХУЛОСА</b> .....  | 83 |

**БҮРИ ЗИЁМУҲАММАДОВ  
ИЛМ ҲИКМАТИ**

Тошкент, 700129, Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти,  
Навоий кӯчаси, 30.

Босишга руҳсат этилди 01.04.99. Бичими  $84 \times 108^1/_{32}$ . Офсет қозози.  
Офсет босма. Таймс гарнитура. Шартли босма табоқ 4,62.  
Нашр босма табоқ 5,0. 24-99 рақамли шартнома. Жами 1000 нусха  
Нархи шартнома асосида.

"Agnaprint" Масъулияти чекланган жамиятидаги чоп этилди.  
Тошкент, X. Байқаро, 51. Шартнома № 004/21-19